


# Ўзбекистон иқтисодиёти

## Статистик ва таҳлилий шарх

### Йиллик нашр, 2002



**Published in June 2003**

**Copyright Center for Effective Economic Policy (CEEP), Ministry of Economy of Uzbekistan,  
All right reserved.**

**The publication may only be produced, distributed or transmitted, in any form, with the permission in writing by the CEEP.  
Enquiries concerning reproduction should be addressed to the Information Division, CEEP.  
1, Yakhyo Gulom street, 700000 Tashkent, Uzbekistan.**

**This report was prepared by CEEP with the assistance of several institutions. The findings, conclusions and interpretations  
expressed in this document are those of the authors alone and should in no way be taken to reflect  
the policies or opinions of the government of Uzbekistan, USAID and EuropeAid.**

**Таҳририят**

Шухрат Шукуров

Дурбек Ахмедов

**Лойиҳа координатори**

Турсун Ахмедов

**Координатор ассистенти**

Шерзод Мўминов

**Бўлимларнинг маъсул муаллифлари**

Шухрат Шукуров (1-боб)

Ренат Яушев (2-боб)

Валентина Батурина (3-боб)

Фарход Жўрахонов (4-боб)

Дилдора Каримова (5-боб)

Турсун Ахмедов (6-боб)

**Муаллифлар**

Сергей Чепель

Ёдгор Файзуллаев

Орзимурод Файбуллаев

Нарзулло Обламуродов

Аббос Набиҳўжаев

Ринат Яушев

Валентина Батурина

Рашид Сафагараев

Чори Муродов

Валентина Свистунова

Фарход Жўрахонов

Дилдора Каримова

Людмила Максакова

Хикмат Саидахмедов

Эмма Черних

Наилия Махмудова

*Боғланиш учун манзил:*

Турсун Ахмедов  
Директор муовини,  
Самарали иқтисодий сиёсат маркази,  
Яхё Ғуломов кўчаси, 1  
Тошкент 700000,  
Ўзбекистон,  
Тел: (+998-71) 1331747,  
Факс: (+998-71) 1362797.

Ушбу нашрнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларда  
электрон нусхаси қуйидаги веб саҳифаларида  
берилган

[www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz) ва [www.pca.uz](http://www.pca.uz)



**МУНДАРИЖА**

<b>ЖАДВАЛЛАР .....</b>	<b>2</b>
<b>ЧИЗМАЛАР .....</b>	<b>4</b>
<b>ҚИСҚАРТМАЛАР.....</b>	<b>5</b>
<b>КИРИШ .....</b>	<b>6</b>
<b>АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ ВОҚЕАЛАР .....</b>	<b>8</b>
<b>1. МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ.....</b>	<b>15</b>
1.1. ИҚТИСОДИЙ ҰСИШ .....	15
1.2. СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИ.....	17
1.3. ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ .....	21
1.4. ВАЛЮТА СИЁСАТИ .....	23
1.5. НАРХЛАР ВА ИНФЛЯЦИЯ .....	25
<b>2. ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ .....</b>	<b>29</b>
2.1. МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МУЛК ШАКЛЛАРИ..	29
2.2. БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ .....	35
2.3. ХУСУСИЙ СЕКТОР, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС .....	43
<b>3. ТАРКИБИЙ-ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТ.....</b>	<b>48</b>
3.1. САНОАТ.....	48
3.2. ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БОЗОРИ.....	51
3.3. АГРАР СОҲА .....	55
3.4. ИНВЕСТИЦИЯЛАР .....	59
<b>4. ТАШҚИ САВДО.....</b>	<b>64</b>
4.1. САВДО БАЛАНСИ, ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ .....	64
4.2. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР .....	68
<b>5. АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ .....</b>	<b>73</b>
5.1. ИШ ҲАҚИ .....	73
5.2. ИЧКИ САВДО ВА ХИЗМАТЛАР .....	74
5.3. БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ .....	80
<b>6. ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ .....</b>	<b>85</b>

## Жадваллар

1.1.1-жадвал. ЯИМнинг ўсиш суръатлари, ишлаб чиқаришда фойдаланилиш таркиби.....	15
1.2.1-жадвал. Давлат бюджетининг даромад қисмининг бажарилиши .....	18
1.2.2-жадвал. Давлат бюджети харажатлари .....	20
1.3.1-жадвал. Фоиз ставкаларининг ўзгариши .....	22
1.4.1-жадвал. Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси .....	25
1.5.1-жадвал. Истеъмол нархлар индекси (ИНИ) ва улгуржи нархлар индекси (УНИ) динамикаси.....	26
1.5.2-жадвал. 2000-2002 йй. инфляция даражаси.....	27
1.5.3-жадвал. Инфляция даражасига нарх ва тарифлар ошишининг таъсири .....	27
1.5.4-жадвал. 2002 йилда улгуржи нархлар индексининг ўсиш омиллари .....	28
2.1.1-жадвал. Хусусийлаштирилган мулк асосида тузилган корхоналар сони, дона .....	30
2.1.2-жадвал. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар тақсимланиши, % .....	31
2.1.3-жадвал. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш .....	33
2.2.1-жадвал. Инвестицион институтлар сони.....	35
2.2.2-жадвал. Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида акциялар савдоси, млрд. сўм .....	37
2.2.3-жадвал. ЎзРКМБ ва унинг шохобчалари орқали сотилган мулкнинг тузилмавий таркиби.....	40
2.2.4-жадвал. Улгуржи савдо ташкилотларининг товар айирбошлаш ҳажмлари .....	42
2.3.1-жадвал. Кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланиши.....	43
2.3.2-жадвал. Иқтисодийёт соҳалари бўйича кичик ва ўрта бизнеснинг ишлаб чиқаришдаги солиштирма улуши .....	45
2.3.3-жадвал. КЎБнинг ташқи савдо операцияларидаги улуши.....	46
3.1.1-жадвал. Саноатни таркибий тузилиши ва ўсиш кўрсаткичлари .....	49
3.1.2-жадвал. Асосий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзгариши .....	51
3.2.1-жадвал. Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши, %.....	52
3.2.2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида энг муҳим истеъмол товарларининг ишлаб чиқарилиши .....	54
3.3.1-жадвал. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркиби, %.....	56
3.3.2-жадвал. Хўжалик шакли бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркиби, %.....	56
3.3.3-жадвал. Пахта етиштириш кўрсаткичлари.....	58
3.3.4-жадвал. Қорамол ва парранда бош сони, минг бош .....	58
3.3.5-жадвал. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарилиш.....	59
3.4.1-жадвал. ЯИМ таркибида инвестициялар улуши ва капитал самарадорлиги.....	59
3.4.2-жадвал. Капитал қўйилмалар йўналишлари.....	60
3.4.3-жадвал. Молиялаштириш манбалари бўйича капитал қўйилмалар таркиби.....	60
3.4.4-жадвал. Иқтисодийёт тармоқлари бўйича капитал маблағлар, % .....	62
3.4.5-жадвал. Капитал маблағларнинг ҳудудлараро таркиби, %.....	63
4.1.1-жадвал. Ўзбекистон ташқи савдосининг асосий кўрсаткичлари.....	65
4.1.2-жадвал. Экспорт таркибининг ўзгариши, % .....	66
4.1.3-жадвал. Импорт таркибининг ўзгариши, % .....	66
4.1.4-жадвал. Экспортнинг геочизма таркиби, %.....	67

4.1.5-жадвал. Импортнинг геочизма таркиби, % .....	68
4.2.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари.....	69
4.2.2-жадвал. ХИК экспортининг товар таркиби, % .....	70
4.2.3-жадвал. ХИК экспортининг ҳудудий таркиби, % .....	71
4.2.4-жадвал. ХИКларни ташкил этувчи инвестор-давлатлар.....	72
5.1.1-жадвал. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўртача номинал иш ҳақи, сўм .....	73
5.1.2-жадвал. Республика ҳудудлари бўйича ўртача иш ҳақи.....	74
5.2.1-жадвал. Чакана товар айирбошлаш ва пуллик хизматлар.....	75
5.2.2-жадвал. Соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.....	78
5.2.3-жадвал. Таълим тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.....	79
5.3.1-жадвал. Бандликнинг тармоқлараро таркиби, %.....	81
5.3.2-жадвал. Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигининг ўзаро нисбати, % .....	82
5.3.3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг конъюнктураси .....	83
6.1-жадвал. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.....	86
6.2-жадвал. Ҳудудларда ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик даражаси .....	89
6.3-жадвал. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индекслари.....	91

## Чизмалар

1.1.1-чизма. ЯИМ ва ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши .....	16
1.1.2-чизма. 2000-2002 йй. иқтисодиётнинг айрим сектор ва тармоқларининг ЯИМнинг ўсиш суръатига қўшган ҳиссаси.....	16
1.1.3-чизма. ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби .....	17
1.1.4-чизма. ЯИМнинг истеъмол таркиби, ЯИМга нисбатан, % .....	17
1.2.1-чизма. Бевосита солиқлар таркиби .....	19
1.4.1-чизма. ЎзРМБ алмашинув курси (CBER), паралелл алмашинув курси (PER) ва алмашинув шохобчаларнинг курси (CER).....	24
1.5.1-чизма. Истеъмол нархлар индекси (ИНИ), ойма-ой 2001-2002 йй. ....	27
2.1.1-чизма. Хусусийлаштирилган объектлар сони.....	30
2.1.2-чизма. Ўзбекистонда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, млрд. сўм .....	31
2.1.3-чизма. Юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича тақсимланиши .....	32
2.1.4-чизма. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича нодавлат секторининг улуши, % .....	34
2.2.1-чизма. 2000-2002 йй. биржа ва биржадан ташқари бозорда сотилган акциялар ҳажми .....	37
2.2.2-чизма. 2000-2002 йй. бирламчи фонд бозорида акциялар савдоси ҳажми.....	38
2.2.3-чизма. 2000-2002 йй. иккиламчи фонд бозорида акциялар савдоси ҳажми .....	38
2.2.4-чизма. 2002 йилда ЎзРКМБ ва унинг шохобчалари орқали ўтказилган савдолар сони .....	39
2.2.5-чизма. ЎзРКМБ ва унинг филиаллари орқали кўчмас мулк объектлари савдоси .....	40
2.2.6-чизма. 2002 йил улгуржи савдо товар айирбошлашнинг умумий ҳажмида айрим ташкилотларнинг улуши .....	42
2.3.1-чизма. ЯИМдаги кичик ва ўрта тадбиркорлик улуши .....	44
2.3.2-чизма. Фаолият юритаётган юридик шахслар сони, минг киши.....	44
2.3.3-чизма. Кичик ва ўрта тадбиркорликда банд бўлганлар сони, минг киши.....	44
3.2.1-чизма. Ҳудудларда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш .....	52
3.2.2-чизма. Ҳудудларда ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш .....	53
3.3.1-чизма. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макрокўрсаткичлари .....	55
3.3.2-чизма. Экин майдонларининг таркиби, % .....	57
3.3.3-чизма. Ўсимлик маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши .....	57
3.3.4-чизма. Чорвачилик маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариши .....	58
3.4.2-чизма. Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари бўйича капитал қўйилмалар таркиби .....	61
4.1.1-чизма. Ташқи савдо йўналишлари, млн. АҚШ доллар.....	64
4.2.1-чизма. ХИКнинг республика ташқи савдосидаги таққослама улуши .....	70
4.2.2-чизма. ХИК экспортининг товар таркиби .....	71
5.2.1-чизма. ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши.....	76
5.3.1-чизма. Меҳнат бозорида ишчи кучининг тақлифи, ёш таркиби .....	82
5.3.2-чизма. Меҳнат бозорида ишчи кучининг тақлифи.....	83



## Қисқартмалар

БТСЭТ	Биржадан ташқари савдоларнинг электрон тизими
ДҚМО	Давлат қисқа муддатли облигациялари
ЖБ	Жаҳон банки
ЕСТ	Енгиллаштирилган солиқ тизими
ЕТТБ	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
ИНИ	Истеъмол нархлар индекси
КЎБ	Кичик ва ўрта бизнес
Млн	Миллион
Млрд	Миллиард
УНИ	Улгуржи нархлар индекси
ХБТ	Халқаро божхона ташкилоти
ХВФ	Халқаро валюта фонди
ХИК	Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар
ЎзР	Ўзбекистон Республикаси
ЎзРМБ	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
ЎзРВБ	Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси
ЎзРФБ	Ўзбекистон Республикаси Фонд биржаси
ЎзРКМБ	Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк биржаси
ЎзРТХБ	Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот
ЯҲМ	Ялпи ҳудудий маҳсулот
ҚҚС	Қўшилган қиймат солиғи

## Кириш

«Ўзбекистон Иқтисодиёти 2002» нашри Америка ва Европа халқаро ривожланиш агентликлари USAID ва EuropeAidларнинг молиявий ва техник қўмаги орқали Самарали иқтисодий сиёсат марказида тайёрланди.

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикасининг 2000-2002 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини баҳолашга бағишланган бўлиб, уни келгусида ҳар чорақда тайёрлаш кўзда тутилган.

Бунда Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари ҳақидаги маълумотларда давлат иқтисодий сиёсатининг барча таркибий қисмларини қамраб олинган бўлиб, мамлакат ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўзгаришининг асосий сабаблари, омиллари ва йўналишларини кўрсатилган.

**«Макроиқтисодий сиёсат»** бўлимида макроиқтисодий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий ўсишнинг омиллари ва дастлабки шарт-шароитлари, олиб борилаётган бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта, нарх-наво сиёсатларининг йўналишлари ва натижалари таҳлил этилган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфратузилмасини институтларини ташкил этиш, хусусий секторни ривожлантириш жараёнлари **«Институционал ва бозор ислохотлари»** бўлимида акс эттирилган.

**«Таркибий-инвестицион сиёсат»** бўлимида иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишининг йўналишлари ва муаммолари, инвестицион фаоллик даражалари ёритилган.

**«Ташқи савдо»** бўлимида савдо баланси, хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолияти, экспорт ва импорт таркиби таҳлил қилинган.

**«Аҳоли фаровонлиги ва меҳнат бозори»** бўлимида иш ҳақининг ўзгариши, ички савдо ва хизмат соҳаларининг ривожланиши йўналишлари таҳлил қилинган ҳамда аҳоли бандлиги ва меҳнат бозори ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган.

**«Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши»** бўлимида ишлаб чиқариш кучлари ҳудудий жойлаштирилишининг ҳозирги аҳоли минтақаларнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги мавжуд фарқнинг сабаблари таҳлил қилинган.

Ушбу иқтисодий журнал тайёрланишида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази, ЎзР Марказий банки ҳузуридаги Пул-кредит сиёсати маркази, ЎзР Молия Вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ сиёсати маркази, ЎзР Давлат Мулк қўмитасининг Бозор

ислохотларини чуқурлаштириш институти, ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш маркази ходимлари иштирок этишди.

Нашрда билдирилган хулоса ва фикр-мулоҳазалар расмий давлат идора ва шахслари, USAID ва EuropeAidнинг нуқтаи-назарларини акс эттирмайди ва фақатгина муаллифларга тегишлидир.

Нашрни тайёрлашда ЎзР Давлат Статистика қўмитаси, ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги, ЎзР Марказий банки, ЎзР Молия вазирлиги, ЎзР Давлат Мулк қўмитаси маълумотларидан ҳамда муаллифларнинг шахсий тадқиқотлари ва ҳисоб-китобларидан фойдаланилган.

## Асосий иқтисодий воқеалар

### *Макроиқтисодий сиёсат*

2001 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) ўртасида 2002 йилнинг 1 январидан 30 июнгача бўлган даврда олиб бориладиган иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари тўғрисида Меморандум имзоланиб, ушбу ҳужжатда валюта тизимини эркинлаштириш, қишлоқ хўжалиги секторини ислоҳ қилиш, банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, валюта алмашинуви курсини бирлаштириш, бетараф статистика ташкилотини ташкил этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар кўзда тутилган эди. 2002 йилнинг ўрталарига келиб, Меморандумнинг биринчи босқичи асосан бажарилди, бунда биржадан ташқари ва параллел амашув курслари ўртасидаги фарқлар кескин камайди, биржадан ташқари валюта курсига ўтиш кенгайди, экспорт тўсиқлари камайди, банк соҳасида чуқур ислохотлар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислохот қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони **банк тизими** учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу фармон банк тизимида ислохотларни амалга ошириш учун асос бўлди. Бу фармонга асосан, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш бўйича махсус Жамғарма ташкил этилди. Тижорат банклари томонидан жалб қилинаётган муддатли омонатларга ўрнатиладиган фоиз ставкаларининг энг кам миқдори чегаралаб қўйилиб, жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк (ЎзРМБ)нинг қайта молиялаштириш ставкаси 75 фоиздан кам бўлмаган миқдорда, юридик шахслар учун – 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, жалб қилиб бўлинган депозитлар бўйича депозит шартномаларни белгилаш даврида ўзгармас фоиз ставкалари сақланиши белгиланди. Аҳолининг муддатли депозитларга пул қўйилмаларини ошириш мақсадида тижорат банкларини имтиёзли солиққа тортиш тизими жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24 март 2000 йилдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 2000-2003 йилларда банк секторини ислоҳ қилиш Дастури ишлаб чиқилди. Унинг асосий йўналишлари - тижорат банклари реал секторни кредитлашни рағбатлантириши, банклар ўртасидаги рақобатни ошириш, уларни универсаллаштириш, молиявий барқарорлигини оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 март 2002 йилдаги «Пул массаси ошишини чеклаш ва молиявий интизомни бажаришдаги жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан, бир қатор жиддий чоралар қабул қилиниши республиканинг банк тизими ва пул муомаласига ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, янгидан тузилаётган банкларнинг минимал устав капиталига бўлган талабнинг ошиши, ЎзРМБ томонидан ўз облигациялари чиқарилиши, ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоб услублари кенгайтирилишини айтиб ўтиш жоиздир.

2002 йил 4 апрелда «Кредит уюшмалари ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонуни қабул қилинди. Бу қонун Ўзбекистонда нобанк молия-кредит институтлари ривожланишига асос яратди. 1 январь 2003 йил ҳолатига кўра республикада еттита кредит уюшмалари фаолият юритмоқда.

2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимояланиши кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Жамғармаси жорий қилинди. Унинг фаолиятининг асосий мақсади - тижорат банкларидан ЎзРМБи томонидан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси қайтариб олинган тақдирда фуқароларнинг банкдаги омонатлари бўйича товон тўланишини кафолатлашдир.

2002 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари айирбошлашни янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ушбу қарор пул маблағларини банкдан ташқари айирбошлашни қисқартириш чоралари, нақд пул айирбошлашда мавжуд бўлган кўпгина чеклашларнинг олдини олиниши, иш ҳақиға йўналтирилаётган маблағларни давлат томонидан тартибга солинишини бекор қилиниши кўзда тутилган, шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китоб услубларини кўпайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар эътиборга олинган.

Ҳукумат томонидан валюта тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилинди. 2000 йил 29 июнда «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилиниб, унга асосан, 2000 йил 1 июлдан бошлаб, чет эл валютасини биржадан ташқари валюта бозорида сотилиш механизми кучга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 июндаги «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмашинуви операцияларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан етарли маблағларга эга бўлган ваколатли банкларга республика ҳудудида чет эл валютасини махсус алмашинув пунктлари орқали сотиш ва сотиб олиш операцияларини ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 22 июлда «Чет эл валютасини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга асосан, 2001 йил 1 июлдан бошлаб:

- эркин муомаладаги валютада Бирлаштирилган барқарорлик жамғармасини тузиш белгиланди;
- микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарни ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизматлар) экспортдан тушган валюта тушумларини мажбурий сотишдан озод этиш кўзда тутилди;
- чет эл компания ва фирмаларига кафолатланган ҳажмларда юқори ликвид маҳсулотларни эркин муомаладаги валютага аукцион шартлари асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилди;

- экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумларининг 50 фоизини мажбурий сотилишини, жиҳозлар, хом-ашё ва материаллар импортини, янгидан жалб қилинувчи чет эл кредитлари бўйича хизмат кўрсатишни, даромадларни олиб чиқиб кетишни, дивидендлар ва чет эл инвесторларининг бошқа даромадларини, хизмат сафари харажатларини биржадан ташқари валюта бозорида талаб ва таклиф асосида юзага келувчи эркин курсга ўтказиш белгиланди;

- чет эл валютасини биржадан ташқари бозорнинг эркин курсида сотиб олувчи корхоналарни эркин муомаладаги валютани сотиб олинганда тўланадиган 5 фоизлик тўловдан озод этиш жорий этилди.

2001 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан, 2001 йил 1 августдан бошлаб, халқ истеъмоли товарларини импорт қилувчи корхона ва ташкилотларга сўмни эркин муомаладаги валютага айирбошлашга бирламчи ҳуқуқ берувчи лицензия бериш бўйича амал қилган тартиб бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 22 июлда «Ички валюта бозоридаги алмашинув курсларини бирлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Бу қарорга асосан, 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб, республика ҳудудида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операциялари, жорий валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва статистик ҳисобот, ҳамда божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш биржадан ташқари валюта бозорида инфляция ва муомаладаги умумий пул ҳажмини ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи эркин курсга ўтказилди.

2002 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютаси муомаласини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, унга асосан, 2002 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар-резидент ва норезидентлар томонидан барча турдаги товар, иш ва хизматларни тўланишига ҳисоб-китоб ва тўловларни нақд чет эл валютасида амалга оширилиши тақиқлаб қўйилди.

### ***Институционал ислоҳот***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги «2001-2002 йилларда корхоналарини чет эл инвесторларни жалб этиш йўли билан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан хусусий мулкка ўтказишга мўлжалланган 1244 давлат мулки объектлари тасдиқланди, улар қаторида:

- чет эл инвесторларини жалб қилиш йўли билан индивидуал лойиҳалар орқали акциялари сотишга мўлжалланган 38 та йирик корхона ва банклар. Шу билан бирга, бу корхоналар акцияларининг 39 фоиздан 70 фоизгача қисми хорижий инвесторларга сотилиши белгилаб қўйилди;

- тўлиқлигича чет эл инвесторларига сотишга мўлжалланган 49 ташкилот;
- активларининг 50 фоизидан 100 фоизгача қисми эркин биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотишга мўлжалланган 535 корхона;
- низом жамғармасидаги давлат улуши эркин биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотишга мўлжалланган 622 корхона.

Шундай қилиб, кенг миқёсли хусусийлаштиришнинг янги босқичига асос солинди.

Хукуматнинг 2002 йил 26 мартдаги «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишни таъминлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан илгари қабул қилинган 2001-2002 йиллардаги хусусийлаштириш дастурига қўшимча яна 751 корхона (акциялар пакети) киритилиб, улар 2002-2003 йилларда биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотилиши керак. Бундан ташқари, чет эл инвестицияларини хусусийлаштириш жараёнига жалб қилинишини фаоллаштириш бўйича қатор чоралар аниқланган.

2000-2002 йилларда давлат томонидан **кичик бизнесни** қўллаб-қувватлашга қаратилган янги ҳуқуқий ва ташкилий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

2000 йил 25 майда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, у тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар тарафлама ҳимоялашни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиқларини молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзларини бериш, банк хизматлари ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжалиқларини тузиш ва устувор ривожланишини рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 10 сентябрда қабул қилинган «Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан биргаликда микрокредитлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларнинг кредит ресурсларини кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг жалб қилинишини, тадбиркорларнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари доирасини кенгайтириш ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги микрокредитлаш дастури бажарилишини жадаллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июндаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналар ривожланишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони амалдаги Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган ва фаолият юритаётган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналар, ҳамда

янгидан тузилаётган чет эл инвестициясига эга корхоналарга имтиёзлар беришни кўзда тутган.

Ушбу юқорида қайд этилган ҳужжатлар республикамызда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий муҳитни сезиларли даражада яхшилади.

### **Таркибий-инвестицион сиёсат**

Инвестицион фаолиятни кучайтириш ва чет эл инвестицияларини кенг миқёсда жалб қилиш борасида республикамызда ҳар йили иқтисодиётда таркибий ислохотларни чуқурлаштиришни кўзда тутувчи Давлат Инвестиция Дастури ишлаб чиқилади.

2000-2002 йилларда Инвестиция Дастурини амалга ошириш даврида бир қатор объектлар ишга туширилди, булар жумласига: «Шўртан газ-кимё» комплекси; «Навоий азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида каустик сода, суюқ хлор ва хлор маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича линиялар; «Фарғона азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида натрий хлорат ва хлорат-магнийли дефолиант ишлаб чиқариш; Хоразм вилоятида шакар заводи; «Тошкент-Бухоро-Олот» радиореле алоқаси ва оптик тола алоқа линияси; Наманган вилоятида «Нестле-Ўзбекистон» қўшма корхонаси; Тошкент вилоятида «Чиноз тўқимачи» қўшма корхонасини киритиш мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистонда қуйидаги йирик инвестицион лойиҳалар амалга ошириляпти: Қўнғирот сода заводи; аккумулятор ишлаб чиқариш «ЎзЭксайд» қўшма корхонаси; «ЎзДЭУавто» моделлар қаторини янгилаш бўйича; республика телевидениесини комплекс техник қайта жиҳозлаш; Самарқанд, Бухоро, Урганч шаҳар аэропортларини модернизация қилиш ва бошқалар.

Республикага истеъмол молларини олиб кириш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратиш мақсадида 2002 йил 1 октябрдан банкларнинг чорак лимитлари бекор қилинди ва улар томонидан ижтимоий муҳим товарлар ва дори-дармонларни импорт қилувчи корхона ва ташкилотлар учун чет эл валютасини биржадан ташқари бозорда сотиб олиш тадбирлари амалга ошириляпти.

Шунингдек, қуйидаги солиқ имтиёзлари кўзда тутилган:

- истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг даромад солиғининг амалдаги 24% ставкаси 20%га пасайтирилди;
- болалар ассортиментидеги товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг даромад солиғи ставкаси 7% даражасида ўрнатилди;
- микрофирма ва кичик корхоналар истеъмол молларини ишлаб чиқаришдан тушган тушумдан ягона солиғининг амалдаги 12% ставкаси 25%га туширилган;
- ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмларининг моддий ўсиши ҳисобига олинган даромадлари даромад солиғи ва ягона солиқ тўланишидан озод қилинди;



- корхоналарнинг даромад солиғи ҳисобланганда ўзида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари рекламасига кетган харажатлари тўлиқ ҳажмда солиққа тортиладиган базадан айирилиб ташланади.

Бундан ташқари, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор солиқ имтиёзлари ўрнатилган (ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича), ҳамда уларнинг ўз мақсадлари учун ишлатиладиган хом-ашёлар, материаллар ва бутловчи жиҳозлар импорт қилинишида божхона имтиёзлари ўрнатилди.

### **Ташқи савдо**

«Ташқи иқтисодий фаолият ҳақида»ги қонуннинг 2000 йил 26 майда янги таҳрири қабул қилиниб, унда миллий ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар манфаатлари ҳимояланиши кўзда тутилади. Шу жумладан, жаҳон савдосида қабул қилинган стандартлар бўйича кириб келаётган товарларга ҳимоя, компенсацион ва демпингга қарши чоралар, техник, фитосанитар, экологик ва бошқа жиҳатлар ва талаблар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги Фармони билан экспорт қилувчиларнинг экспортдан тушган даромадлари солиқдан озод этилди ва мулк солиғи экспорт қилинаётган маҳсулот улушига нисбатан камайтирилди.

Ҳукуматнинг 2000 йил 8 июлдаги «2000 йилда янги мева-сабзавотларнинг марказлаштирилмаган экспортини ошириш чоралари тўғрисида»ги қарори билан дехқонлар, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун мева-сабзавотлар, полиз ва узум маҳсулотлари сотувини кенгайтиришларига ва уларнинг экспортга чиқарилиши оширилишига қулай шароитларни ташкил этиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 февралдаги «Ташқи савдо фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан импорт божхона божларининг янги ставкалари тасдиқланди. Илгари қўлланилган бож ставкаларини соддалаштириш ва бирлаштириш мақсадида уларнинг сони ўн иккитадан бештагача қисқартирилди. Айрим озиқ-овқат товарлари (гўшт-сут, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, ёғли уруғлар) ва Инвестицион Дастурга киритилган янги ташкил этилаётган ишлаб чиқаришни таъминлаш учун сотиб олинадиган жиҳозларни (механик ва электр машиналар) сифат, сони ва нарх кўрсаткичлари талаб қилинаётган даражада импорт қилинишини таъминлаш мақсадида, юклаш ва жўнатишдан аввал, мажбурий назорат ўтказиш тартиби ўрнатилди.

Ҳукуматнинг 2002 йил 31 майдаги «Импорт божхона тўловларини бирлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Халқаро божхона ташкилоти томонидан киритилган товарларни тавсифлаш ва кодлаш тизимига (2002 й. таҳрири) асосланган ташқи иқтисодий фаолиятнинг янги Товар номенклатураси кучга киритилиб, бунда тизимга киритилган сўнги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳисобга олинди. Шунингдек, бу ҳужжат билан 2002 йил 1 июлдан бошлаб, янги импорт божхона тўловлари ставкалари кучга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ички бозорига истеъмол товарларини олиб кириш ва сотишни такомиллаштириш ва лицензияланишини бекор қилиниши бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига тижорат фаолияти учун олиб кирилган истеъмол товарларини мувофиқлик сертификатини мажбурий тақдим қилиниши талаби кучга киритилди.

### ***Ижтимоий соҳа***

Ўзбекистонда мақсадли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан фаол ижтимоий сиёсат олиб бориляпти. Бу мақсадли дастурлар қаторига «Соғлом авлод учун» (2000 й.), «Она ва бола ҳимояси» (2001 й.), «Кекса ёшдагиларни манфаатларини ҳимоя қилиш» (2002 й.), «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «2002-2003 йилларда аҳолининг айрим ижтимоий заиф қатламларини жойларда қўллаб-қувватлаш», «Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш» ва бошқа дастурлар киради.

Аҳолининг ҳаёт даражасини кўтариш ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида бюджет ташкилотларининг ойлик маошлари, стипендия, нафақа ва ижтимоий нафақаларнинг оширилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди. 2000-2002 йиллар мобайнида кўрилган чора-тадбирлар туфайли, бюджет ишчи-хизматчиларига тўланган иш ҳақи 278% кўпайди.

## 1. Макроиқтисодий сиёсат

### 1.1. Иқтисодий ўсиш

2000-2002 йилларда ўртача 4,1% атрофида иқтисодий ўсиш кузатилди, (1.1.1-жадвал). 2002 йил натижаларига кўра, Ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиши 2001 йилга нисбатан 4,2% ташкил қилди, ЯИМнинг 1995-2002 йиллардаги ўртача йиллик ўсиш суръатлари эса, 4,5% тенг бўлди. ЯИМнинг аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш суръатлари 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 3%ни ташкил қилди ва сўнгги олти йил учун барқарор бўлиб қолмоқда.


#### 1.1.1-жадвал. ЯИМнинг ўсиш суръатлари, ишлаб чиқаришда фойдаланилиш таркиби

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
1. ЯИМ (млрд. сўм, ҳақиқий баҳоларда)	3255.6	4925.3	7469.3
1.1. ЯИМнинг йиллик ўртача ўсиши	3.8	4.2	4.2
1.2. ЯИМни аҳоли жон бошига ўртача йиллик ўсиши	2.4	2.9	3.0
2. ЯИМни ишлаб чиқариш тузилиши, %	100	100	100
- Саноат	14.2	14.1	14.1
- Қишлоқ хўжалиги	30.1	30.0	30.6
- Қурилиш	6.0	5.8	4.9
- Хизмат кўрсатиш	37.2	38.2	38.7
- Соф солиқлар	12.5	11.9	11.7
3. ЯИМдан фойдаланиш таркиби, %	100	100	100
3.1. Пировард истеъмол, жами	80.6	80.0	76.5
- Хусусий	61.9	61.6	58.5
- Давлат	18.7	18.4	18.0
3.2. Ялпи жамғариш	19.6	21.1	22.9
- Инвестиция	24.0	27.9	21.9
- Заҳиралар ўзгариши ва бошқалар	-4.4	-6.8	1.0
3.3. Соф экспорт	-0.2	-1.1	0,6

Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

Саноат маҳсулотлари (2002 йилда 8,5% ва 2001 йилда 8,1%), қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (6,1% ва 4,2%), қурилиш (3,1% ва 3,3%), асосий капиталга инвестициялар (3,8% ва 3,7%) деярли ўтган йил даражасида сақланиб қолди. Сезиларли фарқ чакана савдо айирбошлаш суръатининг пасайишида бўлди, (1,7% - 2001 й. даги 9,6% нисбатан), бу кўрсаткич республика ҳудудига истеъмол товарлари олиб кирилишини тартибга солиш бўйича қўрилган чораларнинг натижаси бўлиши мумкин.


**1.1.1-чизма. ЯИМ ва ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши**  
(%даги йиллик ўсиш суръатлари)



Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

Айрим тармоқларнинг ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси турлича (1.1.2-чизма). 2000-2002 йилларда ЯИМ умумий ортишининг тўртдан беш қисми қишлоқ хўжалигидаги, хизматлар соҳасидаги қўшимча қиймат ва соф билвосита солиқлар ҳисобига таъминланди. Бир тарафдан, бу меҳнат ресурсларини асосий ишлаб чиқариш тармоқларидан савдо ва хизматлар соҳасига оқиб ўтишига далил бўлади, бу эса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида табиий ҳолдир. Иккинчи тарафдан эса, соф билвосита солиқларнинг ЯИМнинг ортишидаги ўрни салмоқли эканлиги (айниқса, сўнги уч йилда), иқтисодиётнинг реал секторидаги товар ишлаб чиқарувчиларга қўйилган юқори солиқ босимининг сақланиб турганлигидан далолат беради.

**1.1.2-чизма. 2000-2002 йй. иқтисодиётнинг айрим сектор ва тармоқларининг ЯИМнинг ўсиш суръатига қўшган ҳиссаси**  
(ЯИМдаги ўсиш, %)




Манба: – Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган

ЯИМнинг тармоқлари таркибида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 1995 й. 17,1%дан - 2002 й. 14,1%гача ва қурилиш 1995 й. 8,2%дан - 2002 й. 4,9%гача ҳиссалари камайиб, хизматлар соҳаси салмоқи ортди, 1995 й. 34,6%дан - 2002 й. 38,7%гача (1.1.3-чизма). Бу жараёни ишлаб чиқариш тармоқларида асосий капиталнинг янгиланишининг паст суръатлари ва хусусийлаштириш жараёни унумдорлигининг етарли бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

**1.1.3-чизма. ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

(ЯИМга нисбатан, %)




Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

ЯИМнинг истеъмол таркибида (1.1.4-чизма) жорий якуний фойдаланиш улушининг 1995 йилдаги 81,3%дан 2002 й. 76,5%гача пасайиши давлат таъминоти харажатлари ҳиссасининг 20,5%дан 18%гача қисқартирилиши ҳисобига содир бўлди. Ушбу йўналиш ижобий хусусиятга эга бўлиб, инфляцион жараёнлар пасайишининг муҳим омилidir. ЯИМнинг ялпи жамғарилишининг улуши 1995 йилдаги 24,2%дан 2002 й. 22,9%гача пасайган бўлсада, у ўтиш давридаги иқтисодиётлар учун юқори бўлиб қолмоқда.

Жамғарилишнинг нисбатан юқори ҳиссаси асосий капиталга инвестицияларнинг реал ҳажмлари кўпайишига имкон берди, бу кўпайиш суръатлари 6,9%ни ташкил қилди, 1995 йилга нисбатан 59,3%га инвестицияларни ўсишига олиб келди.

**1.1.4-чизма. ЯИМнинг истеъмол таркиби, ЯИМга нисбатан, %**



Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

**1.2. Солиқ-бюджет сиёсати**

**1.2.1. Давлат бюджети даромадлари**

Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 2000 й. 28,5%дан 2002 й. 25,2%га, ёки 3,1% пунктга пасайган, бу эса ЯИМга солиқ босимининг бирмунча пасайганлигидан далолат беради, (1.2.1-жадвал).

**1.2.1-жадвал. Давлат бюджетининг даромад қисмининг бажарилиши**

Кўрсаткичлар	ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида			Аввалги йилга нисбатан фоиз ҳисобида		
	2000	2001	2002	2000	2001	2002
Жами:	28,5	26,0	25,2	100,0	100,0	100,0
Бевосита солиқлар, жами	7,5	7,4	6,8	26,4	28,5	27,2
Билвосита солиқлар, жами	16,0	13,5	13,8	56,0	51,8	54,6
Ресурс тўловлари, жами	2,8	2,4	1,9	9,9	9,3	7,5
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқ	0,3	0,3	0,5	1,0	1,3	2,1
Бошқа солиқлар ва солиқсиз тушумлар	1,9	2,4	2,2	6,7	9,1	8,6

Манба: Ўз.Р. Молия вазирлиги


2000 йилда давлат бюджетига бевосита солиқларнинг тушуми ЯИМнинг 7,5%ни ташкил қилди. 2001-2002 йилларда бу кўрсаткич аста-секинлик билан мос равишда 7,4% ва 6,8%гача пасайди. Бевосита солиқларнинг бундай пасайишининг сабаби - юридик шахслар даромад солиғининг 31%дан 24%гача пасайганлиги, ва шу орқали бу солиқ бўйича тушумлар ҳажмининг ўтган даврда ЯИМдаги улуши 1,3% пунктига камайганлигидадир (2000 й. 3,7%дан 2002 й. 2,4%гача).

Жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича тушумлар бир оз пасайди, (ЯИМда улуши 3,3%дан 3,1%гача), бу пасайиш солиқ ставкасининг 2000-2002 йилларда мос равишда 40%, 35%, ва 33%гача камайтирилганлиги ҳисобига бўлди.

Бевосита солиқларнинг таркибида юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахслар даромад солиқларидан тушган тушумлар аҳамиятли ўринга эга, (1.2.1-чизма). 2000-2002 йилларда бевосита солиқларнинг таркиби ўзгарганлигини айтиб ўтиш жоиз. Агар 2000 йилда бевосита солиқларнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғининг улуши 49,2%ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб, бу кўрсаткич 34,4%га тенг бўлди (14,8 фоиз пунктга пасайди). Жисмоний шахслар даромад солиғидан тушган тушумларнинг улуши 2000 й. 43,9%дан 2002 йил 45,6%гача ошди. 2001 йилда кичик корхоналар учун енгиллаштирилган солиқ тизими (ЕСТ), яъни ягона солиқ жорий этилди. Ягона солиқ улуши 2001 йилдаги 7,9%дан 2002 йилда 13,1%гача кўпайди.

Билвосита солиқлар бўйича тушумларни ЯИМга нисбатан улуши 2000 й. 16%дан 2002 й. 13,8%гача пасайди. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича тушум ЯИМга нисбатан 2000 й. 7,1%дан 2002 й. 6,2%га пасайди. Акцизлардан тушумлар улуши ЯИМга нисбатан 2000 й. 8,2%дан 2002 й. 6,6%гача кузатилди. Бундай пасайишга қарамасдан, билвосита солиқлар давлат бюджети тушумларининг ярмидан кўпини ташкил этади, (2002 йилнинг давлат бюджети даромадларининг 54,6%).

**1.2.1-чизма. Бевосита солиқлар таркиби**




Манба: Ўз.Р. Молия вазирлиги

2002 йилда жисмоний шахслар томонидан бензин ва дизел ёқилғи истеъмол қилишларига солиқ киритилди ва шу вақтнинг ўзida жисмоний шахс транспорт воситалари эгаларининг солиғи бекор қилинди. 2002 йил натижалари бўйича бензин истеъмоли солиғи бўйича тушумлар давлат бюджетининг барча тушумларининг 1,3% ташкил қилди.

Билвосита солиқлар асосан, акцизлар ва ҚҚС ҳисобига ҳосил бўлди. 2002 йилда ҚҚС ва акцизлар бўйича тушумлар умумий мос равишда 44,1% ва 48,2%ларни ташкил қилди, (1.2.2-чизма). Божхона тўловлари ва божлари бўйича тушумлар 2000 йилда 4,4%ни ташкил қилди ва 2002 йилга бориб 5,3%гача ошди. Янгидан жорий қилинган бензин истеъмоли солиғи бўйича тушумлар барча билвосита солиқлар тушумларининг 2,5%ини ташкил қилди.

**1.2.2-чизма. Билвосита солиқлар бўйича жами тушумлар таркиби**



Манба: Ўз.Р. Молия вазирлиги

### 1.2.2. Давлат бюджети харажатлари

Давлат бюджети даромадлари изчил пасайишидан келиб чиққан ҳолда, умуман, давлат бюджети харажатлари ҳам қисқартирилмоқда, бу эса давлатнинг иқтисодиётга аралашishi камайганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, давлат бюджети харажатлари 2000 й. 29,5%дан 2002 йилда 26,0%гача қисқарди, (1.2.2-жадвал).

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага сарф қилинган харажатлари ЯИМга нисбатан 2000, 2001 ва 2002 йй. мос равишда 10,4%, 10,2% ва 9,9%ларни ташкил қилди. Давлат бюджети харажатларининг йирик қисмини таълим ва соғлиқни сақлашни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган харажатлар ташкил этмоқда. 2000-2002 йй. таълимга харажатлар барча давлат бюджети харажатларининг 25,1%ни ёки ЯИМга нисбатан, 6,9%, соғлиқни сақлаш соҳасига – мос равишда 9,2% ва 2,5% тенг бўлди.

1.2.2-жадвал. Давлат бюджети харажатлари

Кўрсаткичлар	ЯИМга нисбатан, %			Аввалги йилга нисбатан, %		
	2000	2001	2002	2000	2001	2002
Харажатлар, жами	29,5	27,0	26,0	100,0	100,0	100,0
Ижтимоий соҳа	10,4	10,2	9,9	35,4	37,9	38,1
- таълим	7,0	6,8	6,8	23,7	25,5	26,2
- соғлиқни сақлаш	2,6	2,6	2,4	8,7	9,6	9,3
- спорт		0,1	0,1	1,5	0,2	0,2
- маданият	0,4	0,4	0,4	1,5	1,6	1,4
- илм-фан	0,1	0,2	0,1	0,5	0,6	0,5
- ижтимоий таъминот	0,3	0,1	0,1	1,0	0,5	0,5
Ижтимоий ҳимоя	2,3	2,1	2,0	7,7	7,7	7,5
Иқтисодиётга харажатлар	3,0	2,3	2,4	10,3	8,4	9,0
Марказлаштирилган инвестициялар	6,0	5,0	4,7	20,2	18,5	17,9
Давлат бошқаруви	0,6	0,6	0,5	1,9	2,2	2,0
Бошқа харажатлар	7,2	6,8	6,5	24,5	25,3	25,5

Манба: Ўз.Р. Молия вазирлиги

Иқтисодиётга йўналтирилган харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларнинг пасайиши кузатиляпти. 2000 йилда иқтисодиётга йўналтирилган харажатлар ЯИМнинг 3,0%ни ёки бюджетнинг ҳамма харажатларининг 10,3%ини, 2002 йилда эса, мос равишда ЯИМнинг 2,4% ва бюджет харажатларининг 9,0% ташкил этди. Асосий капиталга йўналтирилган марказлаштирилган инвестициялар ЯИМга нисбатан 2000 йилдаги 6,0%дан 2002 й. 5,0%гача пасайди, ёки мос равишда барча давлат бюджети харажатларининг 20,2% дан 17,9%гача камайди.

Давлат бюджети камомати 2000-2001 йилларда ЯИМга нисбатан 1,0%дан ошмади, 2002 йилда бу кўрсаткич 0,8%ни ташкил қилди.

2000 йилда давлат бюджети камомати қопланишининг асосий манбаси ЎзРМБнинг кредитлари бўлди, бундан ташқари, бошқа ноинфляция қоплаш манбалари ўрин тутган эди, булар қаторида давлат қисқа муддатли облигациялари ДҚМО ва хусусийлаштиришдан тушган тушумлар. 2001-2002 йилларда давлат бюджетини молиялаштириш таркибида ЎзРМБ кредитлари улуши 2 баравар камайди.



### 1.3. Пул-кредит сиёсати

Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки даражали бўлиб, ЎзРМБ ва тижорат банкларидан иборат. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунга мос равишда ЎзРМБнинг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлашдир.

2003 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистонда 35 та тижорат банки минтақалар бўйича 805 бўлимлари орқали фаолият юритаётган эди, улардан 13 таси хусусий<sup>1</sup>, 6 таси – чет эл капитали иштирокидаги, 2 таси – давлат, қолганлари эса, аралаш мулк шаклидаги банклар. Хусусий банклар сони - 1997 й. 8 тадан 2002 йил якунига 13 тага ортди.

2000-2002 йй. банк тизимида банк фаолиятини янада эркинлаштириш ва ислохот қилишга қаратилган қатор аҳамиятли ўзгаришлар содир бўлди:

- 2000-2003 йилларда банк секторини эркинлаштириш дастури ишлаб чиқилди, унга асосан, банкларнинг молиявий бозорда воситачилик ўрнини жонлантиришга ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

- ихтисослашган тижорат банкларни хизмат кўрсатаётган тармоқлар миқдорини, хўжалик субъектлари турларини ва амалга оширилаётган операциялар сонини кенгайтиришга йўналтирилган ихтисослашган тижорат банкларини универсаллаштириш бўйича чоралар қабул қилинди.

- банкларнинг молиявий барқарорлигини ва капитализациялаш даражасини ошириш мақсадида фойданинг 10 фоиздан 30 фоизгача қисми банкларнинг низом жамғармаларини оширишга йўналтирилди. Янгидан тузилаётган банкларнинг низом жамғармаларининг минимал миқдорининг сўмдаги эквивалентида 0,3 млн. АҚШ долларидан 1,25 млн. АҚШ долларигача кўтарилди.

- кичик ва ўрта бизнес субъектларини микрокредитлаш тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Ҳозирги кунда банклар фойдасининг 25 фоизини махсус имтиёзли кредитлаш жамғармасига ажратмалари ҳисобига кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) корхоналарини, юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни, деҳқон ва фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш Фонди амалга оширади.

- хўжалик субъектлари томонидан банк ҳисоб-рақамидан нақд пулни олишга қўйилган чекловлар бекор қилинмоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш жорий этилди.

- 2002 йилда ЎзРМБ биринчи марта 2001 натижалари бўйича ўз молиявий ҳисоботини халқаро аудит текширувидан ўтказди.

2000-2002 йй. пул-кредит сиёсати инфляция даражасини пасайтириш ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган эди. ЎзР МБ иқтисодиётда инфляциянинг кўзланган кўрсаткичларига мос равишда нақд пул

<sup>1</sup> Хусусий банк – капиталнинг 51%ни жисмоний шахслар ташкил этган банк.

таклифини чегаралаб турди.

Пул бозорини янада унумлироқ тартибга солиш мақсадида ЎзРМБ 2002 йилнинг иккинчи ярмида юридик шахслар учун 2 млрд. сўм ва жисмоний шахслар учун 1 млрд. сўм ҳажмда ўз облигациялари чиқарилишини амалга оширди.

2002 йил 1 январдан бошлаб, ЎзР МБ пул ҳажми ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида қайта молиялаштириш ставкасини бир ойга 2,0 фоиздан 2,5 фоизга кўтарди ва шу даражада ушлаб турибди, (1.3.1-жадвал).

**1.3.1-жадвал. Фоиз ставкаларининг ўзгариши**

Йил-ой	Ойлик ставка	Қайта молиялаштириш йиллик ставкаси	Ўртача тортилган кредит ставкалари
<b>2000 йил</b>			
Январ	3,0	42,6	21,3
Феврал	3,0	42,6	28,5
Март	3,0	42,6	27,4
Апрел	2,5	34,5	23,1
Май	2,4	32,9	25,0
Июн	2,3	31,4	22,1
Июл	2,0	26,8	23,6
Август	2,0	26,8	24,2
Сентябр	2,0	26,8	24,6
Октябр	2,0	26,8	19,8
Ноябр	2,0	26,8	23,2
Декабр	2,0	26,8	21,0
<b>2001 йил</b>			
Январ	2,0	26,8	13,3
Феврал	2,0	26,8	22,5
Март	2,0	26,8	24,2
Апрел	2,0	26,8	23,9
Май	2,0	26,8	25,1
Июн	2,0	26,8	25,2
Июл	2,0	26,8	24,7
Август	2,0	26,8	27,3
Сентябр	2,0	26,8	24,5
Октябр	2,0	26,8	20,1
Ноябр	2,0	26,8	27,1
Декабр	2,0	26,8	25,5
<b>2002 йил</b>			
Январ	2,5	34,5	28,4
Феврал	2,5	34,5	29,2
Март	2,5	34,5	30,4
Апрел	2,5	34,5	30,0
Май	2,5	34,5	28,7
Июн	2,5	34,5	30,6
Июл	2,5	34,5	28,6
Август	2,5	34,5	28,9
Сентябр	2,5	34,5	31,2
Октябр	2,5	34,5	30,2
Ноябр	2,5	34,5	32,3
Декабр	2,5	34,5	29,3

Манба: Ўз.Р. Марказий банки

Ҳозирги вақтда Ҳукумат сиёсати тижорат банкларининг аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш ва реал секторни кредитлаш бўйича фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган. Хусусан, тижорат банклари жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича мажбурий резерв фондига маблағларни депонентга ўтказишдан озод этилдилар. Бундан ташқари, тижорат банкларининг даромад солиғи ҳисобланганда солиққа тортиладиган асос жисмоний шахсларнинг муддатли пул қўйилмаларини ортган миқдорига камайиши белгиланган. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини кредитловчи банклар учун имтиёзлар кўзланган.

2000-2002 йй. банк тизимидаги кредитларнинг умумий суммаси номинал кўринишда 5,8 марта ошди. Тармоқлараро нуқтаи-назардан қаралганда, банк кредитларининг асосий қисми саноатга берилган, (57,1%), ҳолбуки транспорт ва алоқага 13,7%, қишлоқ хўжалигига 3,4%, савдо ва умумий овқатланишга 2,4% жами кредитлар йўналтирилган.

2002 йилда номинал кўринишда тижорат банкларининг жами активлари учдан бир ҳиссадан кўпроқ ошди, сўнгги уч йилда эса, улар 4,9 баробар ўсди. Активлар таркибда кўпроқ реал секторга берилган кредитлар жой олган.

Банк тизимининг номинал кўринишдаги умумий капитали охириги уч йил ичида 5,1 баробар ошди, бунда 2002 йилдаги ўсиш 42,9%ни ташкил қилди.

#### **1.4. Валюта сиёсати**

Ўзбекистон ЎзРМБи алмашинув курсининг бошқарувдаги ўзгарувчан усули қўлланиляпти ва алмашинув курси бошқарувини олтин-валюта резервлари ҳажмини 3 ойлик импорт миқдори даражасида ушлаб туришни ҳисобга олган ҳолда олиб бориляпти.

Чет эл валютаси нақд пулсиз бозордаги таклифининг асосий манбаи марказлаштирилган экспорт тушумларининг мажбурий сотилиши ва марказлашмаган экспорт тушумларининг 50 фоизини биржадан ташқари валюта бозорида сотилишидир.

Нақдсиз чет эл валютаси билан операцияларни Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси (ЎзРВБ)нинг аъзоси бўлган ва савдо сессияларида иштирок этувчи 27 та тижорат банки амалга оширади. ЎзРВБ сотиш ҳажмида асосан, сотиб олинаётган чет эл валютасининг миқдори тижорат банкларининг импорт миқдорига, хизмат кўрсатилаётган ташқи қарз ҳажмига, фойданинг чиқиб кетишига, чет эл инвесторлари дивидендларига боғлиқ.

2000-2002 йилларда валюта режимида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб, расмий ва биржадан ташқари алмашинув курслари унификация қилинди, (бирлаштирилди).

2002 йилда валюта бозорини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

амалга оширилди. Хусусан, валюта сотиб олиш учун импорт контрактларини аввалдан ҳисобга олиш талабига боғлиқ бўлган чекловлар бекор қилинди. Бундан ташқари, импорт учун чет эл валютаси ажратилиши тавсия қилинмайдиган истеъмол товарлари рўйхати бекор қилинди.


Шунингдек, нақд чет эл валютаси бозори сезиларли даражада эркинлаштирилди. Хусусан, чет эл валютасини алмашинув шохобчаларида алмаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар кескин қисқартирилди. Бундан ташқари, жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини бир чорақда сотиб олиш лимити 2500 долларгача оширилди, (қўшиб ҳисоблаганда 1500 доллар – нақд пул ва 1000 доллар – йўл чеклари билан).

Ҳозирги кунда ички валюта бозорида асосий расмий алмашинув курси қуйидагилардир: а) ЎзРВБ савдо сессияларининг ўртача курси асосида аниқланган ЎзРМБнинг алмашинув курси, у бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда, ҳамда божхона тўловларини ҳисоблашда қўлланилади; б) чет эл валютаси нақд операциялари учун алмашинув шохобчалари тижорат курси ваколатли банклар билан биргаликда аниқланади.

Охириги йилларда ЎзРМБ алмашинув курси ва алмашув шохобчаларининг курси анчагина девальвацияланган. 2000 йилда ЎзРМБ курсининг девальвацияси 132,1%ни, 2001 й. – 111,7%ни, 2002 й. –41%ни ташкил қилди.

2000 йил 1 июлда алмашинув шохобчаларнинг курси 62%га девальвацияланган, ва кейинчалик 2001 ва 2002 йй. аста-секинлик билан пасайди. 2002 йилда алмашинув шохобчаларнинг курси ва параллел алмашинув курс орасидаги фарқ сезиларли пасайди, (1.4.1-чизма, 1.4.1-жадвал).

**1.4.1-чизма. ЎзРМБ алмашинув курси (CBER), параллел алмашинув курси (PER) ва алмашинув шохобчаларнинг курси (CER)**



Манба: Ўз.Р. Марказий банки

**1.4.1-жадвал. Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси**  
(2000-2002 йй. давридаги ўртача кўрсаткичлар)

Давр	ЎзРМБ айирбошлаш курси	Аввалги даврга нисбатан ўзгариши	Айирбошлаш шохобчалари курслари	Аввалги даврга нисбатан ўзгариши	Параллел айирбошлаш курси	Аввалги даврга нисбатан ўзгариши
2000	236,6	90,0	450,1	183,5	777,7	51,5
2001	421,0	77,9	829,0	84,2	1083,8	39,4
2002	766,9	82,2	1070,4	29,1	1324,2	20,8
2000 I ч.	143,3	4,0	208,6	11,0	777,9	15,3
II ч.	209,5	46,2	235,2	12,8	691,1	-11,2
III ч.	281,7	34,5	675,0	187,0	766,9	11,0
IV ч.	311,8	10,7	681,7	1,0	875,0	14,1
2001 I ч.	332,0	6,5	747,2	9,6	909,6	4,0
II ч.	353,7	6,5	799,1	6,9	913,6	0,4
III ч.	399,4	12,9	884,5	10,7	1105,4	21,0
IV ч.	599,0	50,0	885,2	0,1	1406,7	27,3
2002 I ч.	692,7	15,6	1005,6	13,6	1482,9	5,4
II ч.	706,4	2,0	1174,4	16,8	1336,0	-9,9
III ч.	772,3	9,3	1065,1	-9,3	1193,3	-10,7
IV ч.	896,0	16,0	1036,7	-2,7	1225,3	2,7
2002 янв	689,9	0,7	1081,3	25,7	1525,8	3,1
Феврал	693,6	0,5	1015,5	-6,1	1503,0	-1,5
Март	694,5	0,1	919,9	-9,4	1420,0	-5,5
Апрел	703,2	1,3	1118,1	21,5	1482,0	4,4
Май	721,6	2,6	1338,4	19,7	1381,0	-6,8
Июн	742,1	2,8	1066,7	-20,3	1145,0	-17,1
Июл	756,1	1,9	1042,6	-2,3	1214,0	6,0
Август	768,2	1,6	1080,0	3,6	1243,0	2,4
Сентябр	792,6	3,2	1072,7	-0,7	1123,0	-9,7
Октябр	851,1	7,4	1050,6	-2,1	1159,0	3,2
Ноябр	898,0	5,5	1034,0	-1,6	1225,0	5,7
Декабр	939,1	4,6	1025,5	-0,8	1292,0	5,5

Манба: Ўз.Р. Марказий банки

**1.5. Нархлар ва инфляция**

2002 йилда истеъмол секторидаги инфляция даражаси 21,6%ни ташкил қилди, бу 2001 ва 2002 йиллардагидан мос равишда 5,0 ва 6,6 % пунктларига пастдир. Ўртача ойлик ҳисобида инфляция даражаси 2002 йилда 1,6%ни ташкил қилди, 2001 йилда – 2,0% ва 2000 й. – 2,1%, (1.5.1, 1.5.2-жадваллар, 1.5.1-чизма).

**1.5.1-жадвал. Истеъмол нархлар индекси (ИНИ) ва улгуржи нархлар индекси (УНИ) динамикаси**

(декабр 1993 й. = 100)

Давр	Ўсиш (пасайиш) ИНИ, %			Ўсиш (пасайиш) УНИ, %		
	Ойнинг ойга нисбати (чоракнинг чоракка нисбати)	Йиллик	Йилнинг йилга нисбати	Ойнинг ойга нисбати (чоракнинг чоракка нисбати)	Йиллик	Йилнинг йилга нисбати
1994		1 281,4			436,3	1425,0
1995		116,9	304,6		501,0	217,4
1996		64,3	54,0		110,3	75,4
1997		27,5	58,8		53,5	40,3
1998		26,0	17,7		41,1	48,5
1999		26,0	29,1		38,2	34,7
2000		28,2	25,0		60,9	70,2
2001		26,6	27,4		42,2	44,0
2002		21,6	27,6		48,0	36,7
2001 I ч.	7,2	32,1	25,5	3,0	12,7	60,2
II ч.	1,7	6,8	28,5	3,4	14,4	42,2
III ч.	6,8	30,3	28,1	15,7	79,1	32,2
IV ч.	8,7	39,8	27,5	16,8	85,8	39,3
2002 I ч.	8,3	37,6	28,0	9,2	42,1	49,3
II ч.	5,6	24,6	31,1	7,1	31,8	57,1
III ч.	2,6	10,9	28,6	4,7	20,0	50,0
IV ч.	3,6	15,1	22,5	13,3	64,6	41,6
01/01	1,8	24,3	25,5	1,2	15,4	67,9
02/01	2,3	31,5	24,8	0,8	10,0	57,8
03/01	2,9	41,1	26,0	1,0	12,7	55,6
04/01	2,9	40,9	28,2	0,4	4,9	50,7
05/01	2,2	30,3	29,2	0,4	4,9	38,8
06/01	-3,4	-33,6	28,1	2,6	36,1	38,0
07/01	-0,1	-1,7	28,9	0,4	4,9	36,6
08/01	3,9	59,0	27,7	8,5	166,2	29,3
09/01	2,9	41,4	27,7	6,2	105,8	31,2
10/01	3,5	51,5	28,2	5,8	96,7	35,3
11/01	2,3	32,0	27,7	5,4	88,0	38,6
12/01	2,6	36,6	26,6	4,7	73,5	44,0
01/02	2,3	31,7	27,2	1,1	14,0	43,8
02/02	3,5	51,6	28,7	6,3	108,2	51,6
03/02	2,2	30,5	27,9	1,6	21,0	52,5
04/02	3,5	50,6	28,6	2,8	39,3	56,2
05/02	4,7	72,7	31,7	0,9	11,4	57,0
06/02	-2,4	-25,7	32,9	3,3	47,6	58,0
07/02	-2,0	-21,1	30,5	0,6	7,4	58,3
08/02	1,7	23,0	27,7	2,6	36,1	49,7
09/02	2,9	40,8	27,7	1,4	18,2	43,0
10/02	0,8	10,3	24,4	7,7	143,6	45,5
11/02	0,1	1,1	21,6	2,0	26,8	40,8
12/02	2,6	36,7	21,6	3,1	44,2	36,7
01/03	2,9	41,6	22,4	1,4	18,2	39,1


Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**1.5.2-жадвал. 2000-2002 йй. инфляция даражаси**

Кўрсаткичлар	Ўртача ойлик даража, %			Ўтган йилнинг декабр ойига нисбатан		
	2000	2001	2002	2000	2001	2002
<b>Истеъмол нарх индекси</b>	2,1	2,0	1,6	28,2	26,6	21,6
Шу жумладан:						
Озиқ-овқат товарлари	1,9	2,0	1,5	25,3	27,1	19,9
Ноозиқ-овқат товарлари	2,1	1,5	1,4	28,0	19,8	18,6
Хизматлар	3,6	2,7	2,6	52,0	37,8	36,6

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**1.5.1-чизма. Истеъмол нархлар индекси (ИНИ), ойма-ой 2001-2002 йй.**



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Инфляциянинг ўртача ойлик даражасининг пасайиши кузатилди, бунга республикада олиб борилаётган қатъий пул-кредит сиёсати сабаб бўлди.

Умуман, 2001-2002 йй. инфляциянинг умумий даражасига пуллик хизматлар ва ноозиқ-овқат товарларга бўлган тарифлар ўсиши таъсирининг кучайиши кузатилди, (1.5.3-жадвал).

Агарда 2001 йилда инфляциянинг умумий даражасига тарифлар ўсиши таъсири 12,8%ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилда у 19,7%гача ўсди, ноозиқ-овқат товарлар бўйича бу ўзаро нисбат 2001 йилда 14,1% ва 2002 йида эса 18,8%ни ташкил қилди. Озиқ-овқат товарлари нархи ошишининг ИНИга таъсири 11,6 фоиз пунктга пасайди.

**1.5.3-жадвал. Инфляция даражасига нарх ва тарифлар ошишининг таъсири (жамига нисбатан фоизда)**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
<b>Истеъмол нарх индекси</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100</b>
Озиқ-овқат товарлари	64,0	73,1	61,5
Ноозиқ-овқат товарлари	19,4	14,1	18,8
Аҳолига пуллик хизмат	16,6	12,8	19,7

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**Озиқ-овқат товарлар** гуруҳида кўриб чиқилаётган даврда инфляциянинг умумий даражасига **гўшт ва парранда (31,8%), мева-сабзавотлар (17,3%), нон ва нон маҳсулотлари (14,5%)** нархларининг ошиши сезиларли таъсир кўрсатди.

**Ноозиқ товарлар гуруҳида** кўриб чиқилаётган даврда ИНИ умумий даражасига энг катта таъсирни **кийим-кечак** (23,0%), **бензин** (19,2%), **ювиш воситалари** (17,4%) нархлари ошишини кўрсатди.

2002 йилда аҳолига кўрсатилган **пуллик хизматлар** орасида тарифларнинг умумий ўсишига **уй-жой ва коммунал хизматларнинг** (йил давомида ўртача 61,2%), улар қаторида **газ таъминоти** (76,9%), **электр қуввати** (58,5%) ва **жамоат транспорти** (19,8%), унинг ичида автомобил транспорти (19,2%) хизматлари тўловлари ошиши энг катта таъсир кўрсатди.

**1.5.4-жадвал. 2002 йилда улгуржи нархлар индексининг ўсиш омиллари**

Ўсиш омиллари	УНИга таъсири (%)	Аввалги йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Энергия нархлари	15,1	40,9
ЎзРМБнинг айирбошлаш курси	7,7	21,0
Транспорт харажатлари	7,8	21,3
Иш ҳақи	3,4	9,3
Бошқа омиллар	2,7	7,5
<b>Жами 2002 йилда</b>	<b>36,7</b>	<b>100</b>

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси  
Изоҳ: Регрессион таҳлил асосида ҳисобланган

2002 йилда улгуржи нархлар индексининг (УНИ) ўсишига энг катта таъсири транспорт харажатларининг қимматлашишига (УНИ ўсишига қўшган умумий ҳиссаси 21,3%) сабаб бўлди, бу эса, ёқилғи маҳсулотлари ўртача йиллик нархларининг 46%га ва электр қувват манбалари асосий турлари нархларининг ўсиши билан боғлиқ. Саноат истеъмолчилари учун электр қуввати – 54,5%га, носаноат истеъмолчилари учун – 57,4%га ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун – 59,8%га ўсди (1.5.4-жадвал).

Шу жумладан, уй-жой ва коммунал хўжалигига ва йўловчи транспортга дотациялар аста-секин қисқартирилиб борилди. Бу эса, ўз навбатида, қуйидаги тарифлар ошишига олиб келди: эксплуатацион харажатлар – 55,6%га, сув таъминоти – 48,8%га, иситиш – 88,1%га, жамоат транспорти – 19,8%га.



## 2. Институционал ва бозор ислоҳотлари

### 2.1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулк шакллари

#### 2.1.1. Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичи

Хусусийлаштириш жараёни ривожланишининг ҳозир даврдаги босқичи иқтисодиётнинг асосий тармоқлари (ёқилғи-энергетика маажмуаси, металлургия саноати, темир йўл транспорти ва бошқалар) йирик корхоналарни алоҳида лойиҳалар асосида хусусийлаштиришга ўтиш билан, хусусийлаштирилаётган корхоналарни самарали мулкдорларга, шу жумладан – чет эл инвесторларига акцияларни ва корхоналарни мулк мажмуаси сифатида тўлиқ сотиш йўли билан эга бўлишига эътибор қаратиш билан эришилмоқда.


Якка тартибдаги хусусийлаштиришни чет эл инвесторларини кенг жалб қилиш билан ўтказилиши учун, Жаҳон банки, Корхоналарни якка тартибда хусусийлаштириш Бюроси ёрдамида танлов асосида чет эл маслаҳатчилари жалб қилинди ва улар хусусийлаштирилаётган объектларнинг акцияларини баҳолашни, салоҳиятга эга бўлган инвесторларни қидириб топиш ишларини амалга оширяптилар. Чунончи, Ўзбекистоннинг йирик компаниялари ва уларнинг корхоналари, жумладан, - «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «ТАПОиЧ» Давлат акциядорлик компаниялари акцияларини сотишга чет эл маслаҳатчилари жалб этилган.

#### 2.1.2. Хусусийлаштиришнинг миқдорий кўрсаткичлари

2000 йилнинг бошига келиб, асосан савдо, қурилиш, машинасозлик ва бошқа тармоқлар объектларининг оммавий хусусийлаштирилиши тамомланди, ва бу даврда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари - (ёқилғи-энергетика мажмуаси, металлургия саноати, темир йўл транспорти ва бошқалар) йирик корхоналарни оммавий хусусийлаштириш ҳали бошланмаган эди. 2000 йил хусусийлаштириш дастурига 167 та объект киритилган эди. Амалда 374 та объект хусусийлаштирилди, (2.1.1-чизма), бу эса, дастурда белгиланган топшириқдан 2,2 баравар кўпдир.

Кейинчалик, хусусийлаштириш жараёнига янги йирик корхоналарни жалб қилиш ва илгари хусусийлаштирилган кўпгина корхоналар акцияларининг давлат улушини сотиш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари қабул қилингани туфайли, хусусийлаштириш дастурига қўшилувчи объектлар сонининг сезиларли ўсиши кузатилди. Чунончи, 2002 йилда ҳукумат қарорларига асосан, 1261 дона корхоналар ва давлат мулки бўлган бошқа объектларнинг хусусийлаштирилиши мўлжалланган эди. Амалда 1912 объектнинг мулк шакли ўзгартирилди, бу 2001 йилдагидан 1,3 баравар ва хусусийлаштириш дастурида белгиланган объектлар сонидан 1,5 марта кўпдир. Иқтисодиёт асосий тармоқларининг йирик корхоналари хусусийлаштирилди, жумладан: «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Навоиазот», «Ўзбекрезинотехника», Ўзбек иссиқбардош ва қийин эрийдиган металллар комбинати, Тошкент ва Фарғона ИЭМ, Сирдарё ГРЭС ва бошқалар.

**2.1.1-чизма. Хусусийлаштирилган объектлар сони**



Манба: Ўз.Р. Давлат мулк кўмитаси

Давлат мулки асосида 2000-2002 йй. 3410 та турли мулк шаклидаги корхоналар ташкил қилинди. Йирик корхоналар акциядорлик жамиятларга айлантирилди, давлат мулки катта бўлмаган объектлар негизида асосан, хусусий якка тартибдаги корхоналар тузилди, (2.1.1-жадвал).

**2.1.1-жадвал. Хусусийлаштирилган мулк асосида тузилган корхоналар сони, дона**

Ташкил этилган корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари	2000		2001		2002	
	Сони	Аввалги йилга нисбатан, %	Сони	Аввалги йилга нисбатан, %	Сони	Аввалги йилга нисбатан, %
1.Акциядорлик жамиятлари	152	40,9	227	18,3	223	12,4
2.Хусусий корхоналар	103	27,7	827	66,8	1252	69,5
3.Бошқа шаклдаги корхоналар	117	31,4	184	14,9	325	18,1
Жами	372	100	1238	100	1800	100

Манба: Ўз.Р. Давлат мулк кўмитаси


2001-2002 йилларда тузилган хусусий якка тартибдаги корхоналар сонининг 2000 йилга нисбатан ўсиши ижтимоий инфратузилманинг кўплаб объектлари (савдо, умумий овқатланиш ва бошқалар), ҳамда асосий фаолиятга боғлиқ бўлмаган айрим турдаги ишлаб чиқариш объектларининг йирик корхоналар таркибидан чиқарилиши ва уларнинг мустақил равишда хусусийлаштирилганлиги туфайли содир бўлди. Бундан ташқари, жойлардаги ҳукумат идоралари томонидан хусусий мулк сифатида кичик корхоналар томонидан фойдаланишлари учун 700 дан ортиқ бино-иншоотлар сотилди.

**2.1.3. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар**

Ўзбекистонда хусусийлаштиришга аввалдан қабул қилинган тўловли ёндашиш давлат мулкани сотишдан йирик маблағлар олиш имкониятини берди. Бунда хусусийлаштиришнинг биринчи йиллариданоқ, ҳозирги давргача тушаётган маблағларнинг йилдан-йилга ўсиши кузатилмоқда. 2000 йилда ҳамма йиллардан кўра, энг кам корхоналар сони хусусий мулкка ўтказилган бўлсада, (374 дона), уларни сотишдан тушган маблағлар ўтган йиллардан кўпроқ бўлди. Бу эса, йирик объектларни хусусий мулкка сотишга ва уларни бозор баҳосини аниқлашга ўтилиши оқибати бўлди.

2002 й. хусусийлаштиришдан тушган маблағлар 43,6 млрд. сўмга етди. Бу миқдор 2000 ва 2001 йй. нисбатан мос равишда 3,0 ва 1,9 баробар кўпдир, (2.1.2-чизма).

**2.1.2-чизма. Ўзбекистонда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, млрд. сўм**



Манба: Ўз.Р. Давлат мулк қўмитаси

Пул маблағлари тушумининг ўсиш йўналиши давлат активларини чет эл инвесторларига сотилишида ҳам кузатилди. Фақатгина 2002 йилнинг ўзига улардан 32,3 млн. АҚШ доллари келиб тушди, бу эса, ўтган йилги кўрсаткичдан 2,5 марта кўпдир.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланишда бошқалардан фарқли, ўзига хос хусусиятларидан бири – уларнинг корхона ва хусусий тадбиркорликнинг хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлигидир, (2.1.2-жадвал). Чунончи, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш Жамғармасига (Бизнес-фонд) ўтказилган маблағлардан хусусий тадбиркорликка молиявий ёрдам кўрсатишда фойдаланилади. Бу жамғарманинг кредит линиялари бўйича 2001 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига 2,6 млрд. сўм, 2002 йилда эса – 5,3 млрд. сўм ажратилган.

**2.1.2-жадвал. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар тақсимланиши, %**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
<b>Тушум маблағлари қуйидагича йўналтирилган:</b>			
Республика бюджетига	33,2	27,8	24,3
Маҳаллий бюджетга	9,7	9,6	7,6
Бизнес-фондга	10,3	9,6	7,7
Хусусийлаштирилган корхоналарга	18,8	17,2	9,1
Айрим ҳукумат қарори билан корхона ва ташкилотларга	28,0	35,8	51,3
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Манба: Ўз.Р. Давлат мулк қўмитаси

Амалдаги қонун-қоида таянган ҳолда, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотишдан тушган маблағларнинг 25 фоизи уларнинг ўзига қайта техник таъмирлаш чора-тадбирлари амалга оширилишига, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ва айланма маблағларни тўлдиришга жалб этилади. Бундан ташқари, ҳукуматнинг махсус қарорларига асосан, мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутган айрим акциядорлик компаниялари таркибига кирувчи корхоналар акцияларини сотишдан тушган маблағларнинг 50 ва ундан юқори фоизлари улар ихтиёрига берилади.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг юз фоизини (операцион харажатлар олиб ташлангандан сўнг) олувчи йирик компаниялардан бири - «Ўзбекэнерго» компаниясидир. 2001-2002 йй. унинг корхоналари акциялари сотилишидан тушган 1,4 млрд. сўм маблағ электроэнергия генерация қувватларини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш мақсадларига компания ихтиёрига берилди. Умуман, 2000-2002 йилларда давлат активлари сотилишидан тушган маблағларнинг 28,0%дан 51,3%гача тақсимланиши ҳукумат махсус қарорлари асосида амалга оширилди.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлатга тегишли акциялари дивидендлари кўринишида олинган даромадларининг 50%и ҳам қайта тиклаш ва техник қайта таъмирлаш мақсадларида фойдаланиш учун уларга берилди.


#### 2.1.4. Мулк ва хўжалик юритиш шакллари ўзгартириш

Давлат томонидан кичик ва ўрта корхоналар тузилишини рағбатлантириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чоралар билан бир қаторда, кенг қамровли хусусийлаштириш мулк шакли бўйича хўжалик субъектларининг таркибида туб ўзгаришларга олиб келди. Агар бозор ислоҳотлари бошланишида Ўзбекистон иқтисодиёти асосини давлат корхона ва ташкилотлари ташкил қилган бўлса, 2002 йилнинг бошига қайд қилинган юридик шахсларнинг умумий сонидаги уларнинг улуши 11,7%гача қисқарди, (2.1.3-чизма).

Нодавлат секторда ишловчилар сони ва ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) ҳажмлари бўйича энг йирик корхоналар акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлардир. Қайд қилинган юридик шахсларнинг умумий сонидаги уларнинг улуши унча катта эмас ва мос равишда 2002 йилда 3,5% ва 6,4%ни ташкил қилди.

#### 2.1.3-чизма. Юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича тақсимланиши

(2002 й. 1 январ ҳолатига қайд қилинганлари)



Манба: Ўз.Р. Давлат мулк кўмитаси

Хусусий корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари каби кичик ва ўрта бизнес субъектларининг қайд қилинган юридик шахсларнинг умумий сонидаги жами улуши 2002 йилга келиб қарийиб 60%ни ташкил қилди ва ўсиши давом этмоқда. Бунинг

сабабларидан бири хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга бўлган ҳукуматининг эътиборидир, (2.1.4-жадвал).


**2.1.3-жадвал. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш шакллари**

Эски таркиб	Янги таркиб	Ҳуқуқий шакли	Ерга эғалик қилиш	Меҳнатни ташкил этиш шакллари	Қўшимча таърифлар
Совхоз / Колхоз	Давлат хўжаликлари – фақат қолганлари	Давлат хўжаликлари	Давлат таркибида	Ёлланма ишчи кучи	
	Жамоа хўжалиги	Жамоа хўжалиги	Доимий жамоа эғалиги	Аъзолар билан меҳнат шартномалари тузилади, ёлланма ишчи кучи қўлланилиши мумкин	
	Ширкат	Жамоа, оила пудрати, ижара	Доимий жамоа эғалиги	Шартнома асосида оилаларга ер бериш ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш	
	Фермер хўжалиги	Турли кўринишдаги ҳуқуқий шахс	Узоқ муддатли ижара (10 йилдан 50 йилгача)	Оила ишчилари, ёлланма ишчи кучи	Фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари: камида 30 шартли бош чорва мол, бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда, суғориладиган ерларда камида 0,3 га дан 0,45 гача ёки суғорилмайдиган (палмикор) ерларда камида 2 га, пахта ва ғаллачилик учун 10 га, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар учун 1 га.
	Ижара	Ҳуқуқий шахс бўлиш талаб этилмайди	Қисқа муддатли ижара (3 йилгача)		
	Деҳқон фермер хўжалиги	Ҳуқуқий шахс бўлиш талаб этилмайди	Умрбод эғалик қилиш	Оила ишчилари (1) мавсумий ёлланма ишчи кучи	Камида 0.35 га суғориладиган ерларда ёки камида 0.5 га суғорилмайдиган ерларда 1га чўл ва саҳроларда
Шахсий томорқа хўжаликлари	Деҳқон хўжалиги	Ҳуқуқий шахс бўлиши талаб этилмайди	Умрбод эғалик қилиш	Оила ишчилари (1) мавсумий ёлланма ишчи кучи	Деҳқон хўжаликларига ер бериш тартиби: суғориладиган ерларда 0,35 га.ча, суғорилмайдиган ерларда 0.5 га.ча, чўл ва саҳроларда 1 га.ча

Изоҳ: Деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (Эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради – Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни (3 модда).

Хусусий хўжалик юритиш шаклларининг кенгайгани сари иқтисодиётнинг давлат секторидида банд бўлган аҳолининг сони камайиши ва нодавлат секторидида ортиши содир бўлди. 1991 йилда нодавлат секторидида иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидидаги улуши 22%дан кўп эмасди, 1995 йилда бу кўрсаткич – 66%ни, 2002 йилда эса - 77%дан ошди, (2.1.4-чизма).

**2.1.4-чизма. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича нодавлат секторининг улуши, %**



Манба: Ўз.Р. Давлат мулк қўмитаси

2002 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 73,3%и, саноат маҳсулотларининг 71,4%и ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳажмининг деярли ҳаммаси нодавлат секторидида ишлаб чиқарилди. Қурилиш ишларини амалга ошириш, чакана савдо айирбошлаш, ҳар хил турдаги хизматларни кўрсатишда ҳам ушбу секторнинг улуши юқори натижалар берди.

Давлат мулкани хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнес ривожланишини рағбатлантириш натижасида жамиятнинг ижтимоий тузилмасида ҳам ўзгаришлар содир бўляпти. Агар Ўзбекистон мустақилликка эришишидан илгари республика фуқароларига даромад келтирувчи хусусий мулкка эгаллик қилиш тақиқланган бўлса, ҳозир эса шундай мулк, яъни капиталга эгаллик қилувчи мулкдорлар синфи шаклланиши тобора кенгайиб борапти.

2002 йил бошига келиб, мамлакатда акцияларга эгаллик қилувчи 1,2 млн. фуқаро, қишлоқ хўжалик ширкатларининг 1,4 млн. пайчилари (шериклари), 55,4 минг фермер, 3,3 млн. деҳқон хўжалиги эгалари (шунингдек, юридик шахс сифатида қайд этилмаганлар), яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва миқдори нисбатан унча катта бўлмаган капиталга эга, 279,1 мингта фуқаро қайд қилинди.

Бундан ташқари, 14 мингдан ортиқ масъулияти чекланган жамиятларни иштирокчи (таъсисчи)лари ва 65 мингга яқин хусусий яқка тартибдаги корхоналар, ҳамда шахсий уй (квартира) ва транспорт воситаларидан фойда олиш учун ишлатувчи соҳиблар капитал эгалари ҳисобланади.

Шундай қилиб, бозор ислоҳотлари нисбатан қисқа муддат ичида Ўзбекистонда иқтисодий фаол мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпини қамраб олувчи мулкдорлар синфини пайдо бўлишига олиб келди.

## 2.2. Бозор инфратузилмаси

### 2.2.1. Қимматли қоғозлар бозори ва унинг инфратузилмаси

Ўзбекистонда корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши хусусийлаштириш жараёнининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. 1994 йилда, яъни ўрта ва йирик корхоналарнинг очиқ акциядорлик жамиятларига оммавий ўзгартириш бошланишининг биринчи йилида, «Тошкент» Ўзбекистон Республикаси фонд биржаси (ЎзРФБ) ва «Вақт» миллий депозитарийси тузилди. Кейинчалик қимматли қоғозлар бозори институтларининг янгиларини тузиш ва амалдагиларини такомиллаштиришга эришилди. Бу жараён ҳозирги кунгача давом эттирилмоқда.

Замонавий қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини қуйидагилар ташкил қилади:

- «Тошкент» ЎзРФБ, мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўз бўлинмаларига эга;
- Марказий депозитарий ва у билан корреспондентлик ҳисоб-рақамлари орқали боғлиқ 30-та депозитарийлардан иборат икки даражали депозитарийлар тизими;
- биржадан ташқари савдоларнинг электрон тизими («Элсис-Савдо» БТСЭТ); келишув иштирокчиларнинг ўзаро мажбуриятларини ҳисоб-китоб қилиш орқали бозор таваккалчилигини камайтириш мақсадида фаолият юритувчи ҳисоб-клиринг палатаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлатга тегишли қимматли қоғозларини мамлакатимиз ва чет эл фонд бозорларида тарқатиш бўйича ваколатли вакили бўлган «Давинком» Давлат инвестицион компанияси;
- Маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатиш бўйича нодавлат агентлиги («Маслаҳатаудитахборот»);
- фонд бозори иштирокчиларини электрон ахборот-таҳлилий таъминот Маркази «Ахборот таҳлил маркази» ва бошқалар.

#### 2.2.1-жадвал. Инвестицион институтлар сони

Инвестицион институт турлари	Йил охирида қолгани			2002 йилнинг 2000 йилга нисбати, %
	2000	2001	2002	
Инвестицион фаолиятга ҳамкорлик қилувчилар	71	91	101	142,3
Инвестицион компаниялар	12	11	10	83,3
Инвестицион консультантлар	29	28	25	86,2
Депозитарийлар	31	35	30	96,8
Реестрларни сақлаб турувчилар	63	61	53	84,1
Хусусийлаштирилган инвестицион фондлар	36	40	23	63,9
Компания бошқарувчилари	27	34	31	114,8
Инвестицион фондлар	3	6	15	500,0
Қимматли қоғозларни сақловчилар	7	9	10	142,9
Турли хил фаолиятларни амалга оширувчи институтлар	10	7	6	60,0
Жами	289	322	304	15,2

Манба: Ўз.Р. Давлат мулк қўмитаси

Қимматли қоғозлар бозорининг шаклланаётган инфратузилмаси элементлари бўлиб брокерлик идоралари, инвестицион фондлар, инвестицион компаниялар ва бошқа инвестицион институтлар ҳисобланади. Умуман, 2003 йил бошига келиб, 304 та инвестицион институт ўз фаолиятини юритмоқда, (2.2.1-жадвал).

2001 йилга нисбатан айрим инвестицион институтларнинг сони қисқартирилиши қуйидагилар ҳисобига содир бўлди: депозитарий ва реестр олиб борувчилар – фаолиятида аниқланган қонунбузарликлар ёки фаолият турини ўзгартирганлиги сабабли, илгари берилган касбий фаолият юритишга берилган лицензияларнинг бекор қилиниши; хусусийлаштириш инвестицион фондлар – айрим фондларнинг бирлаштирилганлиги ва 9 та фондни очиқ инвестицион фондларга айлантирилганлиги сабабли, улар берилган давлат кредитини муддатдан илгари қайтардилар.

Давлат томонидан қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш, уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк Қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази амалга оширади.

Қимматли қоғозлар бозори институтлари тузилиши ва фаолиятининг қонуний базасини яратиш мақсадида 160 та меъёрий-ҳуқуқий далолотномалар қабул қилинди, улар қаторида «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги (1993 й.), «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиш механизми ҳақида»ги (1996 й.), «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийларнинг фаолияти тўғрисида»ги (1998 й.), «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2001 й.) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва ҳоказо.

Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2003 йил 1 январ ҳолатига 12,2 мингта корпоратив қоғозлар (акция ва облигациялар) чиқарилиши қайд қилинди, уларнинг умумий сони 2,0 млрд. дона ва эмиссия ҳажми 2218 млрд. сўмга тенг бўлди, шу жумладан, 2002 йилда қимматли қоғозларнинг 625 та чиқарилди, (316 млрд. сўмлик қарийб 300 млн. дона).

Корпоратив қимматли қоғозлар эмиссиясида корхоналарнинг облигациялари жъми 5,8 млрд. сўми (0,26%) ташкил қилди. Улар қуйидаги хўжалик жамиятлари томонида чиқарилган: «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» (2,0 млрд.сўм), «Совпластитал» (1,0 млрд. сўм), «Коском» (1,0 млрд. сўм) ва бошқалар. Бу маълумотлар қимматли қоғозлар бозорининг корпоратив облигациялар сектори тикланиши бошланғич босқичда эканлиги ва ҳали бозорнинг умумий айирбошлашда сезиларли ўрин тутмаётганлигини кўрсатди.

Фонд бозорида қимматли қоғозларнинг асосий тури хусусийлаштирилган корхоналар акциялари бўлиб қолмоқда. 2002 йилда улар савдосининг умумий ҳажми 41,7 млрд. сўмга етди (2.2.2-жадвал), бу эса, 2000 ва 2001 йй. кўрсаткичларидан мос равишда 2,4 ва 1,6 марта кўпдир.



**2.2.2-жадвал. Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида акциялар савдоси, млрд. сўм**


Бозор турлари	2000		2001		2002	
	Ҳажми	Йил якунига нисбатан, %	Ҳажми	Йил якунига нисбатан, %	Ҳажми	Йил якунига нисбатан, %
Бирламчи бозор	6,2	36,3	12,1	46,5	16,3	39,1
Иккиламчи бозор	10,9	63,7	13,9	53,5	25,4	60,9
Жами	17,1	100	26,0	100	41,7	100

Манба: Ўз.Р. Давлат мулк қўмитаси

Давлат корхоналарининг оммавий хусусийлаштириши босқичини тамомлангунга қадар (1999 й.), корпоратив қимматли қоғозлар айирбошлашнинг катта қисми акцияларнинг бирламчи сотуви ҳисобига шаклланарди. Кейинги йилларда қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори айирбошлашнинг бирламчи бозор айирбошлашдан ортиши кузатилди. 2002 йилда иккиламчи бозорда 25,4 млрд. сўмлик акциялар савдоси ўтказилди, бу эса, акциялар савдо-сотуви умумий айирбошлашнинг 60,9% фоизини ташкил қилади. Шу билан бирга, ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи бозорлардаги айирбошлаш миқдорларининг барқарор ўсишига эришилди.

Акцияларнинг бирламчи ва иккиламчи сотуви биржа ва биржадан ташқари бозорда содир бўляпти. Сўнги уч йил ичида биржа бозорининг солиштирамулуши 30-36,2% оралиғида, биржадан ташқари бозорнинг улуши – 63,8-70,0% оралиғида бўлди. Шу билан бирга, биржа ва биржадан ташқари бозорларнинг акциялар умумий савдоси ҳажмидаги ўртача йиллик улушлари мос равишда 33,2% ва 66,8%ларни ташкил қилди, (2.2.1-чизма)


**2.2.1-чизма. 2000-2002 йй. биржа ва биржадан ташқари бозорда сотилган акциялар ҳажми**



Манба: Ўз.Р. Давлат мулк қўмитаси

Шундай қилиб, биржа савдоси устунлик қилмоқда, яъни қайта хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари савдосининг аксарияти ЎзРФБ «Тошкент» орқали сотилмоқда, (2.2.2-чизма). Чунончи, 2002 йилда 16,3 млрд. сўмлик акциялар савдоси амалга оширилди, шу жумладан, 10,5 млрд. сўмлик (64,4%) – биржа орқали тендер ва тўғридан-тўғри савдолар орқали – 5,8 млрд сўмлик (35,6%).

**2.2.2-чизма. 2000-2002 йй. бирламчи фонд бозорида  
акциялар савдоси ҳажми**




Манба: Ўз.Р. Давлат мулк қўмитаси

Акцияларнинг иккиламчи савдосида тескари вазият кузатилмоқда – қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозори айирбошлашнинг биржа бозори айирбошлашдан сезиларли ортанлиги кузатилди, (2.2.3-чизма): 2000 й. – 17,2 баравар, 2001 й. – 11,6 баравар, 2002 й. – 4,5 марта. Акцияларнинг биржадан ташқари савдосининг биржадагидан ортиб кетганлигига қарамасдан, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг умумий айирбошлашда биржа савдоси улушининг ортиши кузатилди.

Акцияларнинг биржадан ташқари иккиламчи савдоси қисман «Элсис-Савдо» электрон савдолар тизими орқали амалга оширилади (ташкиллаштирилган биржадан ташқари бозор). Бу ташкилот томонидан акциялар билан операцияларни ўтказиш тартиби қимматли қоғозлар тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни бажарилишини таъминлайди, хусусан, акциялар нарҳини амалдаги ташкил топган талаб ва таклиф асосида аниқланишини, акциялар билан тузилган келишувлар ва уларнинг иштирокчилари ҳақидаги ахборотни очиқ эълон қилинишини, савдолар ошкоралигини ва кенг доирадаги шахсларнинг уларга қўшилиш имкониятини яратди.

**2.2.3-чизма. 2000-2002 йй. иккиламчи фонд бозорида  
акциялар савдоси ҳажми**



Манба: Ўз.Р. Давлат мулк қўмитаси

Асосан биржадан ташқари иккиламчи бозорда қимматли қоғозлар савдоси амалга оширилган охириги уч йил ичида такомиллаштирилмаган бозорда яъни, сотувчи ва

ҳаридорларнинг тўғридан-тўғри боғланишлари орқали содир бўлмоқда. Савдонинг бундай шакли, келишувларни амалга ошириш соддалиги ва арзонлигига қарамасдан, акцияларнинг реал бозор нарҳини аниқлашга имкон бермайди ва эмитент аҳволи ҳақида етарли ахборотга эга бўлган айрим шахслар томонидан уларнинг паст нарҳларда сотиб олинишига сабаб бўлади.

Акцияларнинг иккиламчи савдосида «Тошкент» ЎзРФБ ва «Элсис-Савдо» электрон савдолар тизимининг аҳамиятини ошириш мақсадида Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси институтларининг кўрсатаётган хизмат тарифларининг пасайтиришларини, биржадан ташқари ташкиллаштирилмаган бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини регламентлаштириш ҳисобига биржадан ташқари келишувларни тузиш кетма-кетлигини тартибга солинишини, Тошкент ЎзРФБнинг расмий биржа листингига эмитентларнинг қимматли қоғозларини қўшилишини рағбатлантиришни ўз ичига олган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.


### 2.2.2. Кўчмас мулк бозори ва унинг инфратузилмаси

Турар-жой ва яшашга мўлжалланмаган давлат биноларининг хусусийлаштирилиши, корхоналарнинг ва бошқа турдаги кўчмас мулкнинг тўлиқлигича мулкӣ мажмуа сифатида хусусий мулкга сотилиши, кўчмас мулк бозори шаклланишига керакли шарт-шароитлар яратди.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржаси (ЎзРКМБ) ва унинг филиаллари 2588 та савдолар ўтказди, бу эса, ўтган 2000 ва 2001 йиллардан мос равишда 1,5 ва 1,2 баравар кўп демақдир. Шуниндек, савдоларнинг энг катта сони биржа савдоси шаклида (74,4%) ва энг кичиги – танлов шаклида (1,5%) ўтказилган, (2.2.4-чизма).

Умуман, 2000-2002 йй. 71 мингга яқин объект сотилди. Унда ЎзРКМБ ва унинг шохобчалари фаолият юритаётганидан бери сотилган жами объектларнинг 53,6%ини ташкил қилади. Бу биржа фаолиятини сўнгги уч йилда жонланганидан далолат беради.

#### 2.2.4-чизма. 2002 йилда ЎзРКМБ ва унинг шохобчалари орқали ўтказилган савдолар сони




Манба: Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржаси.

2002 йилда ЎзРКМБ ва унинг шохобчалари орқали сотилган объектлар сонининг 2001 йилга нисбатан қисқариши кузатилди - 5,6%га. Аммо шу даврдаги номинал пуллик ифодада савдолар ҳажми 1,3 марта ўсди, (2.2.5-чизма), бу эса, йирик ва нархи катта объектларни савдоларга қўйилиш сонини ортганлигидан далолат беради.

ЎзРКМБ ва унинг шохобчалари орқали сотувга чиқарилаётган давлат мулкининг 95%и сотилмоқда. 2000 йилгача биржа орқали сотилган объектлар умумий сонидан ҳам, пуллик тушумида ҳам давлат мулки улуши кўпчиликни ташкил қиларди. Кейинчалик юридик ва жисмоний шахслар томонидан савдоларга чиқарилаётган мулк улушининг ўсиш тенденцияси кузатилди ва сотилган объектлар умумий сонидан 2000 йилда 60,2%ини, 2001 й – 59,3%ини ва 2002 й. – 65,0%ини ташкил қилди.

**2.2.5-чизма. ЎзРКМБ ва унинг филиаллари орқали кўчмас мулк объектлари савдоси**



Манба: Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржаси.

ЎзРКМБ ва унинг шохобчалари орқали сотилаётган мулк таркибида энг катта улушни юридик шахслар томонидан савдога қўйилган автотранспорт воситалари (2002й. – 42,2%) ташкил қилди, (2.2.3-жадвал). Биржа орқали сотилаётган объектлар умумий суммасида ҳам автотранспорт воситаларининг улуши юқори, (14,5%).

**2.2.3-жадвал. ЎзРКМБ ва унинг шохобчалари орқали сотилган мулкнинг тузилмавий таркиби**

(жамига нисбатан, %)

Объектлар кўриниши	Саноқли тузилиши			Сотувдан тушган фойда тузилиши		
	2000	2001	2002	2000	2002	2002
Тугатилмаган қурилишлар	1,5	1,0	0,7	7,6	3,9	4,4
Савдо объектлари ва маиший хизмат	2,1	2,1	1,8	5,5	8,4	5,5
Инқирозга учраган корхоналар мулки	2,2	2,2	1,2	12,4	8,7	3,8
Бюджетга тўланмаган тўлов ҳисобидаги мулклар	-	8,5	9,0	-	9,2	7,5
Хўжалик суди томонидан ундирилган мулклар	-	1,9	1,4	-	2,9	1,6
Ер участкалари	28,7	33,1	33,7	3,1	3,5	2,9
Автотранспорт	55,0	41,8	42,2	25,2	14,8	14,5
Яшаш жойи ва бошқа мулклар	10,5	9,4	10,0	46,2	48,6	59,8
Жами	100	100	100	100	100	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржаси.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига асосан, ер ресурслари давлат мулки объектлари ҳисобланиб, эркин савдо-сотувга қўйилмайди. Аммо давлат ЎзРКМБ ва унинг филиаллари орқали ер участкаларига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини шаҳарлардаги яқка турдаги турар-жой қурилишига ва қишлоқ жойларда янги деҳқон хўжалиқларини ташкил қилиш мақсадида сотади. Бу ер майдонлари сони 2001-2002 йй. биржа орқали сотилган объектлар умумий сонининг учдан бир қисмини ташкил қилди. Шунда улар сотувидан тушган тушум ЎзРКМБ умумий йиллик айирбошлашнинг 3,5%идан ошмади. Бу ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқи нархининг паст эканлиги билан боғлиқ.

ЎзРКМБ орқали сотилган объектлар сонидан турар-жой ва бошқа турдаги мулкнинг нисбатан катта бўлмаганига қарамасдан, биржа орқали сотилган мулкнинг нархи ҳажмида уларнинг улуши энг каттадир, (2002 й. – 11,3 млрд. сўм ёки 59,8%). Бу сумманинг аксарият қисмини корхоналар, ортиқча ишлаб чиқариш бинolari, жиҳозлари ва бошқа мулкларни сотишдан тушган маблағлар нархидан иборат.

### 2.2.3. Савдо бозори ва унинг инфратузилмаси

Ўзбекистонда шаклланаётган савдо бозори инфратузилмасининг асосий элементлари қуйидагилардир:


- «Ўзулгуржисавдо» Акциядорлик компанияси (АК), унинг таркибига 8 республика даражасидаги савдога ихтисослашган, масалан, металл, ўрмон-қоғоз саноати маҳсулотлари, дастгоҳ ва асбоблар, электр кабел маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар (акциядорлик жамиятлар) киради;
- Кичик ва ўрта бизнес учун асосан материал-техник ресурсларни улгуржи ва майда улгуржи савдоси билан шуғулланувчи «Ўзулгуржисавдо»нинг ҳудудий ташкилотлари (акциядорлик жамиятлари);
- Ўзбекистон корхоналари, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар кўргазмаларини ўтказишга ихтисослашган «Ўзкўргазмасавдо» ярмарка савдоси маркази (акциядорлик жамияти);
- Металл маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар савдосини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё Биржаси (ЎзРТХБ) қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган материал-техник ресурслар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қайта ишланган маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи Республика универсал агросаноат биржаси (ЎзР «Агросаноатбиржаси»).

Бундан ташқари, улгуржи ва майда улгуржи савдо билан «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари, ҳамда бу компаниялар таркибига кирмаган хусусий фирмалар шуғулланади. Улар асосан, аҳоли истеъмол моллари савдосини амалга оширади.

Ишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги маҳсулотлар улгуржи савдоси асосан, уларнинг ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилар ўртасида тузилган тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади, ҳамда «Ўзулгуржисавдо» АК, ЎзРТХБ (54,5%),

ЎзР «Агросаноатбиржа» (26,3%) (2.2.6-чизма). Биржалар турли мулкӣ шаклдаги корхоналар товар – хом-ашё ресурслари билан таъминланишида ва ишлаб чиқарилган товарларни сотишда сезиларли ўрин тута бошлади.

**2.2.6-чизма. 2002 йил улгуржи савдо товар айирбошлашнинг умумий ҳажмида айрим ташкилотларнинг улуши**



Манба: чизмада келтирилган ташкилотлар.

Умуман олганда юқорида қайд этилган ташкилотлар орқали 2002 йилда 475,5 млрд. сўмлик маҳсулот сотилди. Бу эса 2000-2001 йиллардан мос равишда 3,5 ва 1,6 марта кўпдир. Товар айирбошлашнинг ўсиш суръатларининг энг юқориси «Ўзқургазмасавдо» кўргазма савдоси марказига тўғри келади. У 2000 йилда ташкил топган бўлиб, йилдан-йилга кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатаётган хизматлар ҳажмини кенгайтириб бормоқда.

**2.2.4-жадвал. Улгуржи савдо ташкилотларининг товар айирбошлаш ҳажмлари**

Ташкилотлар номи	Товар айирбошлаш ҳажми (млрд. сўм)			2002 йилни 2000 йилга нисбати, %	2002 йилни 2001 йилга нисбати, %
	2000	2001	2002		
АК «Ўзлугуржисавдо»	9,7	23,0	25,8	266,0	112,2
ЎзРТХБ,	63,7	157,5	259,2	406,9	164,9
Ўз.Р. «Агросаноатбиржа»	47,7	88,2	125,1	262,2	141,8
«Улгуржисавдо»нинг ҳудудий ташкилотлари	7,0	12,6	32,8	468,6	260,3
«Ўзқургазмасавдо» кўргазма савдо маркази	6,4	18,8	32,5	507,8	172,9
Жами	134,4	300,2	475,5	353,8	158,4

Манба: Жадвалда келтирилган ташкилотлар

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш бўйича улгуржи савдо ташкилотлари фаолияти ҳам жонланди. 2002 йилда КЎБ субъектларига улар томонидан 187,2 млрд. сўмлик материал-техник ресурслар сотилди, шунингдек 123,1 млрд. сўмлик КЎБ ишлаб чиқарган маҳсулотлар юқорида номи айтилган ташкилотлар орқали сотилди. Бу 2000 йил тегишли кўрсаткичларидан мос равишда 4,4 ва 3,4 марта, 2001 йил кўрсаткичларидан эса – 1,8 ва 1,7 марта кўпдир.

Сўнги икки йил ичида улғужи савдо ташкилотлари товар айирбошлаши сезиларли ўсиши ЎзР Президентининг 2001 йил 27 апрелдаги «Улғуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги УП-2836 сонли Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 1 майдаги «Улғуржи ва биржа савдоси тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 198-сонли қарорлари амалга оширилишига кўпроқ боғлиқдир. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси товар – хом-ашё биржаси ва улғуржи савдо ташкилотларига мустақил бозор тузилмалари мақоми берилди (илгари улар тугатилган «Ўзлғуржибиржасавдо» уюшмаси таркибида эдилар). Илгари амал қилган ҳудудий товар – хом-ашё биржаларига ЎзРТХБнинг шохобчалари ҳуқуқий қўшилиши ва савдоларга ягона электрон биржа савдоси тизимига уланиши амалга оширилди.

### 2.3. Хусусий сектор, кичик ва ўрта бизнес

Хусусий сектор, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакат иқтисодий ривожланиши барқарорлигининг таъминланишида муҳим ўрин тутди ва миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу секторни ривожланишининг фарқи иш жойларини ҳосил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлашдадир, бу эса, иқтисодиётни тузилмавий қайта қурилишида айниқса долзарбдир. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини ошириш жараёнида ўрта синф шаклланишига асос яратилди.

Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнеснинг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши 34%дан ошди. Мамлакат аҳолисининг минг киши ҳисобига ўртача 8,6 дан кўпроқ кичик корхоналар тўғри келади. 4,1 млн. кишидан иборат яқка турдаги тадбиркорларни ҳисобга оладиган бўлсак, кичик бизнесда банд бўлганлар сони 5 млн. кишидан ошади. Бу иқтисодиётда умумий бандлар сонининг 54,5%дир.

#### 2.3.1-жадвал. Кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланиши


Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000	2001	2002
1. Республика ЯИМда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг улуши – жами	%	31.0	33.8	34.6
Шу жумладан:				
Кичик ва ўрта корхоналар	%	13.1	14.8	15,7
Хусусий тадбиркорлик	%	17.9	19.0	18,9
2. Фаолият юритаётган юридик шахслар сони	Минг.киши	149.3	177.7	236,4
3. Иқтисодиётда умумий банд бўлганлардан КЎБда банд бўлганлар сони	Минг киши	4462.7	4842.5	5086,4

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Охириги йиллар ичида кичик бизнесни рағбатлантириш мақсадида бир неча муҳим қадамлар қўйилди. Соддалаштирилган солиққа тортиш тизими киритилди, давлат идоралари томонидан ўтказилувчи текширувлар сони чекланди, кичик, ўрта корхоналар ва кичик фирмаларни қайд қилиш тартиби соддалаштирилди. Бу ўз навбатида, тадбиркорликни ўсиш жараёнида, унинг республика ЯИМдаги улушининг ўсишига ва


иқтисодиётнинг бу сектордаги бандлик даражасига ижобий таъсир кўрсатди. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ва унинг муҳим кўрсаткичлари динамикаси 2.3.1-жадвалда ва 2.3.1, 2.3.2, 2.3.3-чизмаларида келтирилган.

**2.3.1-чизма. ЯИМдаги кичик ва ўрта тадбиркорлик улуши**




Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**2.3.2-чизма. Фаолият юритаётган юридик шахслар сони, минг киши**



Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

**2.3.3-чизма. Кичик ва ўрта тадбиркорликда банд бўлганлар сони, минг киши**



Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

Сўнги уч йилда амал қилаётган ташкилотлар сони қарийб 58%га ошди ва 236,4 минг юридик шахслардан ташкил топди. Корхоналар сонининг ўсишига қарамасдан, уларнинг критик массасига ҳали эришилгани йўқ.

2002 йилда КЎБ ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари 2001 йилга нисбатан қуйидагиларни ташкил қилди: саноат бўйича – 108,5%; қишлоқ хўжалиги бўйича – 106,1%; тўловли хизматлар бўйича – 108,3%, бу эса, амал қилаётган хўжалик субъектлари сонининг ўсиши ва улар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларининг оширилиши билан боғлиқдир.

КЎБ субъектларининг саноатдаги улуши 2000 й. 11,3%дан 2002 й. 14,1%гача кўпайди. Аммо, айтиб ўтиш жоизки, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик



тадбиркорлик улушини ўсиши билан биргаликда ўрта корхоналар таққослама улушининг пасайиши кузатилмоқда, (2.3.2-жадвал). 2002 йилда кичик ва ўрта тадбиркорларга республикада истеъмол товарлар ишлаб чиқаришнинг 23% улуши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 76,4%и, қурилиш ишларининг 41,3%и тўғри келди. Ушбу йўналишлардаги, юқори ўсиш суръатлари билан кичик корхоналар ва кичик фирмалар ажралиб турди.

2002 йилда ўрта ва кичик тадбиркорликнинг товар айирбошлаш 2001 йил даражасидан паст эди. Бунда яқка тартибдаги тадбиркорликни умумий товар айирбошлаш ҳажмининг улуши 2000-2002 йилларда 2,1% пунктга камайди.

Тўловли хизматлар соҳасидаги йўналишлар ижобий кўринишга эга бўлиб, кичик ва ўрта тадбиркорликни ҳар хил турдаги тўловли хизматлар кўрсатиш бўйича солиштирма ҳажми ўсмоқда. 2002 йилда у жами ҳажмда 41,3%ни ташкил қилди. Бу иқтисодиётдаги тузилмавий ислоҳотларга, шу жумладан, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни сифат кўрсаткичларига мосдир.

**2.3.2-жадвал. Иқтисодиёт соҳалари бўйича кичик ва ўрта бизнеснинг ишлаб чиқаришдаги солиштирма улуши**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
<i>Саноат</i>			
Умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	11.3	14.1	14,1
<i>Шундан:</i>			
Ўрта тадбиркорлик	4.2	6.0	5,5
Кичик тадбиркорлик	7.1	8.1	8,6
<i>Шу жумладан:</i>			
Хусусий тадбиркорлик	2.9	3.4	4,0
<i>Қишлоқ хўжалиги</i>			
Умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	72.4	75.6	76,4
<i>Шундан:</i>			
Ўрта тадбиркорлик	0.3	0.6	0,2
Кичик тадбиркорлик	72.1	75.0	76,2
<i>Шу жумладан:</i>			
Фермер хўжаликлари	5.1	6.9	9,9
Деҳқон хўжаликлари	66.0	66.3	65,5
<i>Чакана товар айирбошлаш</i>			
Жами товар айирбошлаш ҳажмидаги улуши	45.9	45.8	43,8
<i>Шундан:</i>			
Ўрта тадбиркорлик	3.4	3.8	3,7
Кичик тадбиркорлик	52.5	42.0	40,1
<i>Шу жумладан:</i>			
Жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган	32.2	32.0	30,1
<i>Пуллик хизмат кўрсатиш</i>			
Умумий хизмат кўрсатиш ҳажмидаги улуши	37.9	39.9	41,3
<i>Шундан:</i>			
Ўрта тадбиркорлик	1.3	1.1	1,0
Кичик тадбиркорлик	36.6	38.8	40,3
<i>Шу жумладан:</i>			
Жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган	32.2	34.1	34,9

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика кўмитаси

Аммо, кичик тадбиркорлик таркиби секин-аста ўзгариб борапти. Кичик бизнес асосан, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида ривожланыпти, чунки у ерда нисбатан катта бўлмаган капитални тез айирбошлаш имконияти мавжуд. Иқтисодиётнинг бошқа

тармоқ ва соҳаларида кичик корхоналарнинг ривожланиши паст даражада бормоқда. Республикада КЎБ ривожланишининг аҳволини тавсифловчи муҳим кўрсаткич бўлиб, унинг ташқи савдо операцияларида иштироки даражаси ҳисобланади. 2002 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари умумреспублика ҳажмидан 7,5% маҳсулот (товар, хизмат)ларни экспорт ва 24,9%ни импорт қилди.

Ташқи савдо операцияларида иштирок этувчи КЎБ субъектларининг улуши жуда ҳам паст, (2.3.3-жадвал).

**2.3.3-жадвал. КЎБнинг ташқи савдо операцияларидаги улуши**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
Умумий экспорт ҳажмидаги улуши, %	10.2	9.0	7,5
Умумий импорт ҳажмидаги улуши, %	27.4	26.9	24,9
Ташқи савдо фаолиятида иштирок этаётган кичик ва ўрта корхона субъектлари сони, киши	2832	2452	2690

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

2000-2002 йиллардаги экспортнинг умумий ҳажмидаги кичик ва ўрта тадбиркорликнинг таққослама ҳажмини пасайиши унинг товарлар таркибидаги сезиларли ўзгаришлари билан ифодаланади. Агар 1999 йилда кичик тадбиркорлик асосан пахта толасини экспорт қилган бўлса, 2000 йилдан бошлаб, экспорт қилинадиган маҳсулотлар доираси мебел, заргарлик буюмлари (қимматбаҳо ва яримқиммат металл ва тошлардан), қурилиш материалларини айрим турлари, туз ва бошқа турдаги маҳсулотлар ҳисобига кенгайди.

КЎБ импорт таркиби унча сезиларли ўзгаришларга учрамади. Унинг катта улушини озиқ-овқат товарлар ҳамда машина ва жиҳозлар ташкил қилади, чунки ушбу импорт турлари давлат томонидан солиқ ва божхона имтиёзлари тизими орқали рағбатлантирилади ва қўллаб-қувватланади. Охириги йилларда йирик ва кичик корхоналар ўртасида ҳамкорлик алоқалари кенгайишига катта аҳамият берилмоқда. Шунини айтиб ўтиш керакки, кичик корхоналар асосан йирик корхоналар талабларига мос келадиган хом-ашё, материаллар, бутловчи қисмлар етказиб бериш, ҳамда турли ишлар ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият юритмоқда. Энг катта улуш (74%) хом-ашё ва материаллар етказиб беришга, 7% - бутловчи товарларга тўғри келади. Йирик корхоналар буюртмаси бўйича хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳозирча унча катта эмас – 8% атрофида.

Кичик ва йирик корхоналарнинг алоқалари самарадорлиги юқори даражаси истеъмол товарлар ишлаб чиқариш мажмуасида эришилган. Шунингдек, қурилиш мажмуаси ҳам маҳаллий хом-ашёни етказиб бериш ва қайта ишлаш билан банддир. Ушбу мажмуалардаги ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик корхоналарнинг улуши 20-30%ни ташкил қилади.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг республика ҳудудлари бўйича фаолиятининг асосий кўрсаткичлари иқтисодиётнинг барча соҳаларида турли ўсиш суръатлари билан ажралиб турарди. Чунинчи, 2002 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг юқори ўсиш суръатлари Жиззах (171,4%), Андижон (152%), Наманган (130,5%), Бухоро (146,3%), Навоий (124,9%) ва Фарғона (130,8%) вилоятлари кичик ва ўрта тадбиркорлик

субъектларига тўғри келди. Сурхондарё (102,5%) ва Тошкент (104,7%) вилоятларининг кўрсаткичлари қониқарли. Сирдарё вилоятида (96,7%) паст суръатлар кузатилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Қашқадарё (216,8%), Фарғона (209,6%), Жиззах (182,5%), Навоий (179,2%), Самарқанд (161,7%) , Тошкент (145,4%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (144,0%) кичик корхоналари ва кичик фирмалар юқори ўсиш суръатлари билан ажралиб турди. Ўсиш суръатлари Андижон вилояти (103,4%) кичик корхоналари ва кичик фирмаларида, Сурхондарё (84,7%) вилоятида жуда паст.

Қурилиш ишларининг ҳажмида, айниқса, юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (135,0%), Фарғона (129,0%), Хоразм ва Наманган (122,0%) ва Андижон (123,0%) вилоятлари кичик ва ўрта тадбиркорлигига тўғри келади.

Хусусий сектор, кичик ва ўрта бизнеснинг республикада мавжуд салоҳияти нисбатан юқоридир, аммо у тўлиқлигича ишлатилаётгани йўқ. Иқтисодийнинг бу сектори давлат томонидан янада қўллаб-қувватланиши талаб қилинмоқда, чунки кичик корхона ва микрофирмалар ҳар доим ҳам қарз маблағларни жалб қилиш ва уларнинг гаровига юқори ликвидли гаров беришга имконияти бўлмайдди, айниқса фаолиятининг бошланғич босқичида. Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар олишга йўл очиб бериш ва енгиллаштирувчи суғурта, кредит ва бошқа институтларни янада ривожланишига йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишни кучайтириш зарурдир. Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи тузилмалар яратишда, уларни қишлоқ жойларда, кичик шаҳарларда, қишлоқларда ва посёлкаларда ривожланишига устуворлик берилиши лозим.

### 3. Таркибий-инвестицион сиёсат

#### 3.1. Саноат

2000-2002 йилларда саноат тармоқлари ривожланишида ва мақсадлаштирилган таркибий сиёсатни амалга оширишда ижобий йўналиш кузатилди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда таркибий сиёсат асосан, қазиб олувчи тармоқлар – нефт, газ, олтин, рангли металллар тармоқларининг ривожланишига йўналтирилган бўлса, 2000-2002 йиллар мобайнида таркибий сиёсатнинг асосий устуворликлари саноатнинг ишлов бериш секторлари бўлди.

Саноатнинг ўсиш суръатлари экспортга қаратилган хом-ашё тармоқлари ҳамда, истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳисобига ҳам эришилди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги, айниқса юқори ўсиш (8,5%) 2002 йилда қайта ишлашга тўғри келди. Улар саноат маҳсулотларининг умумий ортишидаги улуши яримига тенг бўлди.

Ҳозирда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига озиқ-овқат, кимё ва нефткимё, енгил саноат ва ёғочга қайта ишлов бериш тармоқлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Бу амалдаги ишлаб чиқариш корхоналари модернизация ва реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни оширилиши ҳисобига содир бўлди. Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар умумий ўсишнинг 30%ни таъминлади, бунда озиқ-овқат саноатининг ҳиссаси юқори бўлди. 2002 йилда бу тармоқнинг ўсиш суръатлари 21,9%ни ташкил қилди.

Самарали иқтисодий сиёсат маркази томонидан ўтказилаётган саноат корхоналари иқтисодий конъюнктураси ва ишбилармонлик фаоллигини аниқлаш тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ўсиш кўрсаткичларининг кўтарилишида бозор конъюнктурасининг барча қийинчиликларига қарамасдан, бозор шароитларида фаолият юритишга потенциал тайёр бўлган корхоналар сезиларли ўрин тутди. 2002 йил мобайнида асосий турдаги маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ўсган ёки ҳеч бўлмаганда, камаймаган корхоналар сонининг улуши 77-83%ни ташкил қилди. Умумий иқтисодий вазияти яхшиланаётган корхоналарнинг таққослама сони 27%ни, вазияти ўзгармасдан ишловчи корхоналар 57%ни ташкил қилди.

Таҳлил қилинаётган йилларда айрим қазиб олувчи (электр энергетика ва ёқилғи) тармоқларининг ривожланиш кўрсаткичлари барқарорлиги етарли даражада эмаслиги билан ажралиб туради. 2000-2002 йилларда қора металлургияда ўсиш кўрсаткичларининг секинлашуви кузатилди, бунинг боиси, ишлаб чиқаришни ўз ресурслари билан ашёвий таъминланганлиги етарли эмаслигидадир, бунда ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари мавжуддир. Машинасозлик ва қурилиш материаллари саноатида ўсиш паст даражада эканлиги кузатилди, (3.1.1-жадвал).

**3.1.1-жадвал. Саноатни таркибий тузилиши ва ўсиш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Таркибий тузилиши, %			Ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи, %		
	2000	2001	2002	2000	2001	2002
Саноат – жами	100,0	100,0	100,0	105,9	107,6	108,5
Шу жумладан:						
Электрознергетика	9,5	8,0	7,6	101,1	95,8	101,1
Ёқилғи	16,7	12,9	12,2	99,7	96,4	102,4
Қора металлургия	1,4	1,4	1,3	118,7	110,6	104,9
Рангли металлургия	11,3	10,7	10,8	102,5	101,8	107,1
Кимё ва нефтекимё	5,9	5,3	6,0	112,7	104,1	116,0
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,0	10,5	10,0	89,5	124,9	107,7
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш	0,9	1,4	1,4	130,1	108,6	108,4
Қурилиш материаллари	4,6	5,3	5,2	104,3	105,9	105,6
Енгил	20,1	20,5	20,4	117	112,4	108,2
Озиқ-овқат	11,8	13,9	15,0	108,5	109,4	121,9
Бошқа тармоқлар	9,6	10,1	10,1	109,5	128,5	118,8

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

2000-2002 йилларда республикаимиз саноатида таркибий ўзгаришлар кўйидагилар билан ифодаланди:

- ички бозорга йўналтирилган ишлов бериш тармоқларининг анча юқори ўсиш суръатлари;
- кимё, енгил ва озиқ-овқат саноатлари улушининг кўпайганлиги;
- капитални кўп талаб қилувчи, қазиб олувчи тармоқларнинг таққослама улушини пасайиши – электр энергетика (9,5%дан 7,6%гача), ёқилғи (16,7%дан 12,2%гача), рангли металлургия (11,3%дан 10,8%гача);
- зарар билан ишловчи корхоналар сонининг қисқариши ва олинган даромад таркибида ижобий ўзгаришлар умумий олинган фойдада ишлов бериш секторнинг улуши 25,1%дан 27,3%гача ошди;
- саноат ишлаб чиқаришда хусусий мулк улушининг 71,4%гача ошиши билан.

Шу билан бир қаторда, саноатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш камайди. ЯИМдаги саноат улуши 14%дан сал кўпроқ даражада бўлмоқда, бу жуда паст кўрсаткичдир.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида электр энергетика, ёқилғи тармоқлари ва металлургиянинг (32% атрофида) улуши юқори даражада. Машинасозлик эса, фақатгина 10%, бу эса, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Инновацион экспорт талабидаги маҳсулотлар номенклатурасидаги тузилмавий ўзгаришлар етарли эмас. Инновацион маҳсулотларни саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши машинасозликдан бошқа барча соҳаларда пасайди, машинасозликдаги ўсиш асосан, энгил автомашиналарнинг янги моделларини ишлаб чиқариш ҳисобига содир бўлди ва 0,05%дан 0,12%га етди. Инновацион фаолликни сустиги сабаблари, биринчидан, республикамиз саноат корхоналарида янги технологияларни қўллаш ва ишлаб чиқишга харажатлар ҳажмининг катта эмаслиги, ва иккинчидан, уларнинг айримлари молиявий барқарор эмаслигидир.

Саноатдаги таркибий ислохотларга машина ва жиҳозларнинг физик емирилишининг (эскирганлиги) юқори даражадаги эканлиги ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг паст даражада эканлиги катта таъсир кўрсатмоқда. Асосий саноат ишлаб чиқариш фондларининг янгиланиши муаммоси экспортга йўналтирилган хом-ашё тармоқлари учун, айниқса долзарбдир, у ерда асосий воситалар янгиланиш коэффициенти 14-15%ни ташкил қилади. Шу билан бир қаторда, яхши томонга ўзгариш машинасозликда (асосан автосаноатда) ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тармоқларида кузатиш мумкин. У ерда асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти анча юқори кўрсаткичларга эга (19%гача).

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг ўзгариши умуман, саноат бўйича 2000-2002 йилларда 40,7%дан 41,5%га катта бўлмаган ўсиш билан ифодаланади. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини юқорилиги экспортга йўналтирилган хом-ашё ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тармоқларида кузатилмоқда, мос равишда 54,4%дан 55,0%гача ва 46,0%дан 46,5%гача. Саноат корхоналарида иқтисодий конъюнктура ва ишбилармонлик фаоллигини аниқлаш тадқиқотларининг маълумотларига кўра, қувватлардан фойдаланишнинг ортиши рангли металлургияда (79,9%-82%), кимё ва нефткимёда (38%-40%), қурилиш индустриясида (75%-41,1% кузатилди. Пасайиш эса, машинасозликда (16,7%дан 14,0%гача) кузатилди.

Саноат маҳсулотларини жисмоний ҳажмларининг ўсишини (3.1.2-жадвал), асосан хом-ашё тармоқларида (электро-энергетика, табиий газ, кўмир, пўлат ва кимё маҳсулотларининг айрим турлари бўйича) кўриш мумкин.

Сўнги йилларда кузатилаётган саноат маҳсулотларининг нисбатан юқори ўсиш суръатлари секинлашуви ёки ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилган тармоқларда эътироф этилмоқда. Трактор ва кучланиш кабеллари - машинасозликда, фосфор ўғитлар, сульфат кислотаси, синтетик смола ва пластмассалар, кимёвий тола ва ипларнинг - кимё саноатида ишлаб чиқарилиши ортишидир. Қайта ишлов бериш саноати ва истеъмол тармоқларида, аксинча, ўсишнинг секинлашуви кузатилмоқда.

Айрим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайишининг асосий сабаблари: товарларга бўлган талабнинг камайиши; корхоналарнинг хом-ашё билан ўз вақтида таъминланмаганлиги; ишлаб чиқариш қувватларидан самарасиз фойдаланиш; маҳаллий хом-ашё қайта ишланишини паст даражада эканлиги ва бошқалар.

**3.1.2-жадвал. Асосий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзгариши**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
Электроэнергия, млн.кВт.соат	46838	47927	49306
Нефть, минг.т	7533,6	7253,0	7240,9
Табиий газ, млн.куб.м	56401,1	57413,8	58429,6
Кўмир, минг т	2500	2711,0	2737
Пўлат, минг т	406,9	433,6	450,0
Тракторлар, дона	954	2966	3148
Енгил автомобиллар, минг дона	30,7	41,0	34,7
Кучланувчи кабеллар, км	695	1562	1539
Минерал ўғитлар, минг т.	832,0	711,0	789,6
Шу жумладан: азотли	715,4	586,5	644,7
фосфорли	116,6	124,5	144,9
Синтетик аммиак, минг т	985,7	812,3	904,8
Сульфат кислотаси, минг т	259,7	127,8	280,0
Синтетик смолалар ва пластмассалар, минг т	15,0	14,0	15,5
Кимёвий тола ва иплар, минг т.	14,7	13,5	15,1
Лак-бўёқ материаллари, минг т	27,7	16,2	16,2
Синтетик ювиш воситалари, минг т	2,3	1,6	0,3
Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, минг т	3,4	1,5	3,5
Пахта толаси, минг т.	1018,6	1015,0	1008,0
Пахта толасидан тайёрланган иплар, минг т	135,1	147,0	168,0

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**3.2. Истеъмол товарлари бозори**

Истеъмол товарлар бозори ривожланишининг асосий мақсади – турли хилдаги ва юқори сифатли халқ истеъмоли товарлари, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳоли талаблари қондирилишини таъминлашдан иборат. Бу мақсаднинг амалга оширилиши «2001-2005 йй. ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш Дастури»да ҳал қилиш мўлжалланган.

Истеъмол товарлар ишлаб чиқарилишининг асосини енгил ва озиқ-овқат саноатлари ташкил қилади, улар республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги хом-ашёси – пахта, ипак, тери ва жун, дон-бошоқчилар, гўшт ва сут, мева ва сабзавотларнинг қайта ишловини таъминлайди. Бундан ташқари, халқ истеъмоли товарлари турли уюшмалар, акциядорлик компаниялари, бирлашмалари, корхоналари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилади. 2002 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг ички бозордаги таққослама ҳажми 75,7%ни ташкил қилди, шу жумладан, озиқ-овқат – 95,6%, ноозиқ-овқат товарлар – 45,6%.

2000-2002 йилларда истеъмол товарларини ишлаб чиқарилишининг ўсиши 7,8%дан 11,8%гача бўлди. Энг юқори ўсиш озиқ-овқат товарларида кузатилди – 11,6%дан 20,7%гача. Ноозиқ-овқат товарларнинг ўсиш суръати нобарқарор йўналиш билан ифодаланади, яъни 2001 йилда сезиларли ўсиш (8,7%) ва 2002 йилда пасайиши (3,9%) кузатилди, (3.2.1-жадвал). Умуман олганда, уч йил мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 23,7%га ортди.

**3.2.1-жадвал. Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши, %**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари	7,8	10,9	11,8
Шу жумладан: озиқ-овқат товарлари	11,6	13,0	20,7
ноозиқ-овқат товарлари	3,9	8,7	3,9
Булардан ишлаб чиқарилгани: енгил саноатда	17,0	12,4	9,5
озиқ-овқат саноатида	8,5	9,4	21,9

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси


2000-2002 йилларда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишининг ўсиши республиканинг барча ҳудудларида кузатилди, шу жумладан, энг сезиларлиси Жиззах вилоятида (2000 йил даражасидан 2 мартадан кўпроқ). Энг кичиги – Хоразм вилоятида бўлди, (5,1%).

2002 йилда истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг таркибида озиқ-овқатнинг улуши 55,5% эди, шу жумладан, алкоголь ичимликлар, улар ҳажми 15,2%га тенг бўлди. Енгил саноатда ноозиқ-овқат товарлар ҳажмининг 25%дан кўпроқ улушни, енгил автомашиналар – 20%ни ташкил қилди.

2002 йил истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳри корхоналарига 19,9%, Андижон вилояти - 15,1%, Самарқанд вилояти - 11,1%, Тошкент вилояти - 11,3%, Фарғона вилояти -10,3% тўғри келди.

2000-2002 йилларда энг юқори суръатлар билан озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ривожланди (алкогол ичимликларни ҳисобга олмаганда) – 2000 йилга нисбатан ўртача ўсиш 36,4%ни ташкил қилди, алкоголь ичимликлари ва енгил саноат товарлари бўйича у биров пастроқ бўлди, (мос равишда – 23,4% ва 26,3%).


2002 йилда озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш асосан, Тошкент шаҳрида, (3.2.1.-чизма), ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш эса Андижон жойлашган (3.2.2.-чизма).

**3.2.1-чизма. Ҳудудларда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш**

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси



### 3.2.2-чизма. Ҳудудларда ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Енгил саноат товарларининг ишлаб чиқарилиши қуйидагича жойлашган: Бухоро – 24,4%, Тошкент ш. – 16,4%, Андижон – 12,4%, Наманган – 9,8%, Тошкент – 8,3% ва Фарғона вилоятлари – 8,4%.

2002 йилда Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида барча истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 90%ни озиқ-овқат товарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳрида эса, 70%дан ортиғини; Қашқадарё, Наманган, Тошкент вилоятида – 50%дан кўпроғини ташкил этган. Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни умумий ҳажмида ноозиқ товарлар улушининг энг юқориси Андижон (78,1%) ва Бухоро (60,1%) вилоятларига тўғри келди.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида 2000-2002 йилларда кўпгина озиқ-овқат товарлари турларини ишлаб чиқарилиши барқарор ўсди. Масалан, 2000 йилга нисбатан 2002 йилда шакар ишлаб чиқарилиши (миллий хом-ашёни ҳамда хорижий хом-ашёсини кенг жалб қилиниши ҳисобига) 21,4 баравар ўсди; ферментланган чой – 3,5 баравар; гўшт консервалари – 2,5 марта; туз – 2 марта; крупалар (гуручсиз) – 1,5 марта, пиво ва колбаса маҳсулотлари – 1,4 марта; сут маҳсулотлари – 1,3 марта; гўшт маҳсулотлари, музқаймоқ ва узум виноси – 1,2 марта ошди. Ишлаб чиқаришда унча сезиларли даражада бўлмаган ўсиш пишлоқ, нон ва қандолат маҳсулотлари, маргарин маҳсулотларига тўғри келади.

Шу билан бирга 2000-2002 йилларда қатор истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши камайди, (ун, гуруч, ўсимлик ёғи, алкогольли ва алкогольсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари), (3.2.2-жадвал).

2000-2002 йилларда республикада ноозиқ товарларни айрим турларини ишлаб чиқарилиши: чинни идишлар – 7,5 марта, тиш пастаси – 6,7 марта, парфюмерия-косметика маҳсулотлари – 5,9 марта, кремлар – 2,7 марта, дори дармонлар – 2,2 марта, тикув маҳсулотлари, теридан пойабзал, калиш, мебел ва керамик плитка – 1,5 марта, ип газламалар – 1,2 марта, текстил галантереяси, пахта – 1,1 марта кўпайди.

**3.2.2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида энг муҳим истеъмол товарларининг ишлаб чиқарилиши**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000	2001	2002
Пахта толасидан тайёрланган тайёр матолар	минг кв.м.	354865	393120	428726
Тайёр ипак матолари	минг кв.м.	5336	5245	5181
Гилям ва гилям буюмлари	минг кв.м.	1572	1668	1458
Пайпоқ буюмлари	минг пой	23249	15129	12576
Трикотаж буюмлари	минг дона	38887	36924	32858
Оёқ кийими	минг жуфт	4208	6540	6776
Тикувчилик буюмлари	млн.сўм	10828,9	14778,1	19759,0
Ўшт ва ўшт маҳсулотлари	т	121593	132014	148620
Колбаса маҳсулотлари ва ўшт консервалари	т	3505	5435	5351
Мол ёғи	т	1981	2004	1953
Пишлоқ (бринзани кўшганда)	т	1425	1430	1501
Сут ва сут маҳсулотлари	т	180627	184902	213439
Консервалар, жами	туб	480353	439399	423360
Шакар	т	10169	28748	217239
Ун, жами	т	1756118	1784744	1543613
Нон ва нон маҳсулотлари	т	832206	875891	840934
Қандолатчилик маҳсулотлари	т	53268	55268	56511
Макарон маҳсулотлари	т	81824	98607	80082
Ўсимлик ёғи, жами	т	245714	236566	221373
Ўзум виноси, жами	минг.дал	5609	7036	7336
Шампан виноси	минг.дал	346	301	316
Ароқ ва ликер маҳсулотлари	минг.дал	7195	6698	6037
Коньяк	минг.дал	131	116	116
Алкоголсиз ичимликлар	минг.дал	15213	13682	12446
Папирос ва сигаретлар	млн.дона	7766	6976	7044
Ош тузи	т	28166	36873	56397
Мебел	млн.сўм	7339,9	13535,7	15442,0
Дори-дармонлар	млн.сўм	4361,5	8981,4	11807,8

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Озиқ-овқат товарларининг экспорти ҳажми 30%га қисқарди, бу эса, уларнинг ички бозордаги улушини 2001 йилда 90,8%дан 2002 йилда 95,6%гача кўпайтиришга имкон берди. Ноозиқ истеъмол товарлар экспортининг анча йирик қисмини ип газламалар, тикув, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ташкил этди.

Импорт қилинаётган истеъмол товарлар қаторига 2000-2002 йилларда кийим-кечак, пойабзал, мол ёғи, чой ва бошқаларни киритиш мумкин.


Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг республикада янада ривожланиши валюта бозорини эркинлаштириш, инфляция даражасини пасайиши, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантирилиши билан боғлиқдир.

### 3.3. Аграр соҳа


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари барқарор ўсиб борди ва 2000 йилда 103,1%, 2001 йилда – 104,2% ва 2002 йилда – 106,1%ни ташкил қилди. ЯИМдаги қишлоқ хўжалигининг улуши 30% даражада турғунлашди, (3.2.1-чизма).

#### 3.3.1-чизма. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макрокўрсаткичлари

Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ЯИМдаги улуши, %



Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари, %



Қишлоқ хўжалигида инвестиция улуши, %



Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида ўсимлик маҳсулотларининг улуши 2000 йилдаги 52,6%дан 2002 йилдаги 50,6%гача қисқарди. Чорвачилик маҳсулотларининг улуши эса, мос равишда 47,4%дан 49,4%гача ўсди. Қишлоқ хўжалигидаги ялпи қўшилган қийматнинг ва оралиқ истеъмол улушининг ялпи ишлаб чиқаришга муносабати 2002 йилда мос равишда 66,5% ва 33,5%ни ташкил қилди, (3.3.1-жадвал). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг товарлик хусусияти ошиши кузатилмоқда.

Ўтган давр мобайнида аграр секторда паст рентабеллик ва зарар билан ишлаётган ширкатларни Ҳукуматнинг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер

хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, фермер хўжалиқларига айлантириш ишлари олиб борилди, (2000 й. 29 декабр; 2002 й. 5 январ). Ихтисослашган хўжалиқлар балансида боғлар ва узумзорларни ижарага бериш тугалланди.

### 3.3.1-жадвал. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркиби, %

Кўрсаткичлари	2000	2001	2002
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти (ишлаб чиқариш) – жами	100,0	100,0	100,0
Деҳқончилик маҳсулоти улуши	52,6	51,6	50,6
Чорвачилик маҳсулоти улуши	47,4	48,4	49,4
Ялпи қўшилган қиймат улуши, (ишлаб чиқаришга нисбатан, %)	65,6	65,6	66,5
Оралиқ истеъмол улуши, (ишлаб чиқаришга нисбатан, %)	34,4	34,4	33,5

Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ширкат хўжалиқларига айлантириш, оилавий пудрат ва чек орқали ҳисоб-китоб турларини жорий этиш асосида амалга оширилди.

Фермерликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва ривожланиши учун керакли ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Фермер хўжалиқларининг сони 2001 йилга нисбатан 25,5%га кўпайди, уларга 1278 минг га. ер ажратилди, (2002 йилда 2001 йилга нисбатан ўсиш 27,8%ни ташкил қилди). 2002 йилда фермер хўжалиқларида 403,3 минг киши банд бўлган эди. Ислохотлар натижасида қисман жамоа секторидан деҳқон ва фермер хўжалиги ихтиёрига ўтиши туфайли, қишлоқ хўжалигида ресурслар ва маҳсулот ишлаб чиқаришда қайта тақсимланиш содир этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида хўжалик шакллари бўйича фермер ва деҳқон хўжалиқлари улуши ортиб борди, (3.3.2-жадвал).


### 3.3.2-жадвал. Хўжалик шакли бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркиби, %

Кўрсаткичлар	Қишлоқ хўжалиги корхоналари			Фермер хўжалиқлари			Деҳқон хўжалиқлари		
	2000	2001	2002	2000	2001	2002	2000	2001	2002
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	27.8	26.8	24.6	5.5	6.9	9.9	66.7	66.3	65.5
Шу жумладан: Деҳқончилик	46.4	42.6	42	9.7	11.7	17.6	43.9	45.7	40.3
Чорвачилик	9.0	9.3	6.8	1.3	1.6	1.9	89.7	89.1	91.3
Экин майдони	72.7	68.6	60.5	16.7	20.2	28.0	10.6	11.2	11.5

Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

2000-2002 йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотида фермер хўжалиқлари улуши 5,5%дан 9,9%гача ўсди. Мос равишда уларнинг ўсимлик маҳсулотларидаги улуши 9,7%дан 17,6%гача, чорвачилиқда 1,3%дан 1,9%гача ўсди, ҳамда экин майдонлари 16,7%дан 28%гача кенгайди. Экин майдонлари таркибида дон маҳсулотлари ва пахтанинг улуши 83,5% даражасида сақланиб қолди, (3.3.2-чизма).

## 3.3.2-чизма. Экин майдонларининг таркиби, %




Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси ўсимлик маҳсулотларининг 98%дан кўпроғи суғориладиган ерларда етиштирилиши билан ажралиб туради. Шунинг учун, суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш муаммоси ҳал қилиниши ирригацион ва дренаж тармоқларининг самарали таъминланиши билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кўрилаётган даврда ўсимлик маҳсулотлари етиштириш барқарор ўсди, биринчи навбатда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турлари жумладан, доннинг ҳосилдорлиги ошгани рўй берди, (3.3.3-чизма).

## 3.3.3-чизма. Ўсимлик маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши

(ўтган йилга нисбатан, %)



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

2002 йилда 5539 минг тонна дон маҳсулотлари етиштирилиб, улардан 5181,2 минг тоннаси – дон-бошоқчилар эди, (2001 й. мос равишда 4072,4 ва 3825,2), уларнинг ўсиш суръати 136,0% ва 135,4%ни ташкил қилди. 2002 йилда дон маҳсулотлари ҳосилининг қарийб 2 млн. тоннаси оила пудратчилар ва фермерларга эркин сотув учун қолдирилди. Республика бўйича ўртача ҳосилдорлик 36,3 ц/га ни ташкил қилди (2001 й. – 30 ц/га), шу жумладан, 42,6 ц/га – суғориладиган ерларда, ҳамда 9 ц/га – лалмикор ерларда.

2002 йилда 3,16 млн. тонна чигитли пахта етиштирилди, (3,26 млн. т – 2001 й.), булардан 2541,5 минг тонна ёки 80,2%и 1 ва 2 навда сотилди, (2001 йилда бу кўрсаткич 78%га тенг эди), (3.3.3-жадвал).

**3.3.3-жадвал. Пахта етиштириш кўрсаткичлари**

Йиллар	Экин майдони минг.га	Ялпи ҳосил минг. тон.	Ҳосилдорлик ц/га
2000	1444,5	3002,4	21,8
2001	1452,1	3264,6	23,3
2002	1420,7	3164,7	22,3

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси


Расмий статистик маълумотларга кўра, 2002 йил шоли экин майдонлари 2000 йилга нисбатан 67,8 минг гектарга камайди, 2001 йил билан таққослаганда – 24,5 минг гектарга кўпайди, ҳосилдорлик ҳам мос равишда 21,1 ц/га дан 27,2 ц/га гача ошди.

2000-2002 йилларда картошка етиштириш 6%га, сабзавотлар – 11%га, полиз маҳсулотлари – 5%га, мева ва резаворлар – 5%га кўпайди. Аммо шу йилларда узум етиштириш 624,2 минг тоннадан 503,8 минг тоннагача камайди. Бунинг асосий сабаби – узум ҳосилдорлигининг 63,1 ц/га дан 2002 й. 50,4 ц/га гача пасайганлигидадир (20%га).

2000-2002 йилларда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда сезиларли бўлмаган пасайиш кузатилди (3.3.4-чизма). Шу билан бирга мол ва парранда бош сони мос равишда (чўчқа ва отлардан ташқари) кўпайиши кузатилди, қорамол сони – 1,5%га, сигир – 1,6%га, қўй ва эчки – 2,7%га, парранда – 5,5%га (3.3.4-жадвал). Гўшт етиштирилиши 2,4%га, сут – 2,4%га, тухум – 9,0%га кўпайди, (3.3.5-жадвал).

**3.3.4-чизма. Чорвачилик маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариши**

(ўтган йилга нисбатан, %)



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**3.3.4-жадвал. Қорамол ва парранда бош сони, минг бош**

Йиллар	Йирик шохли ҳайвонлар	Қорамол- лар	Чўчқалар	Отлар	Қўй ва эчкилар	Парранда
2000	5353,4	2343,4	85,8	146,3	8932,5	14510
2001	5416,1	2361,8	81,6	144,7	9022,6	14828,7
2002	5437,6	2381,2	76,9	143,4	9177,0	15312,7

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**3.3.5-жадвал. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарилиш**

Йиллар	Гўшт, тирик вазнда минг тон.	Сут, минг тон.	Тухум, млн. дона	Жун, минг тон.	Пила, тонн.	Қоракўл, минг дона
2000	501,8	3632,5	1254,4	15,8	16500	748,6
2001	507,6	3665,2	1287,8	16,9	17300	738,8
2002	514,0	3719,4	1367,1	16,5	19900	685,0

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг асосий вазифалари куйидагилардир:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мустақиллигига қаратилган қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг яхлит тизимини такомиллаштириш;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, бу биринчи навбатда ерни танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш ҳуқуқига номзодлар танлаш тартибини кучайтириш, меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган чоралар;
- ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланишни иқтисодий механизминини такомиллаштириш;
- тупроқ-иқлим, демографик ва иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларда қишлоқ хўжалигини унумли ихтисослаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши;
- қишлоқ инфратузилмасининг янада ривожланиши, муқобил машина-трактор паркларининг тузилиши, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурсларни, агротехнологик маслаҳат ва бошқа турдаги хизматларни амалга ошириш бўйича тузилмаларни ташкил қилиш, ҳамда ҳудудларда улгуржи қишлоқ хўжалик бозорларининг очилишидир.

**3.4. Инвестициялар**

Келтирилган рақамларда (3.4.1-жадвал) ЯИМ таркибида инвестицияларнинг улуши 2002 йилда 2000 ва 2001 йилга нисбатан камайганини кўрсатмоқда.

**3.4.1-жадвал. ЯИМ таркибида инвестициялар улуши ва капитал самарадорлиги**  
(жорий нархларда)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
ЯИМда инвестициялар улуши, %	22,9	26,8	19,3
ICOR (капитал самарадорлиги)	6,6	5,4	6,4

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Капитал қўйилмаларнинг 1-3,8% йиллик ўсишида капиталнинг самарали ўсиш кўрсаткичлари 5,4-6,6 атрофида бўлди, (3.4.2-жадвал).

**3.4.2-жадвал. Капитал қўйилмалар йўналишлари**

(таққослама нархларда)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
Капитал қўйилмалар, млн.сўм	9122	9460	9819
Ўтган йилга нисбатан %да	101	103,7	103,8

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

2000-2002 йилларда иқтисодиётни давлат томонидан тўғридан-тўғри молиялаштирилишининг пасайиши кузатилди, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри давлат молиялаштирилишининг улуши пасайди, (3.4.3-жадвал). Давлат бюджет маблағларининг асосий қисми (95%) иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилди.

**3.4.3-жадвал. Молиялаштириш манбалари бўйича капитал қўйилмалар таркиби**

(жорий нархларда, %)

	Жами	Шу жумладан:								
		Давлат бюджети	Қорхоналар маблағи	Аҳоли маблағлари	Чет эл инвестицияси		Банк кредитлари		Бошқа заём маблағлар	Бюджетдан ташқари фондлар маблағи
					Жами	Шу жумладан: давлат кафола-тидаги	Жами	Шундан: тижорат банклари		
2000	100	29,2	27,1	12,0	23,2	85,5	6,9		0,4	1,2
2001	100	21,5	31,0	10,3	28,0	83,0	8,1	27,2	0,6	0,5
2002	100	25,0	40,0	12,0	20,4	76,8	1,7	91,4	0,6	0,3

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида корхона ва ташкилотлар ўз маблағлари улуши 2000 йил 27,1%дан 2002 йил 40%гача ўсди ва иқтисодиётни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бир вақтнинг ўзида инвестицияларнинг умумий ҳажмида банк кредитларининг улуши 2000 йил 69%дан 2002 йил 1,7%гача камайди, асосан кредитлаш механизми мукамал эмаслиги сабабли.


2000-2002 йилларда инвестициялар умумий ҳажмида аҳоли жамғармалари 12% даражасида турғунлашди. Уларнинг катта қисмини (37%гача) хусусий турар-жой қурилишига йўналтирилди.

2000 йилда бюджет маблағлари қуйидаги Давлат Миллий дастурларини амалга оширишга: кадрлар тайёрлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш (57,1%), сув хўжалиги объектларига (13,0%), агросаноат комплекси, индустриал (5,2%) ва ёқилғи энергетикаси (3,2%) комплексларига, қурилишга ва қурилиш материаллари саноатига (2,4%), коммуникацияга (1,8%) йўналтирилди.



Энергетик – хом-ашё сектори ва транспорт ривожланишига инвестициялар камайиши тенденцияси кузатилмоқда. 2002 йилда инвестициялар жами ҳажмининг 21,5%и уларнинг улушига тўғри келар эди, (2000 йил бошида – 24,3%) (3.4.2-чизма, 3.4.4-жадвал).

### 3.4.2-чизма. Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари бўйича капитал қўйилмалар таркиби



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши унча сезиларли ошмади – 2000 й. 5,7%дан 2002 й. 5,8%гача.

Инвестициялар ҳажмининг ўсиши ижтимоий соҳада, яъни соғлиқни сақлаш объектларида кузатилди, (1,7 марта).

Саноатга умумий капитал маблағларнинг 2000 йил 29,7%дан 2002 йил 32,4%гача йўналтирилди, шу жумладан, мос равишда - ёқилғи-энергетик комплексига 7,6%-11,5%, металлургияга 2,7%-4,7%; енгил саноатига 2,4%-4,6%.

Инвестициялар улушининг пасайиши машинасозликда 4,1%дан 3,5%гача; озиқ-овқат тармоғида 2,5%дан 2%; кимё ва нефтекимёда 7,9%дан 3,6%гача ташкил қилди.

Капитал маблағларнинг технологик тузилмасида ҳали ҳам янги корхоналар қурилишига ва амалдагилар кенгайтирилишига йўналтирилаётган маблағлар улуши юқори – 2000 йилда 56,9%дан, 2002 йилда 52,5%гача ташкил қилди.

**3.4.4-жадвал. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича капитал маблағлар, %**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
Жами	100	100	100
Шу жумладан:			
<b>А. Ишлаб чиқаришга йўналтирилган</b>	<b>57,5</b>	<b>63,1</b>	<b>57,1</b>
Шундан тармоқларга:			
I. Саноат – жами	29,7	38,9	32,4
Шундан:			
1. Ёқилғи-энергетика	7,6	14,0	11,5
2. Металлургия	2,7	4,4	4,7
3. Машинасозлик	4,1	5,7	3,5
4. Енгил	2,4	6,2	4,6
5. Озиқ-овқат	2,5	2,2	2,0
6. Кимё ва нефтекимё	7,9	3,9	3,6
7. Саноат қурилиш материаллари	0,3	0,5	0,4
8. Саноатнинг бошқа тармоқлари	2,3	2,0	2,1
II. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	5,7	5,5	5,8
III. Қурилиш	0,5	0,6	0,4
IV. Транспорт ва алоқа	16,7	14,0	10,0
V. Савдо ва умумий овқатланиш			
Моддий-техника таъминоти ва сотиш	4,3	1,5	2,6
VI. Бошқа объектлар	0,4	2,6	5,9
<b>Б. Ноишлаб чиқаришга йўналтирилган</b>	<b>42,5</b>	<b>36,9</b>	<b>42,9</b>
Шундан тармоқларга:			
- Уй-жой қурилиши	13,0	11,2	12,5
- Коммунал қурилиш	4,7	4,1	4,9
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	2,4	3,5	4,2
- Халқ таълими	14,0	9,9	10,6
- Маданият ва санъат	1,1	1,5	1,8
- Бошқа объектлар	7,4	6,6	9,0

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Инвестицион фаолликнинг амалга оширишдаги ҳудудлараро фарқлар сақланиб қолган. Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида капитал маблағларнинг асосий ҳажмлари жойлаштирилган, (3.4.5-жадвал).

**3.4.5-жадвал. Капитал маблағларнинг ҳудудлараро таркиби, %**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
Ўзбекистон, жами	100	100	100
Шу жумладан:			
Қорақалпоғистон Республикаси	5,2	3,9	5,0
Вилоятлар:			
Андижон	5,1	4,7	3,9
Бухоро	4,2	4,3	6,2
Жиззах	2,4	4,4	4,6
Қашқадарё	17,5	17,5	14,5
Навоий	6,6	7,8	6,7
Наманган	5,7	4,4	3,8
Самарқанд	5,9	4,6	4,4
Сурхондарё	3,5	4,1	3,2
Сирдарё	2,1	1,8	1,8
Тошкент	7,4	8,2	8,5
Фарғона	6,6	8,3	10,1
Хоразм	3,5	3,9	4,6
Тошкент шаҳри	24,3	21,3	18,0

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Чет эл инвестициялари асосан, бозор инфратузилмаси ривожланган ва табиий ресурсларга бой бўлган ҳудудларга йўналтирилмоқда (Тошкент ш. 30%-40%, Навоий ва Қашқадарё вил. 15%-20%). Инфратузилмаси яхши ривожланмаган вилоятларда чет эл инвестициялари жалб қилинмаган ёки бу кўрсаткич жуда кам 0,9%-1,5% даражани ташкил этди, (Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси).

## 4. Ташқи савдо

### 4.1. Савдо баланси, экспорт ва импорт


Кўрилаётган давр ташқи савдо фаолияти учун янги эркинлаштириш даври сифатида ҳарактерланади. Бу валюта бозорининг эркинлаштирилиш бўйича чора-тадбирлар ва сўмнинг валюта курсини тез девальвация бўлишида, экспортнинг, айниқса озиқ-овқат экспорти, ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш нуқтаи-назаридан ҳуқуқий асосни шакллантиришга қаратилган бир қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида ўз аксини топди.

Чет эл тажрибасини ўрганиш ва ташқи иқтисодий фаолиятини тарифлар асосида тартибга солиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида идоралараро божхона-тариф кенгаши тузилиб, «Ташқи савдо фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. 2002 йил 1 январдан халқаро стандартларга мос келадиган товарларни сотиш классификацияси учун янги Товар номенклатураси кучга киритилди.

2000-2002 йилларда республика савдо баланси ижобий натижага эга бўлди ва 2002 йилда 2000 йилга нисбатан 242,9 млн. долларга, 2001 йилга нисбатан эса – 342,2 млн. АҚШ долларига кўпайди (4.1.1-жадвал, 4.1.1-чизма). 2001-2002 йилларда ижобий салдо хорижий мамлакатлар (МДХ давлатларидан ташқари) савдони ривожлантириш ҳисобига эришилди.

Умуман олганда, 2002 йилда ташқи савдо айирбошлаш 2000-2001 йилларга нисбатан пасайди ва 2000 йилга нисбатан 91,8%ни ташкил қилди. Шу жумладан, экспорт бўйича 91,5% ва импорт бўйича 92,0%. Ташқи савдо ривожланиши суръатининг пасайиши асосан, республикадан экспорт қилинаётган товарларга (пахта толаси, олтин, мис) нархлар конъюнктурасини қониқарсиз ва нобарқарор бўлганлиги билан ва сўмнинг алмашинув курси ўсиши ҳисобига импорт ҳажмининг қимматлашуви содир бўлди.

4.1.1-чизма. Ташқи савдо йўналишлари, млн. АҚШ доллар



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

## 4.1.1-жадвал. Ўзбекистон ташқи савдосининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	Ўтган йилга нисбатан, %		
				2000	2001	2002
Ташқи савдо айирбошлаш, жами, млн.долл.	6212.1	6307.3	5700.4	97.9	101.5	90.4
Шу жумладан:						
МДХ давлатлари	2297.8	2258.7	1823.8	128.2	98.3	80.7
Хорижий давлатлар	3914.3	4048.6	3876.6	86.0	103.4	95.8
Экспорт, жами, млн.доллар	3264.7	3170.4	2988.4	100.9	97.1	94.3
Шу жумладан:						
МДХ давлатлари	1172.2	1090.6	823.5	119.3	93.0	75.5
Хорижий давлатлар	2092.5	2079.8	2164.9	92.9	99.4	104.1
Импорт, жами, млн.доллар	2947.4	3136.9	2712.0	94.8	106.4	86.5
Шу жумладан:						
МДХ давлатлари	1125.6	1168.1	1000.3	139.0	103.8	85.6
Хорижий давлатлар	1821.8	1968.8	1711.7	79.2	108.1	86.9
Савдо баланси, жами, млн.доллар	317.3	33.5	276.4	x	x	x
Шу жумладан:						
МДХ давлатлари	46.6	-77.5	-176.8	x	x	x
Хорижий давлатлар	270.7	111.0	453.2	x	x	x
Ташқи савдо айирбошлаш тузилиши, %						
МДХ давлатлари	37.0	35.8	32.0	x	x	x
Хорижий давлатлар	63.0	64.2	68.0	x	x	x

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

2000-2002 йиллар экспорт таркибида ижобий ўзгаришлар кимё маҳсулотлари, машиналар, жиҳозлар ва хизматлар салмоғи ортиши ҳисобига содир бўлди. Кимё маҳсулотлари экспортининг улуши 2000 йил 2,9%дан 2002 йил 3%гача; хизматлар мос равишда 13,7%дан 15,9%гача ошди, (4.1.2-жадвал). Жумладан, транспорт хизматлари 65%дан кўпроғини ташкил қилади. Машина ва жиҳозлар экспорти 2000 йил 3,4%дан 2002 йил 3,9%гача ошган бўлсада экспортни умумий ҳажмида технологик ва илмкор ишлаб чиқариш хусусиятига эга тайёр саноат товарлари ҳали ҳам жуда кичик улушга эга.

Экспортда пахта толаси яна устунлик қилди. Аммо, унинг улуши 2000 йил 27,5%дан 2002 йил 22,4%гача пасайди. Рангли ва қора металллар экспорти 2000 й. 6,6%дан 2002 й. 6,4%гача; энергия турлари – мос равишда 10,3%дан 8,1%гача; озиқ-овқатлар – 5,4%дан 3,5%гача пасайди. Импорт таркибида ҳам ўзгаришларга рўй берди. 2000-2002 йилларда қуйидаги турлар бўйича импорт ҳажмлари камайди: озиқ-овқат, рангли ва қора металллар, энергия турлари. Шу билан бир қаторда импорт таркибида машиналар, жиҳозлар, кимё маҳсулотлари ва хизматлар ҳажми ошди.

**4.1.2-жадвал. Экспорт таркибининг ўзгариши, %**

Маҳсулот гуруҳлари	2000	2001	2002
Пахта толаси	27.5	22.0	22.4
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2.9	2.7	3.0
Рангли ва қора металллар	6.6	7.0	6.4
Машина ва ускуналар	3.4	3.9	3.9
Озиқ-овқатлар	5.4	3.9	3.5
Энергия турлари	10.3	10.2	8.1
Хизматлар	13.7	14.6	15.9
Бошқалар	30.2	35.7	36.8
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Айниқса сезиларли ўзгаришлар товарларнинг иккита гуруҳи энергия турлари ҳамда машина жиҳозларида содир бўлди. Импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилаётган сийсатга асосан 2000-2002 йилларда энергия турлари ва озиқ-овқатлар импорти улуши 3,8%дан 1,3%гача пасайди. Машина ва жиҳозлар импорти улуши 2000 йилдаги 35,4%дан 2002 йилда 41,4%гача ошди, (4.1.3-жадвал), бу эса, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқдир.

**4.1.3-жадвал. Импорт таркибининг ўзгариши, %**

Маҳсулот гуруҳлари	2000	2001	2002
Озиқ-овқатлар	12.3	10.8	12.5
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	13.6	12.7	15.1
Рангли ва қора металллар	8.6	10.9	8.0
Машина ва ускуналар	35.4	41.2	41.4
Энергия турлари	3.8	1.9	1.3
Хизматлар	8.5	10.3	10.6
Бошқалар	17.8	12.2	11.1
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

2000-2002 йилларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳудудий-геоцизма таркибида республиканинг МДХ давлатлари билан савдоси 37,0%дан 32,0%гача, шу жумладан – экспорт бўйича мос равишда 35,9%дан 27,6%гача ва импорт – 38,2%дан 36,9%гача пасайди, (4.1.4 ва 4.1.5-жадваллар). Бу асосан, МДХ давлатлари савдо ҳамкорлари томонидан савдо мажбуриятларини тўлиқ бажарилмаганлиги жаҳон конъюнктурасининг барқарор эмаслиги, экспортни бошқа давлатларнинг (асосан, ривожланган давлатларнинг) юқори рақобатбардош товарларига ўтказилганлиги билан боғлиқ.

Машина ва жиҳозлар гуруҳини экспорти улушининг кўпайишини ижобий баҳолаш мумкин. Бу кўрсаткич 2000 йил 10,8%дан 2002 йил 23,9%гача ортди. Шу пайтнинг ўзида озиқ-овқат, машина ва жиҳозлар, энергия турлари бўйича МДХ экспорт бозорлари илгаридан сақланиб келмоқда, 2002 йилда бу гуруҳ товарларининг 67%дан 90%гача МДХ давлатларига етказиб берилди.

МДХ давлатларидан импорт улуши ўсиши барча йирик товар гуруҳлари бўйича

кузатилди, (энергия турлари ва импортнинг бошқа турларидан ташқари). Бу МДХ давлатларидан ишлаб чиқарилган нисбатан арзон товарларини сотиб олиниши билан боғлиқ.

2000-2002 йилларда МДХ давлатлари ичида етакчи савдо ҳамкорлар бўлиб Россия (2002 й. экспортнинг 10,6%), Украина (5,4%), Тожикистон (3,4%), Қозоғистон (2,7%); хориж давлатлардан – Буюк Британия (7,7%), Швейцария (6,3%), Эрон (5,8%), АҚШ (2,6%), Корея (2,2%) ҳисобланарди. 2002 йилда етакчи экспорт қилувчилар қаторига Туркия ҳам қўшилди (экспорт ҳажмининг 3,4%). Бу даврда Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Буюк Британия, Корея, Швейцарияларга экспорт ҳажмларининг пасайиши ва Украина, Латвия, Тожикистон, Эрон, АҚШ, Туркияга – ўсиши кузатилди.

#### 4.1.4-жадвал. Экспортнинг географик таркиби, %

Давлатлар	2000	2001	2002
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<b>МДХ давлатлари</b>	<b>35.9</b>	<b>34.4</b>	<b>27.6</b>
Шу жумладан:			
Қозоғистон	3.1	3.7	2.7
Латвия	1.9	2.1	2.6
Россия	16.7	16.6	10.6
Тожикистон	3.1	2.7	3.4
Туркменистон	5.4	4.4	2.2
Украина	4.7	4.7	5.4
Бошқа давлатлар	1.0	0.2	0.7
<b>Хорижий давлатлар</b>	<b>64.1</b>	<b>65.6</b>	<b>72.4</b>
Шу жумладан:			
Буюк Британия	7.2	6.5	7.7
Эрон	2.2	2.6	5.8
Корея	3.3	4.3	2.2
АҚШ	1.6	2.9	2.6
Туркия	3.0	2.6	3.4
Швейцария	8.3	6.3	6.3
Бошқа давлатлар	38.5	40.4	44.4

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика кўмитаси

МДХ давлатлари ичида импорт бўйича асосий савдо ҳамкорлари бўлиб, Россия (2002 йил импортнинг 22%и), Қозоғистон (6,7%), Украина (4,5%), Хорижий давлатлар орасида эса, АҚШ (12,1%), Корея (9,5%), Германия (7,8%), Хитой (4,2%), Туркия (3,2%), Буюк Британия (2,7%), Франция (2,1%). 2000-2001 йй. Япония етакчи импорт қилувчилардан эди, лекин 2002 й. Ўзбекистонга товар етказиб бериш ҳажмлари 2000 йилга нисбатан 2,7 марта қисқарди. Шу даврнинг ўзидаёқ Исроилдан қилинган импорт ҳажмларининг 2,1 мартага кўпайиши кузатилди.

Экспорт ва импорт таркибида Россия товарларининг барча гуруҳлари бўйича товар анча катта улушга эга. Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан савдосида товарлар номенклатураси кичик.

## 4.1.5-жадвал. Импортнинг географик таркиби, %

Давлатлар	2000	2001	2002
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<b>МДҲ давлатлари</b>	<b>38.2</b>	<b>37.2</b>	<b>36.9</b>
Шу жумладан:			
Қозоғистон	7.3	6.2	6.7
Россия	15.8	19.2	22.0
Украина	6.0	7.1	4.5
Бошқа давлатлар	9.1	4.7	3.7
<b>Хорижий давлатлар</b>	<b>61.8</b>	<b>62.8</b>	<b>63.1</b>
Шу жумладан:			
Буюк Британия	2.0	2.6	2.7
Германия	8.7	7.8	7.8
Исроил	0.6	0.9	1.6
Хитой	2.5	2.9	4.2
Корея	9.7	11.1	9.5
АҚШ	8.7	6.4	12.1
Туркия	3.3	3.4	3.2
Франция	2.9	4.0	2.1
Япония	1.9	4.2	0.7
Бошқа давлатлар	21.5	19.5	19.2

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан савдо айирбошлашининг ижобий сальдоси (қолдиғи) асосан Буюк Британия (155,9 млн. долл) ва Эрон (142,2 млн. долл.) билан савдо ҳисобига эришилди.

## 4.2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар

Республикада хорижий инвесторлар фаолиятининг қонуний-ҳуқуқий асослари шакллантирилди, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар (ХИК) фаолияти учун маъқул шарт-шароитлар яратиш бўйича аниқ тизим қабул қилинди.

2003 йил 1 январ шароитига республикада хорижий инвестицияли 3400дан ортиқ корхоналар қайд қилинган эди (4.2.1.-жадвал). 2000 йил билан таққослаганда ХИКлар сони 3,5 баравардан кўпроқ ўсди.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига амалда шаклланган жамғармаларнинг умумий миқдори 2003 й. бошида 1607,2 млн. АҚШ доллари ташкил қилди ёки 2000 йилга нисбатан - 143,1%га ошди. ХИКларнинг жамғармасига асосий қўйилмалар (60%дан ортиқ) жиҳозлар, технологиялар ва бошқа материал активлар кўринишида амалга оширилди, қолган қисми асосан, пул тушумлари кўринишида бўлди.

ХИК ходимлари сони ўрганилаётган даврда 22,8%га кўпайди. 2002 йилда ХИК томонидан 1049,5 млрд. сўмлик товар (хизматлар) ишлаб чиқарилди. Бу республика ЯИМнинг 14,7%ини ташкил қилади. Энг йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида



«ЎзДЭУавто Ко» (автомашиналар), «Зарафшон-Ньмонт» (олтин), «Кабул-Ўзбек» ва «ДЭУ текстиль компани» (текстиль маҳсулотлар), «Қизилқум-цемент» (цемент) корхоналари ажралиб туради.

#### 4.2.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	Ўсиш суръатлари, %да	
				2002 й.ни 2000 й.га нисбати	2002 й.ни 2001 й.га нисбати
Хорижий инвестиция иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналар сони	3445	3301	3400	95,8	103
Улардан ҳисобот тақдим этганлари сони	525	1708	1861	354,5	109
ХИКнинг йил бошидаги устав фонди , млн.доллар	1123,3	1437,4	1607,2	143,1	111,8
ХИК экспорти, млн. АҚШ доллар.	451.6	416.9	442,96	98,9	106,3
ХИК импорти, млн.АҚШ доллар.	760.5	937.2	705,1	92,7	75,2
Ишчилар сони, минг киши	76.6	90.4	94,05	122,8	104
ЯИМ ҳажмидаги ХИК ишлаб чиқариш улуши (иш, хизмат),%	10.9	12.5	14,7		
Жами маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидаги ХИК экспортининг улуши (иш, хизмат), %	30,2	29,7	32,7		
Жами республика экспорти ҳажмида ХИК экспортининг улуши, %	13.8	12.8	14,8		
Жами республика импорти ҳажмида ХИК импортининг улуши, %	25.8	29.9	26,0		

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Тармоқлараро кўринишда маҳсулот, иш ва хизматларнинг энг катта ҳажми машинасозлик ва металга ишлов бериш, озиқ-овқат, енгил, рангли, кимё ва нефткимё тармоқларида, ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида ишлаб чиқарилди. Моддий соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг улуши 2000 й. 79%дан 2002 й. 83,1%гача кўпайди.

2002 йилда республика ташқи савдо айирбошлашда ХИКнинг улуши 21,4%ни ташкил қилди (2000 й. - 19,5%). ХИКнинг товарлар (хизматлар) импорти ҳажми 705,1 млн. АҚШ долл. ёки республика жами импортининг 26%ни ташкил қилди. ХИК импорти суръатларининг 2000 й. нисбатан 7,3%га ва 2001 й. – 24,8%га пасайиши ижобий натижа бўлиб, корхоналарнинг импорт хом-ашё ва материалларга бўлган талаб пасайганлигини ва ички имкониятлардан фойдаланишнинг ортанлигини акс этади. Лекин шу билан бирга ХИК асосан импорт экспортга нисбатан юқориликча қолган (4.2.1-чизма).

#### 4.2.1-чизма. ХИКнинг республика ташқи савдосидаги таққослама улуши



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

2002 йилда жами республика бўйича ХИКнинг экспорти 442,96 млн. долл., ёки жами экспортнинг 14,8%ини ташкил қилди. Бунда товарлар (хизматлар) ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида экспортнинг улуши 2000 йилга нисбатан 2,5% пунктга кўпайди.


#### 4.2.2-жадвал. ХИК экспортининг товар таркиби, %

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002
Жами экспорт	100	100	100
Шу жумладан:			
Пахта толаси	4.8	2.4	1.0
Озиқ-овқатлар	7.4	4.4	4.1
Кимё маҳсулотлари	1.5	2.6	2.1
Энергия манбалари	3.7	4.7	2.9
Рангли ва қора металллар	0.3	0.2	0.5
Машина ва ускуналар	16.0	21.1	16.5
Хизматлар	3.9	4.4	3.8
Бошқалар	62.4	60.2	69.1

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

ХИК экспортининг товарлар таркибида 2002 йилда энг катта улушни машина ва жиҳозлар (16,5%), озиқ-овқатлар (4,1%), хизматлар (3,8%) эгаллайди, (4.2.2-чизма). Товар гуруҳлари бўйича 2000 йил экспорт даражасига таққослаганда қора ва рангли металллар (157,8%) ва химия маҳсулотлари (140,2%) нисбатан юқори суръатлар билан ўсди.

## 4.2.2-чизма. ХИК экспортининг товар таркиби



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

ХИК маҳсулотлари экспортида - Тошкент ш., Навоий, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларининг улуши юқори, (4.2.3-жадвал).

Республика ХИКлар экспортининг 90%и ана шу ҳудудларга тўғри келади. Бу, асосан, машинасозлик, олтин қазиб чиқариш ва енгил саноат маҳсулотларидир. Йирик экспорт қилувчиларга «Қизилқумредметзолото» давлат концерни, «Ўзавтосаноат» уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси корхоналари ҳисобланади. Республика ХИК экспортида унча катта бўлмаган улушни Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари корхоналарига тўғри келади. Бу ҳудудлар ХИК жами республика экспортининг 1%дан камини ташкил қилади.

## 4.2.3-жадвал. ХИК экспортининг ҳудудий таркиби, %

	2000	2001	2002
Жами	100	100	100
Шу жумладан:			
Қорақалпоғистон Республикаси	0.0	0.03	0.2
Вилоятлар:			
Андижон	13.3	18.63	14.0
Бухоро	0.3	0.05	0.4
Жиззах	0.1	0.29	0.1
Қашқадарё	0.0	0.04	1.6
Навоий	31.9	28.96	35.9
Наманган	4.2	1.95	2.2
Самарқанд	2.8	2.19	1.8
Сурхондарё	0.0	0.01	0.1
Сирдарё	5.1	1.00	0.8
Тошкент	14.0	18.70	17.4
Фарғона	7.2	7.41	11.0
Хоразм	0.2	0.20	0.4
Тошкент шаҳри	21.0	20.53	14.1

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

ХИКнинг етакчи инвесторлари Жанубий Корея, АҚШ, Буюк Британия, Туркия давлатларидир 4.2.4-жадвал. ХИК томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларда Туркиянинг улуши 4,2%ни Жанубий Кореянинг эса 30,3%га тўғри келади. Таҳлил

қилинаётган даврда юқорида айтиб ўтилган давлатлар, шунингдек Германия, Италия, Исроил, Хитой, Швейцария билан тузилган қўшма корхоналар сони анча ўсди.

#### 4.2.4-жадвал. ХИКларни ташкил этувчи инвестор-давлатлар

Инвестор давлатлар номи	Корхоналар сони		Маҳсулот ҳажми (ишлар, хизматлар) йил якунига нисбатан, %	
	2000	2002	2000	2002
Жами Ўзбекистон бўйича	527	1861	100	100
Буюк Британия – Ўзбекистон	36	77	9,9	5,9
Германия – Ўзбекистон	20	68	1,6	2,0
Германия	7	25	0,2	0,2
Исроил – Ўзбекистон	6	23	1,1	0,8
Италия – Ўзбекистон	11	24	0,9	0,4
Хитой - Ўзбекистон	12	42	0,1	0,6
Жанубий Корея	5	18	4,9	2,6
Жанубий Корея – Ўзбекистон	25	73	25,4	30,3
Россия Федерацияси - Ўзбекистон	204	237	2,0	2,4
АҚШ	15	57	1,8	0,5
АҚШ - Ўзбекистон	67	145	25,2	19,2
Туркия	13	44	0,7	1,1
Туркия - Ўзбекистон	44	160	6,5	4,2
Чехия Республикаси - Ўзбекистон	15	17	0,8	0,7
Швейцария - Ўзбекистон	12	38	2,4	1,2
Қолганлар	25	837	16,5	28,5

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Изоҳ: Битта давлатнинг кўрсатилиши – бу мамлакат устав фонди 100 фоиз, иккита давлат устав фондида тенг улушга эга.

ХИКнинг кўпчилиги маҳсулот импорт қилувчилардир, 2002 йилда ХИК импорт ҳажмлари экспорт ҳажларидан 1,6 марта ортиқ бўлди.

ХИКнинг Ўзбекистонда самарали фаолиятининг асосий муаммолари қўйидагилардир: ташқи савдони янада эркинлаштириш зарурлиги; интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси; бозор инфратузилмаси тармоғини ривожлантириш; малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

## 5. Аҳоли фаровонлиги ва меҳнат бозори

### 5.1. Иш ҳақи

Расмий статистика маълумотларига кўра, 2002 йилда ўртача иш ҳақи 27511 сўмни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 49,3%га ўсди. Бундай ўсиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли даромадларини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида чиқарилган 2002 йил 26 март, 1 июл ва 7 августдаги Фармонларига асосан содир бўлди. Уларга кўра, барча турдаги нафақа ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари ўқувчилари стипендиялари ўртача 1,3 баробар оширилди, ҳамда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари муаллимлари, олий ўқув юртлари ва бюджет ташкилотлари ҳисобига молиялаштирилаётган илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари ойлик маошлари кўшимча яна 1,2 баробар оширилди.

2002 йилда иш ҳақининг ўсиши иқтисодийнинг ҳамма тармоқларида кузатилди. Жумладан, энг юқори ўсиш ахборот таъминоти соҳасида (2001 й. 5,3%дан 74%гача), савдода (24,4%дан 76,1%гача), банк тизимида (25,4%дан 51,8%гача), саноатда (28,6%дан 43,5%гача), транспортда (18,5%дан 57,8%гача) тўғри келади. Ахборот таъминоти соҳаси, саноат тармоқлари ва банк-молия тизимидаги иш ҳақининг анча юқори даражаси бу фаолият турларида малакали ишчи-хизматчиларни ва ёшларни жалб қилиш учун ижобий рағбатлантирувчи омиллар яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин, (5.1.1-жадвал).

#### 5.1.1-жадвал. Иқтисодий тармоқлари бўйича ўртача номинал иш ҳақи, сўм

Давр	Ўртача кўрсаткич	Саноат	Транспорт	Қурилиш	Савдо	Ахборот билан таъминлаш	Соғлиқни сақлаш	Халқ таълими	Молия ва кредит
<b>2000</b>	<b>12492</b>	<b>23166</b>	<b>20259</b>	<b>20299</b>	<b>9901</b>	<b>42387</b>	<b>8566</b>	<b>9967</b>	<b>25046</b>
I чорак	9012	18263	15880	15322	7856	36073	6704	7521	20260
II ч.	9638	19252	16160	17491	8499	31426	7104	9438	16055
III ч.	14640	22920	19420	20433	9500	33029	9858	10785	20148
IV ч.	16676	32229	29575	27951	13748	69021	10599	12125	43719
<b>2001</b>	<b>18424</b>	<b>29797</b>	<b>24002</b>	<b>23193</b>	<b>12312</b>	<b>40228</b>	<b>10853</b>	<b>11930</b>	<b>31401</b>
I чорак	16760	26935	21745	20062,7	11028	34590	9935	11045	30648
II ч.	17427	28318	22278	22117	11311	36146	10090	11442	30133
III ч.	18847	30376	24535	24214	12828	44776	11300	12205	30607
IV ч.	20661	33561	27449	26377	14082	45401	12086	13030	34214
2001/2000 ўсиш фоиз ҳисобида	47,5	28,6	18,5	14,3	24,4	-5,3	26,7	19,7	25,4
<b>2002</b>	<b>27511</b>	<b>42747</b>	<b>37882</b>	<b>34405</b>	<b>21677</b>	<b>70008</b>	<b>16227</b>	<b>17262</b>	<b>47672</b>
I чорак	24906	24906	42531	32357	28529	69975	15002	15385	46310
II ч.	26663	45308	33083	32424	18516	61593	15781	17071	46405
III ч.	28271	48753	35894	35304	19370	68373	16588	17831	46277
IV ч.	30206	52020	40020	37535	20292	80093	17536	18763	51698
2002/2001 ўсиш фоиз ҳисобида	49,3	43,5	57,8	48,3	76,1	74,0	49,5	44,7	51,8

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Соғлиқни сақлаш соҳасида иш ҳақи 49,5% фоизга (2001 й. - 26,7%), таълим

тизимда – 44,7% (2001 й. – 19,7%) ошди. Шу билан бирга, юқори малакали иш ҳақининг улуши таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот таъминоти соҳасида ишловчилар иш ҳақининг 25%, банк тизимида – 35%, саноатда – 40% даражада бўлди.

Иш ҳақининг энг кичик ва энг катта даражалари ўртасидаги фарқ иқтисодиётнинг турли тармоқларида ошди ва бу нисбат 1:4,3 ни ташкил қилди, (2001 й. – 1:3,7).

Аста-секин иш ҳақининг ҳудудлараро фарқи ортиб бормоқда ва ҳисобот даврида 1:2,99 ни ташкил қилмоқда, 2001 й. - 1: 2,86 ва 2000 й. - 1: 2,78. Республика бўйича ўртача иш ҳақи даражасидан (27551 сўм) юқори маош фақатгина 3 ҳудудда эришилди: Навоий вилоятида (54510 сўм), Тошкент шаҳрида (40262 сўм), Тошкент вилоятида (35591 сўм). Иш ҳақининг ўртача республика ўсиш суръати даражасидан (49,3%) юқори суръатлар 4 ҳудудда кузатилди: Тошкент вилоятида (59,3%), Андижон (50,8%), Навоий (50,5%) ва Фарғона (50,0%) вилоятларида, (5.1.2-жадвал).

### 5.1.2-жадвал. Республика ҳудудлари бўйича ўртача иш ҳақи

Давр	Ўртача кўрсаткич	Нукус	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қарши	Навоий	Наманган	Самарқанд	Термиз	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.
2000	12492	10571	10732	12913	8787	9756	21263	9919	8174	9672	10718	15008	10448	10157	22704
I чорақ	9012	7657	6602	7788	5763	7299	15237	6504	6145	6393	8116	11227	7059	6755	18390
II ч.	9638	7719	8035	9167	6610	7462	17970	7475	6928	7902	8546	11598	7517	7116	18239
III ч.	14640	13470	13551	18112	9830	11848	23570	12842	9233	13816	11991	15268	14224	14127	21840
IV ч.	16676	13436	14739	16583	12944	12415	28276	12854	10390	10577	14217	21937	12993	12631	32348
2001	18424	13592	13784	16988	12641	14117	36212	13169	13449	14198	16825	22338	15172	13832	27224
I чорақ	16760	12733	12270	15515	11028	12965	31245	12585	12581	13115	15379	20121	13858	12765	24908
II ч.	17427	13040	13243	16210	12032	13592	32836	12718	12700	13655	16128	21073	14457	13260	25585
III ч.	18847	13606	14331	17289	12733	13753	38659	13037	13593	14543	17064	22708	15356	13941	27759
IV ч.	20661	14991	15293	18939	14769	16158	42108	14338	14923	15477	18731	25448	17017	15359	30643
2001/2000	47,5	28,6	28,4	31,6	43,9	44,7	70,3	32,8	64,5	46,8	57,0	48,8	45,2	36,2	19,9
2002	27511	20034	20787	25241	18303	21069	54510	18976	19969	18204	24470	35591	22756	20304	40262
I чорақ	24906	18132	18160	22652	16862	18385	47305	17342	18583	17312	21915	31973	20288	18229	37437
II ч.	26663	19442	21030	24509	17843	20551	53622	18568	19393	17792	23983	33738	22061	19864	38505
III ч.	28271	20599	21539	26002	18629	22087	56520	19491	20323	18412	25254	36901	23556	20884	40917
IV ч.	30206	21962	22419	27802	19879	23252	60593	20503	21578	19300	26729	39750	25117	22240	44187
2002/2001	49,3	47,4	50,8	48,6	44,8	49,2	50,5	44,1	48,5	28,2	45,4	59,3	50,0	46,8	47,9

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Кўрилаётган давр ичида иш ҳақининг ўсиш суръати товар ва хизматлар нархларининг ўсишидан юқорироқ бўлгани сабабли, реал иш ҳақи 21,8%га ўсди, (2001 й. 16,9%). (2002 йилда 2001 йилга нисбатан истеъмол нархлари ўртача 22,6%га ўсди, иш ҳақи 49,3%га ошди).

## 5.2. Ички савдо ва хизматлар

### 5.2.1. Чакана савдо

2002 йилда чакана савдо товар айирбошлаш ҳажми 3772 млрд. сўмни ташкил

қилди ва таққослама баҳоларда 2000 йилга нисбатан 19%га ошди. Истеъмол товарларининг чакана савдоси бўйича республика ҳудудлари орасида анъанавий равишда Тошкент ш., Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ажралиб туради. 2002 йилдаги республика бўйича чакана товар айирбошлашнинг 63,8%и уларнинг улушига тўғри келди.

2002 йил ичида республика аҳолисига 709,3 млрд. сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди ва 2001 йилга нисбатан пуллик хизматлар ҳажми таққослама баҳоларда 36,7%га ўсди. Пуллик хизматлар ҳажмининг ўсиши республиканинг ҳамма ҳудудларида кузатилди.

5.2.1-жадвал маълумотлари чакана товар айирбошлаш ва пуллик хизматлар жисмоний ҳажмининг анчагина ўсиши 2001 йилда содир бўлганлигини акс этмоқда, чакана товар айирбошлашнинг ўсиш суръати 9,5%ни ташкил қилди (2000 й. – 7,8%, 2002 й. – 1,7%), пуллик хизматларники эса - 14,4% (2000 й.- 14,0%, 2002 й. – 8,3%).

**5.2.1-жадвал. Чакана товар айирбошлаш ва пуллик хизматлар**

Йиллар ва чорақлар	Чакана товар айирбошлаш		Шу жумладан		Пуллик хизмат	
	Жами, млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатан, ўсиш таққослама баҳоларда, %	Ҳуқуқий шахс мақомини олган корхоналар товар айирбошлаш	Ўтган йилга нисбатан, ўсиш таққослама баҳоларда, %	Амалдаги нархларда, млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатан, ўсиш таққослама баҳоларда, %
<b>2000</b>	1789,4	<b>7,8</b>	649,4	-5,8	305,4	<b>14,0</b>
I ч.	351,4	5,1	128,1	-7,0	52,9	13,9
II ч.	395,8	0,2	112,1	-13,4	69,8	14,3
III ч.	472,5	7,8	173,2	-8,8	82,9	14,2
IV ч.	582,4	14,4	215,5	+0,7	99,8	14,0
<b>2001</b>	2697	<b>9,5</b>	943,0	4,9	472,2	<b>14,4</b>
I ч.	520,3	7,0	179,3	2,9	85,4	12,6
II ч.	602	11	214,3	6,5	108,8	13,5
III ч.	714,4	7,5	257,6	7,5	126,4	14,2
IV ч.	860,3	11,7	291,8	9,2	150,6	14,0
<b>2002</b>	3772,3	<b>1,7</b>	1120,4	-14,1	709,3	<b>8,3</b>
I ч.	841,6	8,7	269,6	2,9	132,9	13
II ч.	953,2	7,0	277,9	-10,5	175,1	12,7
III ч.	929,7	3,6	279,8	-14,4	192,3	12,0
IV ч.	1032,3	3,7	293,1	-14,2	209,0	12,1

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

2002 йил 3 ва 4-чорақлардаги чакана товар айирбошлаш ўсиш суръатларининг пасайиши (3,6% и 3,7%), импортни ва халқ истеъмоли товарлари сотувини тартибга солиш бўйича давлат томонидан кўрилган чоралар натижаси билан тушунтириш мумкин.

Аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида товар харид қилиш қисқарди (2001 й. - 74,8%дан 2002 й. - 70,1%гача), хизматлар эса қисман ортди. Буларни сабабини аҳоли истеъмоли таркибига нарх омилининг ҳамда ишлаб чиқариш ва импорт ҳажмларининг

қисқариши билан тушунтириш мумкин.

Товарлар нархларининг ўсишидан хизматлар нархларини (тарифларни) ўсиши юқорироқ бўлган. Таҳлил қилинаётган даврда истеъмол нархлари 62,5%га, шу жумладан, товарлар – 59,3%га (улардан 63,7% - озиқ-овқат ва 44,4% - ноозиқ-овқат товарлар), хизматлар – 93,4%га ошди. Озиқ-овқат товарлари таркибида истеъмол нархларининг анчагина ўсиши гўшт, парранда ва балиқ, ноозиқ товарлар таркибида – мато-газламалар, хизматлар таркибида эса – уй-жой-коммунал хизматлари кузатилди. Тухум, тамаки маҳсулотлари ва маиший хизматлар нархлари паст даражада ўсди.


Чакана товар айирбошлаш тузилмасида озиқ-овқат товарларининг улуши 2001 й. 59,6%дан 2002 й. 60,3%гача кўпайди. Асосан табиий кўринишдаги чорвачилик маҳсулотлари (сут ва айрим сут маҳсулотлардан ташқари) ҳамда алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар сотувининг ўсиши аниқланди. Колбаса маҳсулотларининг сотилиши 1,8 марта, мол ёғи ва пишлоқ эса – 1,3 марта кўпайди. Паст суръатлар билан гўшт, парранда ва тухум савдоси ўсди. Аҳоли томонидан ун, нон, гуруч, макарон маҳсулотларини сотиб олиниши камайди.

Бир қанча ноозиқ-овқат товарлари чакана савдоси ҳажмининг пасайиши, уларни ишлаб чиқаришни қисқариши ва импортнинг камайиши билан боғлиқдир. Чакана савдонинг кўпайиши кийим-кечак ва ич кийими, пойабзал, тамаки маҳсулотлари, қурилиш материаллари, дори-дармонлар гуруҳлари бўйича содир бўлди. Трикотаж ва пайпоқ маҳсулотлари ҳамда синтетик ювиш воситалари савдоси камайди. Савдо ҳажмларининг кескин қисқариши маиший техника (телевизорлар, радиопрёмниклар, компьютерлар, холодильниклар, кир ювиш машиналари, чанпютгичлар) бўйича содир бўлди. Бунинг асосий сабаби, аҳолининг сотиб олиш қобилиятининг пасайишидадир.

### 5.2.2. Хизматлар соҳаси

Хизматлар соҳаси республика иқтисодий ривожланишининг муҳим омилига айланди. 2002 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳасининг улуши 38,7%ни ташкил қилди. ЯИМда хизматлар улушини ўсиши шу соҳада банд бўлганлар сонининг кўпайишига олиб келди, (5.2.1-чизма).

5.2.1-чизма. ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши



Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси



Республика ҳудудларида ўртача жон бошига хизматлар истеъмолининг фарқи юқори. Ҳисобот даврида улар 1:11,3 ни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига хизматлар истеъмолининг энг юқори даражаси Тошкент ш. (113,2 минг сўм) ва энг паст даражаси - Қорақалпоғистон Республикасида (10,0 минг сўм) кузатилди.

### 5.2.3. Соғлиқни сақлаш

Ҳозирги кунда Республикада аҳолига 5296 та амбулатория-поликлиника идоралари тиббий ёрдамни кўрсатиб келмоқда, улардан 2079 та қишлоқ ва 42 та шаҳар шифокорлик шохобчалари, 607 та шифокорлик амбулаторияси, 3114 та фельдшерлик-акушерлик шохобчалари, 147 минг нафар беморга мўлжалланган 1175 та касалхона, 223 та тез ёрдам марказлари мавжуд.

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор ҳам ривожланмоқда. Хусусий тиббиёт ҳозирги кунда кичик ва ўрта корхоналар шаклида тузилаётган хусусий стационар ва амбулатор клиникалар, поликлиникалар, шахсий тиббий амалиёт шаклида ривожланмоқда.

Республикада 80дан ортиқ хусусий шифоҳоналар ва 956 та амбулатор-поликлиника идоралари мавжуд. Республикада деярли барча дорихона корхоналари тўлиқлигича хусусийлаштирилди, ёки нисбатан катта бўлмаган давлат улуши билан (35%дан кўп эмас) шаклланди.

Аҳолининг соғлиқни сақлаш шохобчаларига бориш имкониятлари сезиларли ошди. 10000 сон аҳолига ҳисобланганда, шифоҳонада ўринлар билан таъминланганлик 2000 йил 55,9 тадан 2002 йил 57,8 тагача кўпайди.

Беморларни даволаш даражасини самарасили амалга оширилиши ва тиббий хизмат кўрсатишнинг турли шакллари қўлланилгани туфайли, беморларни стационарда бўлишининг ўртача муддати 2000 йил 12 кундан 2002 йил 10 кунгача қисқарди. Кеча-кундуз беморларни госпитализация даражаси кўпайди. 2000 йилда касалхоналарга ҳар 100 аҳолидан 13,7 таси, 2002 йилда эса, 14,6 та жойлаштирилди. Умумий ўлимлар сони кўрсаткичи (аҳолининг 1000 киши бошига ўлганлар сони) унча сезиларли ўзгаришларга учрамади ва 2000 й. 5,5дан 2002 й. 5,2гача пасайди. Аҳолининг ҳаёт давомийлиги 2002 йилда 2000 йил даражасида сақланиб қолди – 70,2 йил (5.2.2-жадвал).

**5.2.2-жадвал. Соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000	2001	2002*
Соғлиқни сақлашга давлат харажатларининг ЯИМдаги улуши	%	2,5	2,5	2,4
Кутилаётган ўртача умр кўриш даври	Ёш	70,2	70,2	70,2
Беморларни касалхоналарга жойлаштириш даражаси	100 кишига	13,7	14,2	14,6
Аҳолини таъминлаш даражаси	10 минг. кишига 1 бирлик			
- амбулатория даволаш муассасалари		157,7	160,4	163,1
- касалхоналардаги жойлар		55,9	55,8	57,8
- тиббиёт ходимлари		104,7	104,7	104
- врачлар		32,8	32,4	31,9
1 врачга тўғри келадиган аҳоли сони	киши	305	309	310
1 медицина ишчисига тўғри келадиган аҳоли сони	киши	95	96	97
Туғилиш ва ўлишнинг умумий коэффициенти				
а) туғилганлар сони	Минг киши жон бошига ҳисобида	21,3	20,4	20,0
б) ўлганлар сони	Минг киши жон бошига ҳисобида	5,5	5,3	5,2

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**5.2.4. Таълим**

Таълим хизматлари имкониятлари давлат ва нодавлат ўқитиш масканлари тармоғининг ривожланиши билан боғлиқ. 2000-2002 йилларда билим юртлар сонининг деярли ўзгармаганлигига (2000 й. 61 тадан 2002 й. 62 тагача) қарамасдан, улардаги талабалар сони 1,3 мартага ошди. Олий ўқув юртларига 2002 й. 54,3 минг киши қабул қилинди, бу 2001 йил кўрсаткичидан 16,5%га кўпдир.

2002 йилда республикада 9665 кундузги умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатди. Улардан 1,9%и бошланғич, 20,6%и – тўлиқсиз ўрта ва 77,5%и – ўрта таълим мактаблари. Республика мактабларида асосан, бюджет маблағлари ҳисобига кам таъминланган оилалардан чиққан биринчи синф ўқувчилари китоблар билан бепул таъминланади.

2000-2002 йилларда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган академик лицейлар сони 10,9%га, касб коллежлар сони эса – 1,7 мартага ортди. 2002 йилда республикада 5175 ўқувчиларга мўлжалланган 6 та академик лицей ва 86,6 минг нафар ўқувчиларга мўлжалланган 115 та касб-хунар коллежи қурилиб, ишга туширилди, (5.2.3-жадвал).

**5.2.3-жадвал. Таълим тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000	2001	2002
ЯИМнинг таълимга ажратилган давлат харажатлари	%	6,7	6,8	6,8
<b>Умум таълим мактаблари</b>	сони	9802	9788	9665
Ундаги ўқувчилар сони	минг киши	6037,7	6076,4	6286,8
<b>Академик лицейлар</b>				
Жами лицейлар	сони	46	47	51
Ундаги ўқувчилар сони	минг киши	9,8	17,5	20,5
Қабул қилиш	минг киши	3,0	10,6	9,3
<b>Профколлежлар</b>				
Жами коллежлар	сони	241	303	414
Ундаги ўқувчилар сони	минг киши	59,5	130,0	336,8
Қабул қилиш	минг киши	30,1	77,3	183,9
<b>Ўрта махсус ўқув юртлари</b>				
Жами ўқув юртлари	сони	194	181	141
Ундаги талабалар сони	минг киши	254,8	211,9	158,5
Қабул қилиш	минг киши	73,5	47,7	43,1
<b>Олий ўқув юртлари</b>				
Жами ўқув юртлари	сони	61	61	62
Ундаги талабалар сони	минг киши	183,6	195,8	230,8
Қабул қилиш	минг киши	44,7	46,6	54,3

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

**5.2.5. Уй-жой ва коммунал хўжалик**

2002 йилда республикада уй-жой фондининг умумий майдони 357,8 кв.м ни ташкил қилди. Улардан 61,2%и - қишлоқ жойларда. Умумий уй-жой фондининг 79,3%и фуқаролар шахсий мулки ҳисобланади. 2002 йилда республикада молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 7572 минг кв.м. уй-жой фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг уй-жой билан нисбатан юқори бўлмаган даражада таъминланганлиги Ўзбекистон учун хосдир. Ўртача жон бошга ҳисобланганда, 2001 йилда 13,9 кв. м, 2002 й. – 14,2 кв. м уй-жой тўғри келади (меъёрий кўрсаткич 16 кв. м га тенг). Вилоятлар бўйича уй-жой билан таъминланганлик даражаси 9,6 дан 20,1 кв. м гача фарқланади, фарқланиш коэффициенти 2,09 ни, қишлоқ жойларда эса – 1,97 ни ташкил қилади.

Сув қувурлари тармоқларини ишга туширилиши республика бўйича 2002 йилда 1960,6 км ёки 2001 йилга нисбатан 102%ни, шу жумладан, қишлоқ жойларда – 1852,0 км ёки 2001 йилга нисбатан 104% тенг бўлди.

2002 йилда республикада молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 33,80,2 км. газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бунда анча юқори суръатлар билан қишлоқ жойларини газлаштириш амалга оширилди. Қишлоқ жойларда 2002 йилда 3243,6 км. газ тармоғи ишга туширилди ёки 2001 йилга нисбатан ўсиш 107%ни ташкил қилди.

Табиий газ ва тоза ичимлик суви сарфи ҳисоб-китобини тартибга солиш мақсадида сўнги 3-4 йил мобайнида уй-жой фонди объектларини газ ва сув сарфини ҳисобловчи асбоблар билан жиҳозлаш бўйича ишлар олиб борилди. 2002 йилда газ сарфини ҳисобловчи асбоблар билан уй-жойларни таъминланганлиги республика бўйича 26%ни ташкил қилди. Газ ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш нафақат табиий ресурсларни иқтисод қилиш муаммоларини ҳал этиш, балки коммунал хизматлар соҳасида тариф сиёсатини такомиллаштириш имкониятини яратади.

Бепул хизматларни пуллик кўринишга ўтказилиши (соғлиқни сақлашда, таълимда, уй-жой-коммунал хизматларда), ҳамда тўловли хизматлар нархларининг даромадлар ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги сабабли, турли хизматларга бўлган талаб камайди. Шу билан бирга, аҳолининг уй-жой-коммунал хизматларга харажатларни даромаддаги улуши хориж давлатларига нисбатан икка баробар кичик. Аҳолининг ҳаёт даражаси юқори бўлмаган шароитда уй-жой-коммунал хизматларнинг давлат томонидан қўллаши аста-секинлик билан камайтириб борилмоқда. Бунинг натижасида, аҳолининг бу турдаги хизматларга сарф-харажатларининг максимал миқдори аҳолининг ўртача жон бошига даромадларининг 10%ига тўғри келади.

### **5.3. Бандлик ва меҳнат бозори**

#### **5.3.1. Аҳоли**

2003 йил бошида Ўзбекистон Республикасида 25,4 млн. киши истиқомат қилмоқда. Аҳоли сони бўйича Ўзбекистон Қозоғистондан 1,4, Тожикистондан 3,9, Қирғизистондан 5,1 ва Туркманистондан 5,2 марта юқори кўрсаткичларга эга. Ўзбекистон аҳолиси бутун Марказий Осиёнинг 42%ини ташкил қилади. Ўзбекистонда демографик ўсиш суръатлари пасайди, 2000-2002 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 0,9 млн. кишига кўпайди ёки 3,7%га. Ўртача йиллик ўсиш 90-йиллардаги 2,2%га нисбатан 1,2%ни ташкил қилди. Бу йўналиш, асосан туғилиш даражасининг камайиши билан боғлиқ (фақатгина сўнги уч йил мобайнида - 21,3 дан 20,4 промиллегача туғилиш камайган).

Ўлим сонининг умумий коэффициенти 2000-2002 йилларда 5,5 дан 5,2 промиллегача пасайди. Гўдаклар ўлими сонининг 90-йиллар бошидаги 35,5 дан 18,3 промиллегача камайиши кузатилди.

Мавжуд демографик ривожланиш аҳолининг ёш таркибига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Фақат сўнги икки йил ичида 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар улуши 40,6%дан 38,8%гача камайди, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг сони 52,0%дан 54,0%гача кўпайди, нафақа ёшдагилар сони эса, 7,4%дан 7,2%гача камайди. Бу маълумотлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистон анча юқори сон ва сифат жиҳатдан аҳолиси ёш салоҳиятга эга.

#### **5.3.2. Аҳоли бандлиги**

2000-2002 йилларда мамлакат меҳнат ресурслари 5,3%га ўсди, йилига ўртача ўсиш 2,6%га тенг бўлди. Меҳнат салоҳиятини тез суръатлар билан ўсиши бандликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Мамлакатда ҳар йили 300 минг иш жойи яратилмоқда, улардан 70-75%и - қишлоқ жойларда. Кичик ва ўрта бизнес иш жойлари яратилишининг сезиларли манбаси бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда фақатгина кичик корхона ва микрофирмаларда 800 мингдан ортиқ киши ишламоқда. Қишлоқ хўжалиги ишчи кучларини камайиши ва бошқа фаолият турларига – хизматлар соҳаси, кичик бизнесга - қайта тақсимланиши кўламлари сезиларли ўсди. Бозор талабларига жавоб берадиган шахсий ёрдамчи хўжаликлар (деҳқон хўжаликлари) тузилди. Иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларга мос равишда ва аҳолининг меҳнат танловининг ўзгарганлиги сабабли, бандликнинг тармоқлараро таркиби ўзгарди, (5.3.1-жадвал).

Қишлоқ хўжалигида бандлар улуши қисқармоқда, (фақатгина сўнги 3 йил мобайнида 33,0%гача), ижтимоий соҳа, ахборот таъминотида ишловчилар сонининг нисбатан кўпайиши аниқланган.

**5.3.1-жадвал. Бандликнинг тармоқлараро таркиби, %**

Тармоқлар	2000	2001	2002*)	2000-2002 й.да бандликнинг ўсиш суръатлари
Иқтисодиётда жами бандлик:	100	100	100	103,7
- саноатда	12,7	12,7	12,7	103,4
- қишлоқ ва ўрмон хўжаликларида	34,4	33,5	33,0	99,4
- транспорт ва алоқада	3,0	3,0	3,2	111,7
- қурилишда	7,5	7,7	7,8	107,4
- савдода, маиший-овқатланишда, таъминотда	8,4	8,5	8,6	106,3
Уй-жой ва коммунал хўжаликларида, ноишлаб чиқариш маиший хизмат кўрсатишда	2,8	2,9	2,9	109,4
Соғлиқни сақлашда, жисмоний тарбия ва спортда, ижтимоий таъминотда	6,5	6,6	6,8	108,0
Таълим, маданият, санъат, илм-фан ва илмий таъминотда	12,8	12,8	13,0	105,7
Транспорт ва алоқа хизматларида	1,2	1,3	1,1	88,6
Молия, кредит, суғурта ва нафақа таъминотида	0,6	0,6	0,6	107,5
Давлат ва маъмурий бошқарув ташкилотларида	1,4	1,5	1,7	122,6
Бошқаларда	8,7	8,9	8,6	111,2

Манба: Ўз.Р.Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги

\*Баҳоланган.

**5.3.3. Меҳнат бозори**

Меҳнат бозорининг шаклланиши меҳнат ресурсларининг ортиши шароитида содир бўлмоқда. Меҳнат бозорига демографик босим ҳали ҳам юқори. Фақатгина 2000-2002 йилларда меҳнат ресурсларининг ортиши 656 минг кишини ташкил қилди (5,3%) ва иқтисодиёт тармоқларидаги ишчи кучига бўлган талабдан кескин илгарилаб кетди, (336 минг киши ёки 3,7%) (5.3.2-жадвал).

**5.3.2-жадвал. Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигининг ўзаро нисбати, %**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2000-2002 йилларда ўсиш
Меҳнат ресурслари	100,0	100,0	100,0	105,3
Иқтисодий фаол аҳоли	72,3	71,6	71,4	103,9
Иқтисодиётда банд аҳоли	72,0	71,2	71,0	103,7
Шу жумладан: - моддий ишлаб чиқаришда	69,6	69,3	69,2	103,1
Ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида (жами банд аҳолига нисбатан, %)	30,4	30,7	30,8	105,1
Расмий аниқланган ишсизлар (иқтисодий фаол аҳолига нисбатан, %)	0,4	0,5	0,5	132,5

Манба: Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси

Шаҳарларда меҳнат бозори қишлоқда яшовчилар ҳисобига кўпайган. Ислохотларни чуқурлаштириш билан биргаликда, жорий меҳнат бозорининг амал қилиш кўламлари ҳам кенгайтириляпти. Ҳар йили иш қидираётган фуқаролар сони 30-40 минг кишига, меҳнат биржаси орқали иш билан таъминланганлар сони 20-30 минг кишига кўпайяпти. 2002 йилда бу кўрсаткичлар бирмунча камайди.

Меҳнат биржаларига мурожаат қилганлар аҳолининг асосий тоифаси ёш фуқаролар – ўқув-билим юртлари битирувчилари (38%-40%) ва иш жойини ўзгартираётганлардир, (45%-48%) (5.3.1-чизма).

**5.3.1-чизма. Меҳнат бозорида ишчи кучининг таклифи, ёш таркиби**




Манба: Ўз.Р.Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги

Охирги йилларда, ишчи кучи кўламларининг ўсиш муносабати билан, мустақил равишда иш топишга қийинлашмоқда, шунинг учун, бўшаган ходимлар орасида биржага мурожаат этувчилар улуши сезиларли ўсди: 90-йиллардаги 10-12%га нисбатан 2000 йилда 14,3%ни, 2001 йилда – 38,3%ни, 2002 йилда – 86,8%ни ташкил қилди. Асосан, ходимларнинг бўшаб кетиш ҳоллари аграр секторда кўп учрамоқда, (60%гача). Ишчи кучи бўшалишининг максимал даражаси 1999 ва 2000 йилларга тўғри келади. Бу йилларда ишчи кучини кескин бўшалиши аниқ бир мақсадда - қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучини чиқарилиши асосида содир бўлди. 1998 йилдан аввал аграр секторда ишчи кучини бўшалиши 4-8 минг киши атрофида ўзгариб турарди, 1999 йилда – 197,3 минг киши, 2000 й. – 138,2 минг кишига тенг бўлиб, 2000 йилдан кейин бу жараёнлар секинлашди.

Меҳнат биржаларига мурожаат қилганларнинг аксарият қисмини эркеклар ташкил қилади, аммо аёллар миқдори аста-секин ўсиб бормоқда, 2002 йилда у 47,3%ни ташкил қилди. Меҳнат биржалари орқали иш қидираётганлар асосан, ўрта мактаб ва ўрта махсус билими юрти маълумоти даражасида бўлган шахслар бўлиб, (шаҳарларда 50-55%, қишлоқларда 70-75%), хизматчилар ва мутахассислар улуши 20-25%ни ташкил қилади, (5.3.2-чизма).

### 5.3.2-чизма. Меҳнат бозорида ишчи кучининг таклифи

(маълумот даражаси бўйича)



Манба: Ўз.Р.Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги

Сўнги 3-4 йилда меҳнат биржаларида малакали ишчи кучи сони ошганлиги ва олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларни иш билан таъминланганлик даражасини ўсиши кузатилди.

2000-йилларда иш қидирувчилар сонининг энг юқориси Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятига тўғри келди. Бироқ, меҳнат бозоридаги вазиятни баллар орқали баҳолаш шуни кўрсатяптики, вазиятнинг энг юқори кескинлашуви Навоий вилояти ва айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида.

Жорий меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятларидан бири – ишчи кучи таклифининг талабга нисбатан барқарор ўсишидир. Ҳисоб-китобларга кўра, 2000-йилларда бу ўсиш 33,3%ни ташкил қилди, шу билан бирга, ушбу тафовутнинг бир қанча яхшиланиши кузатилди, (5.3.3-жадвал).

### 5.3.3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг конъюнктураси

Йиллар	Ишчи кучларига таклифлар, минг. киши	Ишчи кучига талаб, минг киши			Таклифни талабга муносабати, %
		қониқарли	қониқарсиз	жами	
2000	421,4	280,6	26,9	307,5	137,0
2001	462,8	318,1	27,0	345,1	134,1
2002	448,2	322,1	27,1	349,2	128,4
Жами	1332,4	920,8	81,0	1001,8	133,0

Манба: Ўз.Р.Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги

### 5.3.4. Ишсизлик даражаси

Мамлакатимизда расман қайд қилинган ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли сонининг 0,5%ини ташкил этади ва қатор йиллар ичида ўзгаришсиз қолмоқда.

Аммо ишсизлар сонининг расмий кўрсаткичи меҳнат бозоридаги реал вазиятни акс эттирмайди. Ўзбекистонда яширин ишсизлик мавжуд бўлиб, унинг кўламлари расмий қайд этилаётган ишсизлик даражасини анча сезиларли ортида қолдирмоқда, шунинг учун ишсизликнинг реал даражаси биржаларда қайд этилаётганидан юқори бўлмоқда.

Расмий ишсизликнинг кичик даражада қайд этилганлигининг омиллари қуйидагилардир:

- ташкилотлар томонидан тўловсиз таътил берилиши; иш вақтининг қисқартирилиши;
- ишчиларни бўшатиш ўрнига маош тўловларини кечиктирилиши;
- ишсизлик нафақаларининг камлиги;
- биржалар таклиф этаётган иш жойларининг маъқул эмаслиги;
- иқтисодийнинг пинҳоний секторининг мавжудлигидир.

Шунинг учун, аҳолининг кўпчилиги махсус тузилган тузилмалар ва расмий ҳисоботдан ташқари йўллар билан ишга жойлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда ишсизликнинг реал даражаси иқтисодий фаол аҳоли сонининг 3,8-5,0%ни ташкил этади. Жаҳон амалиётида ишсизликнинг чегаравий-юқори даражаси этиб, 10% ҳисобланади.

Иш билан таъминланишда муҳтож шахслар умумий сонининг аксарият улушини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади, (2002 й. – 56,3%).

Меҳнат биржаларида бўш ўрин иш жойлари мавжуд. Айрим даврларда ишчи кучига бўлган талабнинг қониқтирилмаганлик даражаси расмий ишсизлар сонидан 1,3-1,5 марта ортади. Бу асосан, ишчи кучи талаб ва таклифининг сифат кўрсаткичлари билан мос тушмаганлиги сабабидир. 2000-2002 йилларда бўш жойлар сони нисбатан камайди, бироқ талаб ва таклифни сифат нуқтаи-назаридан мувофиқлаштириш муаммоси сақланиб қолмоқда, меҳнат биржасига малакали ишчилар оқимининг ортишини ҳисобга оладиган бўлса, бу муаммо кучайиши мумкин.

Шундай қилиб, 2000-йилларда Ўзбекистонда аҳоли бандлиги анча кўзга кўринарли ўзгаришларни бошдан кечирди. Умумий ижобий натижалар бўлиб, меҳнатдан фойдаланишда таркибий ўзгаришлар, меҳнатга қизиқишни, ишбилармонликни бозор услубида ривожланишини ҳисоблаш мумкин. Буларни узоқ муддатли йўналиши ҳамда аҳолининг меҳнат фаоллигини янада ўсиши, унинг бозор шароитларига мослашуви ва меҳнат фаолиятининг самараси учун қудратли омил, деб ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, бу соҳада ҳали ҳам муаммолар мавжуд, ҳусусан, ишчи кучи, талаб ва таклифнинг сон ва сифат бўйича мувозанатлашмаганлиги, бандликни шаклланишида ёшларнинг ўрни ва ҳоказо.



## 6. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши

Ўзбекистон айрим худудларининг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари хилма-хиллиги туфайли, иқтисодиётни ривожланишини худудий жиҳатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида худудий омиллар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар хусусиятлари ва натижаларини аниқлаб беради.

Охириги йилларда худудларни ривожланишида бир қатор ижобий натижаларга эришилиб, улар маҳаллий бошқарув идораларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий хўжаликни мустаҳкамлаш, худудларда мавжуд бўлган минерал-хом-ашё, табиий ва иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали содир бўлди.

2000-2002 йилларда Қашқадарё вилоятида «Шўртан газ-кимё» комплекси; Андижон вилоятида автомобил моделлар қаторини янгилаш мақсадида ЎзДЭУнинг қайта таъмирланишининг иккинчи босқичи ишга туширилди; Навоий вилоятида Қизилқум фосфорит заводининг 1-навбати; Бухоро вилоятида газ конденсатини қайта ишлаш бўйича йирик корхона фойдаланишга топширилди; Қорақалпоғистон Республикасида Қўнғирот сода заводининг қурилиши давом эттирилмоқда.

Мамлакат ва хорижий инвесторларни рағбатлантириш мақсадида ҳукумат катта эътиборни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожланишига қаратди. Кам ривож топган Жанубий ва Ғарбий худудларни ишлаб чиқариш кучларини тезкор ривожланиши ва бой табиий манбаларни ўзлаштириш мақсадида Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон ва Нукус-Султонуюздоғ-Учқудуқ йўналишдаги янги темир йўл линияларининг қурилиши амалга оширилмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланишининг ислоҳот қилиш ва ривожлантириш бўйича худудий дастурлар амалга оширилмоқда.

2000-2002 йилларда деярли барча худудларда асосий макрокўрсаткичларнинг (ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ), саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, инвестициялар, товар айирбошлаш ва тўловли хизматлар ҳажмлари) барқарор ўсиши таъминланди, (б.1-жадвал).

ЯҲМнинг 2002 йилдаги энг юқори ўсиш суръатларини Қашқадарё (110,1%), Жиззах (109,5%), Самарқанд (107,6%) вилоятларида кузатилди. 2000-2002 йилларда нобарқарор иқтисодий ривожланувчи худудлар орасида Қорақалпоғистон Республикаси ажралиб турибди.

### 6.1-жадвал. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари, %, таққослама нархларда)

Ҳудудлар номи	Ялпи ҳудуд маҳсулоти			Ишлаб чиқариш ҳажми			Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш		
	2000	2001	2002	2000	2001	2002	2000	2001	2002
Қорақалпоғистон Республикаси	88,6	96,8	101,6	106,0	97,4	98,1	106,2	111,6	104,0
Вилоятлар:									
Андижон	103,2	108,8	103,4	88,6	128,9	107,1	80,5	125,6	98,9
Бухоро	104,5	103,3	102,7	102,9	108,7	104,6	105,9	108,2	104,8
Жиззах	104,0	104,2	109,5	124,1	118,9	133,1	125,9	122,4	164,3
Қашқадарё	100,1	105,3	110,1	103,4	105,7	111,2	113,7	116,4	106,9
Навоий	104,4	102,7	104,8	102,7	100,1	106,4	116,6	100,2	113,2
Наманган	108,2	104,8	103,7	123,7	120,8	112,0	125,4	118,0	115,7
Самарқанд	103,9	104,2	107,6	100,5	104,1	109,6	92,4	105,4	109,2
Сурхондарё	104,8	108,0	104,0	105,9	105,9	110,1	111,2	107,7	114,3
Сирдарё	101,6	105,2	98,3	112,2	122,8	101,6	107,8	112,4	101,3
Тошкент	110,3	104,5	103,1	112,0	112,6	110,0	118,2	115,7	109,8
Фарғона	107,1	100,3	105,1	109,3	102,9	111,0	113,6	102,7	108,8
Хоразм	94,7	103,5	102,9	104,5	100,6	104,9	108,6	103,0	102,0
Тошкент шаҳри	104,2	104,1	102,6	111,5	112,1	117,7	109,7	106,5	133,1
Ўзбекистон Республикаси	104,0	104,5	104,2	106,4	108,1	108,5	107,7	110,9	111,8

Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

## 6.1-жадвалнинг давоми

Худудлар номи	Ялпи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши			Инвестиция			Товар айирбошлаш			Пуллик хизматлар		
	2000	2001	2002	2000	2001	2002	2000	2001	2002	2000	2001	2002
Қорақалпоғистон Республикаси	68,0	87,0	101,2	83,0	99,0	109,0	102,8	115,7	102,6	115,0	104,0	112,3
Вилоятлар:												
Андижон	108,8	107,1	102,1	101,0	103,0	105,0	108,8	113,6	107,3	140,5	118,3	115,7
Бухоро	107,2	101,9	102,6	108,0	102,0	103,0	110,0	114,2	107,1	113,5	107,7	116,4
Жиззах	102,2	102,1	113,8	111,0	138,0	132,0	110,3	124,7	116,2	108,6	115,7	113,9
Қашқадарё	89,7	107,0	119,9	93,0	115,0	94,0	109,8	115,4	105,5	136,9	114,7	119,7
Навоий	104,5	107,3	106,7	116,0	111,0	100,2	103,8	111,5	105,0	118,5	117,2	108,1
Наманган	111,7	102,2	101,5	103,0	100,2	100,5	110,0	118,5	109,9	133,4	117,3	110,0
Самарқанд	103,4	104,7	112,4	104,0	105,0	102,0	114,8	105,0	100,1	115,5	116,2	103,8
Сурхондарё	107,1	110,8	102,8	102,0	110,0	105,0	119,5	111,4	113,3	108,5	110,8	114,0
Сирдарё	100,2	107,2	98,9	100,2	94,0	88,0	105,2	102,1	95,4	108,3	126,1	109,8
Тошкент	115,3	104,2	102,8	106,0	103,0	102,0	123,2	113,7	101,1	109,2	107,6	108,0
Фарғона	114,0	102,1	105,7	107,0	103,0	108,0	103,2	103,0	106,2	115,2	110,3	109,8
Хоразм	82,6	104,1	106,8	102,0	103,0	105,0	110,5	108,8	101,1	106,4	101,9	100,0
Тошкент шаҳри	-	-	-	92,0	100,4	80,0	100,4	105,0	90,1	108,5	115,7	113,4
Ўзбекистон Республикаси	103,2	104,5	106,1	101,0	103,7	103,8	107,8	109,5	101,7	114,0	114,4	108,3

Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

Мамлакат ҳудудлари реал сектор ривожланишига турли суръат ва нисбатлар билан ҳисса қўшади. 2002 йилда саноат маҳсулотлари ҳажмининг ортиши вилоятлардан Жиззахда - 33,1%, Қашқадарёда - 11,2%, Наманганда - 12,0%, Фарғонада - 11,0%, Сурхондарёда - 10,0% ва Тошкент ш. - 17,7%ни ташкил қилди. Бу янги ишлаб чиқариш корхоналарнинг тузилиши, амалдагиларни қайта таъмирланиши ва техник қайта мосланиши натижасида содир бўлди.

Қишлоқ хўжалигининг энг юқори ўсиш суръатлари Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида кузатилди. Фақатгина Қорақалпоғистон Республикасида 2000-2002 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳажмининг пасайишига йўл қўйилди, (87%).

Ҳудудларни ижтимоий инфратузилма билан таъминлашда айрим муайян ўзгаришлар юз берди. Кўпгина ҳудудларда уй-жой билан таъминланганлик даражаси ортди. Агарда, бу кўрсаткич ўртача республика бўйича 1 кишига 14,2 кв.м. ни ташкил қилган бўлса, Хоразм ва Навоий вилоятларида 20 кв.м. дан кўпроқни ташкил қилди. Шифохона жойлари билан (10 минг киши бошига) энг яхши таъминланганлик Тошкент ш. (80,9), Наманган (66,0), Сирдарё (65,9) ва Фарғона (60,2) вилоятларида (6.2-жадвал) кузатилди.

Амалда барча ҳудудларда 2000-2002 йилларда амбулатория-поликлиника хизматлари (АПХ) қувватининг ошишига эришилди, айниқса, бу кўрсаткич Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Фарғона вилоятларида юқори бўлди.

Фарғона ва Хоразм вилоятларидан ташқари, аҳолининг ичимлик суви ва табиий газ билан таъминотининг ўсиши деярли ҳамма ҳудудларда кузатилди.

Эришилган натижаларга қарамасдан, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги айрим камчилик ва номутаносибликлар мавжуд.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқарилишидаги ҳудудлараро фарқ юқориликча сақланиб қолди, (1991й. - 2,1 марта, 2000 й. - 3,4 марта, 2002 й. - 4,3 марта), саноатда бу фарқ мос равишда 7,1 марта, 11,2 марта ва 8,6 марта, қишлоқ хўжалигида 2,2 марта, 3,6 марта ва 3,8 марта тенг бўлди. 2002 йилда ҳудудлар орасидаги фарқ кўлами халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда 6,9 марта, инвестицияларда – 5,3 марта, чакана товар айирбошлашда 5,0 марта, пуллий хизматларда – 11,4 мартани ташкил қилди, (6,3-жадвал).

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқни индекс ҳисоб-китоблари билан ҳам тасдиқлайди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сурхондарё вилоятлари сезиларли фарқ билан ортда қолишмоқда. 2000-2002 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг вазияти бир қанча яхшиланди, Хоразм вилоятида эса – ёмонлашди.

**6.2-жадвал. Худудларда ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик даражаси**

Худудлар номи	Аҳолининг таъминланганлик даражаси								
	Уй-жой, кв.м. / киши.			10 минг кишига тўғри келадиган касалхоналардаги жойлар			10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория даволаш муассасалари		
	2000	2002	фарқ (+,-)	2000	2002	фарқ (+,-)	2000	2002	фарқ (+,-)
Қорақалпоғистон Республикаси	14,2	15,2	+1,0	47,8	58,7	+10,9	153,8	160,2	+6,4
Вилоятлар:									
Андижон	9,6	9,6	0	62,6	61,8	-0,8	161,0	168,1	+7,1
Бухоро	13,2	13,4	+0,2	49,4	47,1	-2,3	184,4	183,7	-0,7
Жиззах	12,2	12,6	+0,4	50,3	48,8	-1,5	153,3	165,2	+11,9
Қашқадарё	12,6	12,8	+0,2	46,8	55,0	+8,2	101,2	116,0	+14,8
Навоий	18,7	20,0	+1,3	48,0	53,2	+5,2	160,5	185,0	+24,5
Наманган	11,3	12,9	+1,6	56,7	66,0	+9,3	131,1	154,1	+23,0
Самарқанд	13,7	14,0	+0,3	56,1	53,3	-2,8	122,2	129,1	+6,9
Сурхондарё	12,6	12,4	-0,2	42,9	47,5	+4,6	109,5	107,8	-1,7
Сирдарё	13,6	14,5	+0,9	65,0	65,9	+0,9	252,4	255,9	+3,5
Тошкент	13,7	13,7	0	47,1	46,3	-0,8	195,3	197,8	+2,5
Фарғона	14,1	14,7	+0,6	61,2	60,2	-1,0	155,8	169,4	+13,6
Хоразм	18,7	20,1	+1,4	50,5	54,3	+3,8	145,4	144,4	-1,0
Тошкент шаҳри	17,5	17,6	+0,1	80,9	86,2	+5,3	220,7	223,7	+3,0
Ўзбекистон Республикаси	13,7	14,2	+0,5	55,7	57,8	+2,1	158,2	163,1	+4,9

Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

## 6.2-жадвалнинг давоми

Худудлар номи	Марказлашган сув таъминоти (%)			Табийий газ (%)		
	2000	2002	фарқ (+,-), фоиз	2000	2002	фарқ (+,-), фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	62,3	67,7	+5,4	87,3	90,1	+2,8
Вилоятлар:						
Андижон	87,7	90,1	+2,4	64,6	68,8	+4,2
Бухоро	67,2	68,3	+1,1	72,6	81,2	+8,6
Жиззах	75,9	76,4	+0,5	71,4	70,9	-0,5
Қашқадарё	80,0	81,0	+1,0	55,2	64,8	+9,6
Навоий	64,2	69,3	+5,1	77,4	75,6	+1,8
Наманган	79,5	81,5	+2,0	57,0	71,9	+14,9
Самарқанд	78,5	73,4	-5,1	85,6	86,4	+0,8
Сурхондарё	76,0	76,5	+0,5	55,0	58,1	+3,1
Сирдарё	93,2	93,9	+0,7	84,7	87,1	+2,4
Тошкент	91,5	93,0	+1,5	80,3	82,8	+2,5
Фарғона	89,4	88,0	-1,4	76,4	75,7	-0,7
Хоразм	64,1	63,8	-0,3	91,4	89,9	-1,5
Тошкент шаҳри	99,2	99,6	+0,4	97,2	97,4	+0,2
Ўзбекистон Республикаси	81,0	82,5	+1,5	73,9	77,4	+3,5

Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

### 6.3-жадвал. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индекслари

(аҳоли жон бошига ҳисоблаш индекслари)

Худудлар номи	Йиллар	ЯҲМ	Саноат ишлаб чиқариши	Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	Инвестициялар	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Чакана товар айирбошлаш	Пуллик хизматлар	Индекс суммаси	Ўртача индекс
Қорақалпоғистон Республикаси	2000	0,456	0,279	0,425	0,819	0,425	0,470	0,410	3,284	0,469
	2002	0,392	0,201	0,341	0,832	0,360	0,491	0,358	2,975	0,425
Вилоятлар:										
Андижон	2000	0,911	0,909	1,354	0,552	1,169	0,277	0,870	7,042	1,006
	2002	0,834	0,979	1,667	0,439	1,150	1,356	0,771	7,196	1,028
Бухоро	2000	1,109	1,100	1,501	0,705	1,340	0,756	0,927	7,438	1,063
	2002	1,101	1,133	1,550	1,063	1,321	0,902	0,878	7,948	1,135
Жиззах	2000	0,742	0,278	0,256	0,577	1,331	0,420	0,455	4,059	0,580
	2002	0,666	0,380	0,573	1,155	1,329	0,630	0,448	5,181	0,740
Қашқадарё	2000	0,722	0,931	0,616	1,897	0,831	0,662	0,436	6,122	0,875
	2002	0,780	0,917	0,560	1,608	0,980	0,715	0,423	5,983	0,855
Навоий	2000	1,239	3,144	0,616	2,014	1,238	0,728	0,707	9,689	1,384
	2002	1,490	4,046	0,640	2,125	1,149	0,808	0,663	10,921	1,560
Наманган	2000	0,667	0,466	0,665	0,701	1,019	0,691	0,500	4,709	0,673
	2002	0,599	0,396	0,571	0,476	1,042	0,805	0,448	4,337	0,620
Самарқанд	2000	0,709	0,515	1,226	0,523	1,037	0,791	0,626	5,427	0,775
	2002	0,693	0,398	1,016	0,404	1,110	0,707	0,606	4,934	0,705
Сурхондарё	2000	0,716	0,323	0,433	0,470	1,187	0,588	0,480	4,197	0,600
	2002	0,760	0,283	0,364	0,451	1,311	0,665	0,444	4,278	0,611
Сирдарё	2000	0,807	0,460	0,700	0,772	1,397	0,691	0,366	5,193	0,742
	2002	0,776	0,427	0,659	0,713	1,373	0,639	0,366	4,953	0,708
Тошкент	2000	1,040	1,368	1,071	0,747	1,511	1,033	0,732	7,502	1,072
	2002	1,032	1,569	1,184	0,899	1,268	1,038	0,616	7,606	1,087
Фарғона	2000	0,941	1,169	1,076	0,587	0,977	1,219	0,610	6,579	0,940
	2002	0,843	1,072	0,934	0,931	0,995	1,232	0,556	6,563	0,938
Хоразм	2000	0,832	0,507	0,787	0,690	1,144	0,662	0,707	5,569	0,795
	2002	0,720	0,414	0,551	0,855	1,072	0,668	0,581	4,861	0,694
Тошкент шаҳри	2000	1,563	1,700	2,093	2,730	-	2,854	3,455	14,395	2,399
	2002	1,671	1,729	2,630	2,131	-	2,452	4,090	14,433	2,062
Ўзбекистон Республикаси	2000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	-	-
	2002	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	-	-
Худудлар фарқи (марта)	2000	3,4	11,2	8,2	5,8	3,6	6,8	8,4	-	-
	2002	4,3	8,6	6,9	5,3	3,8	5,0	11,4	-	-

Манба: Ўз.Р. Иқтисодиёт вазирлиги

Аммо ҳудудий ижтимоий-иқтисодий номутаносибликлар қатор объектив омиллар (табиий-иқтисодий ривожланишдаги фарқлар) оқибатида мавжуд бўлсада, юзага келган ҳолатдаги юқори фарқ албатта юмшатилиши керак.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги мавжуд юқори фарқнинг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- саноат ишлаб чиқаришнинг ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг асосий қисми Тошкент ва Фарғона иқтисодий зоналарида жойлашганлиги;
- аграр соҳага ихтисослашган ҳудудларнинг хўжалик юритишнинг бозор механизмларига мослашуви даражасининг пастлиги (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари);
- мамлакат ва хорижий инвестициялар жойлаштирилишининг ҳудудлараро номутаносибликлари;
- ҳудудларнинг табиий-иқтисодий имкониятларидан унумсиз фойдаланилиши;
- ҳудудларнинг бюджет таъминотидаги номутаносибликлар ва айрим ҳудудлар маҳаллий бюджетлари даромадларининг паст даражада эканлиги;
- ҳудудларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ривожланишнинг иқтисодий бошқарув услубларидан етарлича фойдаланмаслиги.

Мавжуд муаммоларни ечиш ва номутаносибликларни йўқотиш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштириш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир.



